

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

37-сон
(1213)
2025 йил
сентябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

525. «Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳада бюрократик тартиботларни тубдан қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги ПФ–157-сон Фармони
526. «Хуқуқий ахборотни проактив шаклда етказиш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги ПФ–160-сон Фармони
527. «Ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш самарадорлигини ошириш ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солишда вазирлик ва идораларнинг масъулияти ва ташаббускорлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги ПФ–161-сон Фармони
528. «Педагогика йўналишидаги олий таълим ташкилотларининг талабалари учун Абдулла Авлоний номли давлат стипендиясини таъсис этиш

- тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 10 сентябрдаги ПФ–162-сон Фармони
529. «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 10 сентябрдаги ПФ–163-сон Фармони
530. «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда маҳсулот етиштиришнинг узлуксизлигини таъминлаш ва ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 12 сентябрдаги ПФ–172-сон Фармони
531. «Республикада картошка етиштиришни кўпайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги ПҚ–269-сон қарори
532. «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги ПҚ–270-сон қарори
533. «Тошкент шаҳрида «ToshTech» техника университетини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги ПҚ–274-сон қарори
534. «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги ПҚ–275-сон қарори
535. «Тошкент шаҳрида Н.Э. Бауман номидаги Москва давлат техника университети филиалини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги ПҚ–276-сон қарори
536. «Мактабдан ташқари таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги ПҚ–277-сон қарори
537. «Янги авлод муҳандисларини тайёрлаш ва муҳандислик таълимини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги ПҚ–278-сон қарори
538. «Олмалиқ давлат техника институтини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги ПҚ–279-сон қарори
539. «Нотариат институтини янада ривожлантириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 9 сентябрдаги ПҚ–280-сон қарори

Учинчи бўлим

540. «Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш жараёнларини янада жadalлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 8 сентябрдаги 570-сон қарори
541. «Пахта ва дон қабул қилиш ҳамда унинг электрон ҳисобини юритиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 9 сентябрдаги 573-сон қарори
542. «Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарори

Бешинчи бўлим

543. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 7-avgustdagi 276-son va Soliq qo'mitasining 2025-yil 6-avgustdagi 2025-15-son "Elektr energiyasini sotishni buxgalteriya hisobida aks ettirish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 9-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2127-5*)
544. O'zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo'mitasining 2025-yil 27-avgustdagi 3-mb-son hamda Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2025-yil 25-avgustdagi 6497-son "Tadbirkorlik subyektlari xodimlarining o'rtacha yillik sonini aniqlash tartibi to'g'risidagi nizomning 3-bandiga o'zgartirish kiritish to'g'risida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 9-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2858-2*)
545. O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligi vazirining 2025-yil 7-avgustdagi 35-son "Tayyorlangan urug'lik donni sovitkichli omborxonalariga qabul qilish va ularda saqlash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 9-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3675*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

525 Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллашти- риш ҳамда соҳада бюрократик тартиботларни тубдан қисқартиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

«Ўзбекистон — 2030» стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, давлат бошқарувида ортиқча бюрократик тўсиқлар, мураккаблашган тарти-
ботлар ва эскирган ёндашувларни бартараф этиш ҳамда давлат хизматлари-
ни кўрсатишни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган ислохотларни изчил
давом эттириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Ушбу Фармонни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб
қуйидагилар белгилансин:

(а) 2028 йилга қадар Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва
давлат хизматлари марказлари орқали тақдим этиладиган хизматлар сонини
900 тага етказиш;

(б) проактив давлат хизматлари сонини 53 тага ҳамда композит давлат
хизматларини 74 тага етказиш;

(в) бюрократик тартиб-таомилларни қисқартириш, давлат хизматларини
рақамлаштириш, соҳага сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш
орқали йилига аҳолининг 47 миллиард сўм маблағларини тежаш ҳамда маъ-
мурий харажатларни 80 миллиард сўмга қисқартириш;

(г) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда аҳоли гавжум
жойларни босқичма-босқич 1100 та интерактив киосклар билан таъминлаш
орқали 49 миллиард сўм маъмурий харажатларни тежаш.

II. Давлат хизматларини кўрсатишда талаб қилинадиган хужжатлар сонини қисқартириш, жараёнларни соддалаштириш ва тезлаштириш

2. 2025 йил 1 декабрдан бошлаб идоралараро ахборот алмашинувини
йўлга қўйиш орқали қуйидагилар бекор қилинсин:

(а) никоҳни расмийлаштиришда ФХДЁ органлари томонидан никоҳла-
нувчи шахслардан тиббий кўрик натижаларини тақдим қилиш талаби;

(б) никоҳдан суд қарори асосида ажратилганда никоҳдан ажралганлик
ҳақидаги далолатнома ёзувини шакллантириш учун ФХДЁ органлари томо-

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 9 сентябрда эълон қилинган.

нидан никоҳдан ажратилган шахслардан суд қарорининг талаб қилиниши. Бунда:

(i) никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви суд жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ФХДЁ органи томонидан «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимида автоматик равишда шакллантирилади ҳамда суд қарори нусхаси никоҳдан ажралганлик тўғрисидаги гувоҳномага тенглаштирилади;

(ii) никоҳ бекор қилинганлигини қайд этганлик учун ундириладиган давлат божи суднинг қарорига асосан эр-хотиннинг ҳар иккаласидан ёки уларнинг биридан белгиланган тартибда Мажбурий ижро бюросининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан ундирилади;

(в) қақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг турар жойи, ўқиш жойи, иш жойи ва лавозимидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни тегишли мудофаа органларига тақдим қилиш мажбурияти;

(г) автомобилотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтганлик гувоҳномасида автомобилотранспорт воситаси мулкдорининг манзилини кўрсатиш талаби.

3. Қуйидагилар:

(а) 2026 йил 1 январдан айрим турдаги маълумот ва ҳужжатларни «Рақамли ҳукумат» тизими орқали тақдим этишга масъул давлат органлари ва ташкилотлар рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

(б) Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жисмоний шахснинг ўзига тегишли бўлган ва реал вақт режимида тақдим этиладиган шахсга доир маълумотлар рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

(в) Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали босқичма-босқич жорий этиладиган давлат хизматлари рўйхати 3-иловага* мувофиқ;

(г) Тезлаштирилган тартибда кўрсатиладиган қўшимча давлат хизматлари рўйхати 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

(а) давлат органлари ва ташкилотлари томонидан:

(i) 2026 йил 1 январдан бошлаб ушбу Фармонга 1-иловага мувофиқ маълумот ва ҳужжатларни аҳолидан, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларидан талаб қилиш тақиқланади;

(ii) давлат хизматларини кўрсатишда, ишга қабул қилиш жараёнида ва бошқа маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда мазкур маълумот ва ҳужжатлар «Рақамли ҳукумат» тизими орқали ушбу Фармонга 1-иловада белгиланган давлат органлари ва ташкилотлардан мустақил равишда олинади;

(iii) ушбу Фармонга 1- ва 2-иловаларда назарда тутилган маълумот ва ҳужжатларни аҳолидан талаб қилиш давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш деб ҳисобланади;

(б) қонунчилик ҳужжатларига асосан ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар давлат хизматларини кўрсатиш функциялари юклатилган ташкилотлар «Рақамли ҳукумат» тизими доирасида маълумотлардан бепул фойдаланади.

* 1 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб:

(а) Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда — Ягона портал) жисмоний шахсларнинг ушбу Фармонга 2-иловага мувофиқ шахсга доир маълумотлари уларнинг шахсий кабинети орқали реал вақт режимида тақдим этилади. Бунда:

(i) жисмоний шахснинг Ягона порталдаги шахсга доир маълумотлари уларнинг қоғоз шаклига тенглаштирилади;

(ii) ушбу маълумотлар Ягона порталнинг мобил иловасидан фойдаланган ҳолда кўрсатилганда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мазкур маълумотларнинг қоғоз шаклини талаб қилиш тақиқланади;

(б) давлат хизматлари марказларига келиб мурожаат қилинганда пенсионерларга, ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган боласи билан келган фуқарога давлат хизматларидан навбатсиз фойдаланиш бўйича имтиёз берилади;

(в) жисмоний шахсларни ягона идентификация тизимидан (OneID) рўйхатдан ўтказишда муқобил тарзда шахсни биометрик идентификация қилиш (Face ID) тартиби йўлга қўйилади;

(г) автотранспорт воситаси мулкдорининг маълумотлари ўзгарганда мулкдорнинг хоҳишига кўра автотранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ариза композит тарзда ФХДЁ органи ёки давлат хизматлари маркази томонидан ички ишлар органларига юборилади;

(д) давлат хизматлари марказларига Ягона портал орқали жорий этилган барча давлат хизматлари бўйича аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш ҳуқуқи берилади;

(ж) Ягона портал, давлат хизматлари марказлари ва «Лицензия» ахборот тизими орқали берилган аризалар асоссиз рад этилганда фуқароларнинг мурожаатлари ва адлия органларининг тегишли хулосасига асосан давлат хизмати учун ундирилган давлат божлари, йиғимлар ва бошқа ҳар қандай тўловларнинг ваколатли органларга йўналтирилган қисми улар томонидан фуқароларга қайтариб берилади.

III. Давлат хизматларини кўрсатиш инфратузилмасини яхшилаш

6. Белгилаб қўйилсинки:

(а) аҳоли гавжум жойлар ҳамда маҳаллалар босқичма-босқич 1100 та интерактив киосклар билан таъминланади. Бунда:

(i) Адлия вазирлиги олти ой муддатда 600 та интерактив киоскларни Адлия вазирлигининг бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан харид қилиш чораларини кўради;

(ii) Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПҚ–2979-сон қарори асосида Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредит маблағларини мақбуллаштириш эвазига 2025 йилда 2 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағларини Адлия

вазирлигига 500 та интерактив киоскларни сотиб олиш учун 5 йил муддатга, шундан 2 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 2 фоиз ставкада ажратади;

(iii) Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратилган кредит маблағлари адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади;

(б) интерактив киосклар, уларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда тўғри ишлашини таъминлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Адлия вазирлиги томонидан импорт қилинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуналар, моддий-техника ресурслари ва махсус техникалар, шу жумладан, серверлар, тармоқ қурилмалари, ахборот хавфсизлиги бўйича аппарат ва аппарат-дастурий қурилмалар, лицензияли дастурий таъминотлар 2028 йил 1 сентябрга қадар божхона божидан озод этилади;

(в) Адлия вазирлигига барча зарур талаб ва шартларга жавоб берувчи замонавий интерактив киосклар бўйича амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари доирасида етказиб берувчи билан интерактив киоскларни сотиб олиш бўйича харид қилиш тартиб-таомили натижаларига мувофиқ энг яхши таклифларни танлаш орқали шартнома тузиш ҳуқуқи берилади;

(г) интерактив киосклар орқали давлат хизматларидан мустақил фойдаланганда тегишли давлат божи, йиғимлар ва бошқа тўловлар давлат хизматлари марказлари орқали ёки хизмат кўрсатувчи органларга бевосита мурожаат этилган тақдирда тўланадиган сумманинг 90 фоизи миқдорида ундирилади.

7. Адлия вазирлиги ва Рақамли технологиялар вазирлигининг 2026 йил 1 январдан бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи «Vakolat.uz» платформасини ишга тушириш ҳақидаги таклифи маъқуллансин:

(а) давлат хизматларидан фойдаланиш ва давлат хизмати натижаларини олиш бўйича бошқа шахсларга ишончномаларни расмийлаштириш;

(б) юридик шахслар томонидан расмийлаштирилган ишончномаларни ихтиёрий рўйхатдан ўтказиш;

(в) барча турдаги ишончномаларнинг ҳақиқийлигини онлайн режимда текшириш;

(г) «Vakolat.uz» платформасидан бепул асосда фойдаланиш.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2026 йил 1 январдан бошлаб Давлат хизматлари ягона реестри Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган «Давлат хизматлари» автоматлаштирилган онлайн ахборот тизимида юритилади. Бунда:

(а) ҳар бир давлат хизмати бўйича унинг рақамли паспорти шакллантирилади;

(б) ҳар бир давлат хизматини Давлат хизматлари ягона реестрига кириш норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида амалга оширилади;

(в) давлат хизматларини кўрсатиш, уларнинг тартиботларини жорий қилиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш фақатгина норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинади, бундан янги давлат хизматларини эксперимент тариқасида маълум бир ҳудудда апробация қилиш ҳолатлари мустасно.

9. Белгилансинки:

(а) 2026 йил 1 майдан бошлаб барча турдаги лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади ҳамда фақат «Лицензия» ахборот тизими ёки Ягона портал орқали амалга оширилади, бундан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг ваколатларига тааллуқли бўлган лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари мустасно;

(б) «Лицензия» ахборот тизими орқали тегишли лицензия, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганда ҳамда фаолиятни бошлаганлик ҳақида ваколатли орган хабардор қилинганда ундириладиган давлат божлари, йиғимлар ва бошқа ҳар қандай тўловларнинг 10 фоизи Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

10. Давлат хизматларини кўрсатишда ортиқча тартиб-таомиллар ҳамда бюрократик талабларни янада қисқартириш бўйича «йўл харитаси» 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

11. Вазирлик ва идоралар раҳбарлари 2025 йил якунига қадар ўзлари ваколатли бўлган ҳар бир лицензия, рухсат бериш ҳамда хабардор қилиш тартиб-таомилларини уларнинг амал қилиши натижасида эришилган мақсадларни, ижтимоий-иқтисодий, инновацион ва технологик ривожланишнинг жорий ҳолатини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг харажатларини баҳолаган ҳолда қайта кўриб чиқсин ҳамда таклифлар ишлаб чиқиб Адлия вазирлигига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 6-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

13. Адлия вазирлиги:

(а) икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни;

(б) 2026 йил 1 мартга қадар вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этилган лицензия, рухсат бериш ҳамда хабардор қилиш тартиб-таомилларини такомиллаштириш юзасидан умумлаштирилган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Адлия вазирлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб адлия вазири А.Д. Ташкулов ҳамда рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов белгилансин.

16. Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Хукукий экспертиза ва комплекс таҳлил қилиш департаменти бошлиғи А.Б. Самадов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 8 сентябрь,
ПФ–157-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги
ПФ–157-сон Фармони
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 августдаги «Ўзбекистондаги бир гуруҳ фаластинлик фуқароларга давлат рамхўрлиги, меҳр-шафқат тамойиллари асосида қўмак бериш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–133-сон Фармонининг 3-банди қуйидаги мазмундаги «д» кичик банд билан тўлдирилсин:

«(д) меҳмонлар учун белгиланган уй-жой ижара тўловлари миқдорига ўзгартириш киритиш бўйича қарорлар қабул қилиш. Бунда уй-жой ижара тўловларининг белгиланган миқдордан ошган қисми Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги «Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4913-сон қарорининг 6-бандида:

(а) иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«агент сифатида хизматларни кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг ходимлари нодавлат таълим соҳасидаги кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш фаолиятини бошлаганлик ҳақида хабарнома юборган ҳамда Адлия вазирлигининг «Агент» платформасида рўйхатдан ўтган ўқув марказларининг ўқув курсларида ёки Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ўқиган ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан ўтказиладиган малака имтиҳонини муваффақиятли топширганларга бериладиган агент сертификатиغا эга бўлиши шарт»;

(б) тўртинчи хатбошидаги «ягона платформаси» сўзлари «Агент» платформаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

(в) бешинчи хатбошидаги «мазкур хизматларни кўрсатувчи давлат органи ва ташкилотлари» сўзлари «Адлия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

(г) еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

(д) саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар тегишинча еттинчи ва саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(ж) саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«тадбиркорлик субъектлари томонидан агент сифатида кўрсатилиши мумкин бўлган давлат хизматлари рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Бунда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирига мазкур рўйхатга ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

526 **Ҳуқуқий ахборотни проактив шаклда етказиш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий ахборот манзилли етказилиши ҳамда мазкур йўналишдаги ишлар замон талаблари асосида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсад ва асосий вазифалар

1. Ҳуқуқий ахборотни тарқатишнинг замонавий усулларини кенг жорий этиш мақсадида қуйидагилар соҳани такомиллаштиришнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

(а) ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш, функцияларни автоматлаштириш ва иш жараёнларини мақбуллаштириш орқали инновацион ёндашувларни жорий этиш, давлат органлари ва ташкилотларининг вақт ва молиявий ресурсларини тежаш ҳамда уларни юқори натижадорликка йўналтириш;

(б) аҳолининг ҳуқуқий ахборотга бўлган ҳақиқий талаб ва эҳтиёжларини ўрганган ҳолда ҳуқуқий маълумотларни манзилли ва мақсадли етказиш;

(в) ҳуқуқий ахборотни етказишнинг замонавий усулларини кенг жорий қилиш орқали самарадорлиги юқори бўлмаган усулларни, жумладан, давра суҳбатлари, учрашувлар ва семинарларни кескин камайитириш, шунингдек, соҳада самарали назорат тизимини йўлга қўйиш.

II. Ҳуқуқий ахборотни етказишда инновацион ёндашувларни жорий этиш

2. 2026 йил 1 февралга қадар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси — Lex.uz орқали «проактив қонунчилик» таъминли асосида ҳуқуқий ахборотни «ақлли тарғибот» шаклида етказишнинг қуйидаги тизими жорий этилсин:

(а) Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси — Lex.uz Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали билан интеграция қилинади;

(б) Қонунчилик тармоқларининг умумҳуқуқий классификаторининг ҳар бир коди Иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичининг тегишли гуруҳига ҳамда тегишли давлат хизматиға бириктирилади;

(в) тадбиркорлик субъектлари ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг soliq.uz тизимидаги шахсий кабинетига уларнинг розилигига асосан Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи ҳамда Ўзини ўзи банд

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 9 сентябрда эълон қилинган.

қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати асосида уларнинг фаолиятига оид янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунига оид ахборот ва ушбу ҳужжатга ҳавола юборилади;

(г) Ягона интерактив давлат хизматлари портали фойдаланувчиларининг шахсий кабинетига уларнинг розилигига асосан улар томонидан фойдаланилган ёки келгусида фойдаланилиши мумкин бўлган автоматик равишда амалга ошириладиган хизматлар таҳлили асосида кундалик ҳаётда қўллаш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳаволалар юборилади.

3. Аҳоли ва тадбиркорлар учун энг муҳим масалаларни тартибга солишга қаратилган лойиҳалар мазмунига оид ахборотни ва ушбу ҳужжатларга Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталидаги ҳаволани мазкур Фармоннинг 2-бандида назарда тutilган механизмга асосан жисмоний ва юридик шахсларга юбориш амалиётини йўлга қўйиш орқали «Ҳуқуқий тарғибот лойиҳадан бошлаб» тамойили жорий этилсин.

4. Ҳуқуқий ахборотни ижтимоий тармоқлар орқали етказиш қамровини ошириш мақсадида Адлия вазирлиги интернетдаги оммабop видеохостинг платформаларида «Adliya TV» саҳифасини ишга туширсин. Бунда мазкур саҳифа орқали:

(а) янги қабул қилинган муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, айниқса қонунларни кенг оммага содда ва халқчил тилда тушунтириш бўйича бевосита уларни ишлаб чиқишда қатнашган давлат идоралари ходимлари, жамоатчилик вакиллари, эксперт ва мутахассислар иштирокида подкастлар ташкил қилинади;

(б) аҳолининг кундалик ҳаётида тез-тез учраб турадиган ва долзарб бўлган ҳуқуқий масалалар юзасидан аҳолининг ёши, касби ва ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб содда, тушунарли ва қизиқарли шаклдаги видеороликлар, инфографикалар, анимациялар, интерактив савол-жавоблар ва бошқа замонавий кўринишдаги материаллар тайёрланиб, мунтазам равишда жойлаштириб борилади;

(в) фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари иштирокида уларни қизиқтирган кундалик ҳуқуқий масалалар бўйича саволларга жавоб топишга қаратилган интерактив жонли эфирлар мунтазам равишда ташкил қилинади.

5. Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) билан биргаликда 2026 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси — Lex.uzни «E-qaror» ва «E-kengash» электрон тизимлари билан ўзарo интеграция қилиш орқали Миллий базада маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган қарорлар тўғридан-тўғри жойлаштириб борилишини йўлга қўйсин.

III. Ҳуқуқий ахборотни тарқатишнинг комплекс тизимини жорий қилиш

6. 2026 йил 1 мартдан бошлаб ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимидан воз кечган ҳолда

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини ижрочиларга етказиш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ижрочилар ва кенг аҳоли қатламига тушунтириш ишларини «Ijro.gov.uz» идоралараро ягона электрон ижро интизоми тизими орқали назорат қилиш тартиби йўлга қўйилсин. Бунда:

(а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнлари «Ijro.gov.uz» идоралараро ягона электрон ижро интизоми тизими ва «Рақамли маҳалла» ягона платформаси орқали «республика-вилоят-туман-маҳалла» тамойили асосида давлат органлари ва ташкилотларига ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юборилади. Бунда ушбу органлар фаолиятига тааллуқли ҳужжатлар мажбурий танишиш учун, бошқа ҳужжатлар маълумот учун юборилади;

(б) давлат органлари ва ташкилотлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ижрочилар ва кенг жамоатчиликка етказилиши устидан назорат ўрнатиш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан «Ijro.gov.uz» идоралараро ягона электрон ижро интизоми тизимида Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш картотекаси (кейинги ўринларда — Картотека) юритилиши йўлга қўйилади;

(в) Картотекада Адлия вазирлиги томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат дахл қиладиган субъектлар тоифаси, уларга ҳуқуқий ахборотни етказиш усуллари ҳамда тарғиботни ташкил қилишга масъул давлат органлари ва ташкилотлари (қоида тариқасида, ишлаб чиқувчилар орасидан) белгиланади;

(г) Картотека асосида давлат органлари ва ташкилотлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини етказиш бўйича манзилли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини амалга оширади ҳамда бажарилган ишлар юзасидан маълумотларни «Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига киритиб боради;

(д) давлат органлари ва ташкилотларида Картотека асосида ишларни ташкиллаштириш ҳамда ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ишларини мувофиқлаштириш ушбу орган ва ташкилотларнинг юридик хизматлари зиммасига юклатилади.

7. Адлия вазирлиги (А. Ташкулов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (К. Куранбаев) 2026 йил 1 мартга қадар «Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими ва «Рақамли маҳалла» ягона платформаси амалдаги оператори билан биргаликда мазкур Фармоннинг 6-бандида назарда тутилган топшириқлар ижросини таъминлаш имконини берувчи тегишли техник имкониятларни яратсин.

IV. Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш соҳасида нодавлат сектор иштирокини қўллаб-қувватлаш

8. «Ҳуқуқий ахборот сиз истаган вақтда» тамойилини амалиётга тўлиқ татбиқ этиш учун ҳуқуқий ахборотни тарқатишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларининг фаол иштирокини таъминлаш механизмлари жорий этилсин. Бунда:

(а) Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси — Lex.uzдан фойдаланган ҳолда янги технологиялар, шу жумладан, сунъий

интеллектга асосланган дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш учун фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектлари билан шартнома асосида интеграция имкониятлари яратиб борилсин;

(б) ҳуқуқий саводхонликни оширишга қаратилган лойиҳаларни кенг омалаштириш мақсадида бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасалари ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ижтимоий буюртма асосида фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотларни тўғридан-тўғри жалб этишга рухсат берилсин;

(в) жисмоний ва юридик шахслар томонидан ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ҳуқуқий технологиялар соҳасида илгари сурилаётган лойиҳаларни ҳаммуаллифлик асосида ишлаб чиқиш, уларни ҳамкорликда амалга ошириш ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чоралари кўриб борилсин;

(г) аҳолининг кенг қатламларига мўлжалланган ҳуқуқий саводхонликни оширишга қаратилган стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу лойиҳани бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасалари ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш амалиёти йўлга қўйилсин.

V. Фармон ижросини ташкил қилиш, таъминлаш ва назорат

9. Адлия вазирлиги:

(а) Солиқ қўмитаси ва Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда 2026 йил 1 февралга қадар тегишли ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш ва ахборот ресурсларини ўзаро бириктириш орқали мазкур Фармоннинг 2-бандида назарда тутилган топшириқлар ижросини таъминласин;

(б) уч ой муддатда ҳуқуқий ахборотни тарқатиш соҳасини тартибга соловчи қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш, аҳамиятини йўқотган механизмларни бекор қилиш ҳамда замонавий усулларни кенг жорий қилиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига:

(i) «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини киритсин;

(ii) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб адлия вазири А.Д. Ташкулов белгилансин.

12. Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Хукукий экспертиза ва комплекс-таҳлил қилиш департаменти бошлиғи А.Б. Самадов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 8 сентябрь,
ПФ–160-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

527 Ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш самарадорлигини ошириш ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солишда вазирлик ва идораларнинг масъулияти ва ташаббускорлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ижтимоий муносабатларни ўз вақтида ҳамда самарали ҳуқуқий тартибга солиш, ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, давлат органлари масъулияти ва ташаббускорлигини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 июлдаги «Давлат бошқаруви тизимида самарадорлик, проактивлик ва натижадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–111-сон Фармонида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар норма ижодкорлиги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) амалга оширилаётган ислохотлар ижросини тезкор таъминлаш ва ижтимоий муносабатларни ўз вақтида ва самарали ҳуқуқий тартибга солиш, ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш ҳамда норма ижодкорлиги фаолиятининг янада самарали тизимини жорий этиш;

(б) ҳуқуқий механизмларни идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (кейинги ўринларда — идоровий ҳужжатлар) билан белгилаш амалиётини кенгайтириш орқали вазирлик ва идораларнинг институционал мустақиллигини ошириш ва уларнинг проактив сиёсат юритишини таъминлаш;

(в) идоровий ҳужжатлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва келишиш тартиб-таомилларини соддалаштириш орқали маъмурий бюрократияни ва мураккаблашган тартиботларни бартараф этиш.

II. Норма ижодкорлиги фаолиятининг самарадорликка йўналтирилган янги тартибини жорий этиш

2. Белгилансинки:

(а) вазирликлар ва идоралар, агар уларга қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тегишли соҳада давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича ваколатлар берилган бўлса, идоровий ҳужжатлар қабул қилиши мумкин;

(б) идоровий ҳужжатларни қабул қилиш учун юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тегишли ҳужжатни қабул қилиш ваколати аниқ ёзиб қўйилган бўлиши талаб этилмайди;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 9 сентябрда эълон қилинган.

(в) вазирлик ва идоралар давлат сиёсатини амалга ошириш ваколати доирасида ҳуқуқий тартибга солиш функциясини бажаради;

(г) янги ислохотлар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари қабул қилинганда, вазирлик ва идоралар уларни ҳаётга татбиқ этиш учун ўзлари тезкор идоравий ҳужжатлар қабул қилиши мумкин;

(д) Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатларидаги топшириқлар ижроси юзасидан қабул қилинган идоравий ҳужжатларнинг Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши ушбу топшириқларни «Ijgo.gov.uz» тизимида назоратдан ечишга асос ҳисобланади;

(ж) вазирлик ва идоралар бўйсунувидаги қўмита, агентлик ва инспекциялар, агар уларга тегишли соҳада давлат сиёсатини юритиш ваколати юклатилган бўлса, идоравий ҳужжатлар қабул қилиши мумкин, бунда зарур ҳолларда ушбу ҳужжат юқори турувчи орган билан ҳам келишилади;

(з) идоравий ҳужжатларга, қонунчиликда белгиланган ҳолатлардан ташқари, қуйидаги қоидаларни киритишга йўл қўйилмайди:

(i) жисмоний ва юридик шахсларга янги имтиёз ҳамда жавобгарлик чораларини белгилайдиган;

(ii) амалдаги тартиб-таомилларни асоссиз мураккаблаштирадиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайдиган;

(iii) асосланмаган қўшимча харажат ва тўловларни, янги турдаги солиқ ва йиғимларни, лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини жорий этадиган;

(и) ижтимоий муносабатларни ҳаддан зиёд ҳуқуқий тартибга солишга йўл қўймаслик мақсадида идоравий ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқишидан олдин, ҳужжатни қабул қилишнинг яққол зарурати ва уни қабул қилмасдан бошқа муқобил ечимлар орқали муаммони ҳал қилишнинг имкониятлари ўрганилади;

(к) барча идоравий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади, бундан янги қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ҳамда давлат сирларига оид маълумотларни ўз ичига олган идоравий ҳужжатлар лойиҳалари мустасно;

(л) қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда, уларни амалга ошириш учун зарур бўлган идоравий ҳужжатлар ҳам бир вақтнинг ўзида тайёрланади ва лойиҳа билан бирга юқори инстанцияларга киритилади.

3. Белгилансинки, идоравий ҳужжатларни қабул қилиш, уларни ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш муддатлари бўйича қуйидаги қатъий талаблар ўрнатилади:

(а) идоравий ҳужжатларни қабул қилиш муддати, агар Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатларида бундан кўп муддат белгиланмаган бўлса, икки ой этиб белгиланади;

(б) идоравий ҳужжат лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш муддати 10 кунни ташкил этади, агар лойиҳа юзасидан 5 кун ичида таклиф келиб тушмаса, уни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун Адлия вазирлигига киритиш мумкин бўлади;

(в) идоравий ҳужжатларни Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш муддати 30 кундан 20 кунга, қўшимча ўрганишни талаб қиладиган ҳужжатлар бўйича эса кўриб чиқиш муддатини узайтириш 15 кундан 10 кунга қисқартирилади;

(г) белгиланган талабларга риоя қилмасдан киритилган идоравий ҳужжатларни Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш муддати 30 кундан 15 кунга қисқартирилади.

4. Идоравий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишда:

(а) Адлия вазирлиги идоравий ҳужжатларни қуйидаги ҳолларда қайта ишлаш (тахрирлаш) орқали давлат рўйхатидан ўтказди:

(i) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштириш мақсадида;

(ii) қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлаштириш зарурати туғилганда;

(iii) ҳавола қилувчи нормалар қўлланишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги таъминланмаганда;

(б) қайта ишланган (тахрирланган) ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказишга ушбу ҳужжатни қабул қилган вазирлик ёки идоранинг биринчи раҳбари томонидан ёзма ёки электрон тизим орқали розилик берилган тақдирда йўл қўйилади;

(в) Адлия вазирлигининг давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ҳулосаси имзоланган вақтдан идоравий ҳужжат бекор қилингани ҳақидаги белги автоматик тарзда электрон тизимда қайд этилади, бунда уларни бекор қилиш учун алоҳида ҳужжат қабул қилиш талаб этилмайди;

(г) Адлия вазирлигига жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш жараёнида жисмоний ва юридик шахсларнинг асосли эътирозларига сабаб бўлган идоравий ҳужжат лойиҳаларини қайта ишлаш учун давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ваколати берилади.

5. Қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш ҳамда идоравий ҳужжатларни юқорироқ юридик кучга эга бўлган қонунчилик ҳужжатларига тезкор ва тўлиқ мувофиқлаштириш мақсадида:

(а) Айрим қонунчилик ҳужжатларини амалга ошириш механизмлари билан таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишнинг 2025-2026 йилларга мўлжалланган дастури (кейинги ўринларда — Дастур) иловага* мувофиқ тасдиқлансин;

(б) вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари Дастур ижросини самарали ва ўз вақтида ташкил этиш учун шахсан жавобгар ҳисобланиши қайд этилсин;

(в) янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати би-

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лан белгиланган муддатда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаган ёки ўз кучини йўқотган деб топилмаган идоравий ҳужжатлар:

(i) юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни ҳисобга олган ҳолда Адлия вазирлиги томонидан Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан (кейинги ўринларда — Реестр) чиқарилади;

(ii) Реестрдан чиқарилиши натижасида юзага келадиган оқибатлар учун вазирлик ва идоралар раҳбарлари жавобгар ҳисобланади.

6. Амалга ошириладиган ислохотларнинг ижросини таъминлашда профессионал бошқарув ва натижадорликка асосланган тизимни йўлга қўйиш мақсадида:

(а) вазирлик ва идораларнинг раҳбарларига идоравий ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш бўйича шахсий масъулият ва жавобгарлик юклатилади;

(б) янги тизим доирасида идоравий ҳужжатларнинг ўз вақтида келиши-лиши, қабул қилиниши ва давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминламаган вазирлик ва идоралар раҳбарларига интизомий жавобгарлик чоралари жорий этилади;

(в) идоравий ҳужжатлар ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилиниши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши, шунингдек, улар лойиҳаларининг ўз вақтида кўриб чиқилиши ва келишилиши устидан назорат Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Адлия вазирлиги вазирлик ва идоралар томонидан идоравий ҳужжатлар ўз вақтида ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши ва давлат рўйхатидан ўтказилишини доимий мониторинг қилиб боради. Бунда:

(а) мониторинг натижалари асосида ўз муддатида амалиётга жорий этилмаган идоравий ҳужжатлар юзасидан ҳар чоракда Президент Администрацияси ва Ҳукуматга ахборот киритилади;

(б) Президент Администрацияси ва Ҳукумат томонидан белгиланган муддатларда идоравий ҳужжатларни амалиётга жорий этмаслик сабаблари ўрганилади ҳамда масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг интизомий жавобгарлиги масаласи кўриб чиқилади;

(в) Адлия вазирлиги идоравий ҳужжатларни ўз вақтида амалиётга жорий этмаслик сабабларини бартараф қилиш ва масъул ходимларнинг жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш бўйича тегишли вазирлик ва идораларга бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;

(г) Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатаси вазирлик ва идоралар томонидан идоравий ҳужжатлар ўз вақтида ишлаб чиқилиши, келишилиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши юзасидан доимий назорат олиб боради.

8. Адлия вазирлигининг идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнларидаги ортиқча тартиб-таомилларни бартараф этишга қаратилган қўйидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин:

(а) идоравий ҳужжатни у биринчи келишилаётган вазирлик ва идора билан келишилгандан сўнг ўттиз кун ичида қабул қилиш талаби бекор қилинсин;

(б) янги қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг талабларига мувофиқлаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи идоравий ҳужжатларни манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишмасдан ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун Адлия вазирлигига киритишга рухсат берилсин.

III. Ташкилий чора-тадбирлар

9. Адлия вазирининг биринчи ўринбосари вазирлик ва идоралар, шу жумладан, Адлия вазирлигининг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришга, хусусан:

(а) идоравий ҳужжатлар ўз вақтида ишлаб чиқирилиши, қабул қилиниши ва давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлашга;

(б) тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини кенг жорий қилишга;

(в) миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштириш масалаларига масъул этиб белгилансин.

10. Адлия вазирлиги бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармон асосида вазир ўринбосарлари ўртасида вазифалар тақсимоти ҳамда вазирлик марказий аппаратининг янгиланган тузилмасини тасдиқласин.

IV. Фармон ижросини ташкил қилиш, таъминлаш ва назорат

11. Адлия вазирлиги:

(а) бир ой муддатда идоравий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларини қайта кўриб чиққан ҳолда идоравий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларини тасдиқласин;

(б) 2026 йил 1 мартга қадар Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини қуйидагилар асосида қайта кўриб чиқсин ва таклифларни Президент Администрациясига киритсин:

(i) «ақлли тартибга солиш» модели доирасида замонавий тартибга солиш усуллари кенг қўллаш;

(ii) муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан мақсадли кўрсаткичлар асосида тизимли мониторинг-ни амалга ошириш;

(iii) идоравий ҳужжатлар билан ҳуқуқий тартибга солиш амалиётини кенгайтириш орқали соҳа регуляторларининг мустақиллигини ва жавобгарлигини кучайтириш;

(iv) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда жамоатчилик иштирокини манзилли кенгайтиришга қаратилган муқобил механизмларни жорий этиш;

(v) норма ижодкорлиги жараёнига замонавий ИТ технологияларини кенг жорий этиш, шу жумладан, сунъий интеллектни қўллаш;

(в) икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан ке-

либ чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) Дастурни амалга ошириш доирасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ва ўз вақтида тайёрланиши, келишилиши ва қабул қилиниши устидан мониторинг юритсин ҳамда ижроси бўйича Президент Администрациясига ҳар чоракда ахборот киритиб борсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб адлия вазири А.Д. Ташкулов белгилансин.

14. Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ҳуқуқий экспертиза ва комплекс-таҳлил қилиш департаменти бошлиғи А.Б. Самадов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 8 сентябрь,
ПФ–161-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

**528 Педагогика йўналишидаги олий таълим ташкилотлари-
нинг талабалари учун Абдулла Авлоний номли давлат
стипендиясини таъсис этиш тўғрисида***

Педагогика йўналишидаги олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган ҳамда академик ўзлаштиришда юқори натижаларни қайд этган билимли ва иқтидорли талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида **қарор қиламан:**

1. 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб педагогика йўналишидаги олий таълим ташкилотларининг талабалари учун Абдулла Авлоний номли давлат стипендияси таъсис этилсин.

2. Абдулла Авлоний номли давлат стипендияси педагогика йўналишидаги ҳар бир олий таълим ташкилотининг бакалавриат таълим йўналишида таҳсил олаётган бир нафар охирги икки курс талабасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида» 1993 йил 5 февралдаги ПФ–555-сон Фармонида белгиланган талаблар асосида тайинлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги «Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»-ги ПФ–555-сон Фармонига иловага мувофиқ педагогика йўналишидаги олий таълим ташкилотлари талабалари учун Абдулла Авлоний номли давлат стипендиясини таъсис этишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбарининг таълимни ислоҳ қилиш бўйича ўринбосари Х.У. Умарова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 10 сентябрь,
ПФ–162-сон

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 10 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 10 сентябрдаги
ПФ–162-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил
5 февралдаги «Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш
чоралари тўғрисида»ги ПФ–555-сон Фармониغا киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

2-бандда:

биринчи хатбоши «Паҳлавон Маҳмуд,» сўзларидан кейин «педагогика
йўналишида — Абдулла Авлониё,» сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Абдулла Авлониё номли давлат стипендияси педагогика йўналишидаги
ҳар бир олий таълим ташкилотининг бир нафар охирги икки курс талабаси-
га»;

саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар тегишлича тўққизинчи ва ўнин-
чи хатбошилар деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

529 Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида*

«Ўзбекистон — 2030» стратегияси ҳамда жорий йилнинг 30 июнь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар билан учрашуви доирасида белгиланган устувор вазифаларга мувофиқ ёшлар билан ишлаш тизими, жумладан, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) ёшлар муаммолари билан индивидуал ва манзилли ишлаш орқали ёшлар етакчилари фаолияти самарадорлигини ошириш;

(б) ёшларнинг касбий қизиқишларини барвақт аниқлаш орқали меҳнат бозорига рақобатбардош кадр сифатида кириб боришини таъминлаш;

(в) ёшларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтириш орқали улар онгига турли салбий таъсир кўрсатувчи ғоявий таҳдидларга маҳалла даражасида қарши курашиш;

(г) ёшларга оид маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва доимий равишда янгилаб бориш жараёнларини рақамлаштириш орқали ёшларнинг ижтимоий аҳволи ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантиришга жалб этиладиган меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш.

II. Ёшлар билан ишлаш тизимининг асосий вазифалари

2. Умуммиллий ривожланиш мақсадларига эришишда ёшлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимининг устувор вазифаси этиб белгилансин.

Бунда «Улкан мақсадлар, самарали меҳнат, оқилона турмуш» ғояси асосида ёшларда улкан марраларни забт этишда ўзига бўлган ишонч ва ирода шакллантирилади, билим ва интизом билан меҳнат қилиш кўникмалари кучайтирилади, улар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва ўз ахлоқи билан бошқаларга ўрнак бўлиш каби ҳаётий қадриятлар оммалаштирилади.

3. Қуйидагилар маҳаллалардаги ёшлар етакчиларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

(а) ёшларнинг ўзига бўлган ишончини ошириш, жамият учун фойдали ва умуммиллий манфаатларга хизмат қилишга қаратилган лойиҳаларни маҳалла даражасида амалга ошириш;

(б) ёшларнинг шахсий ривожланишига, уларнинг иқтидори ва истеъдоди-

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 11 сентябрда эълон қилинган.

ни рўёбга чиқаришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш, «Беш ташаббус олимпиадаси»ни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш;

(в) меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг тадбиркорлик кўникмалари ва ўз тақдири учун масъулият ҳиссини кучайтириш орқали бандлигига кўмаклашиш;

(г) «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга кўрсатиладиган ёрдамнинг ижтимоий ҳамкорлик тамойилига асосланишини таъминлаш.

Ушбу бандда назарда тутилган асосий вазифаларга боғлиқ бўлмаган бошқа вазифа ва топшириқларни ёшлар етакчилари зиммасига юклаш тақиқланади.

Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси ёшлар етакчилари вазифаларига кирмайдиган ишларга жалб этилмаслигини қатъий назоратга олсин.

4. «Маҳалла еттилиги» ва таълим муассасалари ўртасида ёшлар, жумладан, умумтаълим мактабларининг битирувчи синф ўқувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидаги ҳамкорлик қилиш тизими жорий этилсин:

(а) мактабларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ҳар ойда синф раҳбари ва мактаб психологи ҳамкорлигида хулқ-атворида муайян мураккабликлар кузатилган ўқувчилар ҳамда битирувчи синф ўқувчилари ўртасида қўшимча фанлар, хорижий тиллар ва касбларни ўрганиш, спорт турлари билан шуғулланиш ҳамда меҳнат фаолиятига қизиқиш билдирган ўқувчиларни аниқлайди. Ушбу ўқувчиларнинг рўйхати шакллантирилиб, белгиланган тартибда ёшлар етакчиси ва маҳалла раисига тақдим этилади;

(б) ёшлар етакчилари:

(i) мактабларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари томонидан тақдим этилган рўйхат асосида битирувчи синф ўқувчиларининг фан, хорижий тиллар, спорт турлари билан шуғулланишига ва касбларни ўрганиш истаги бўлган ўқувчиларнинг «Келажак» марказлари ҳамда хусусий ўқув марказларида таҳсил олишига кўмаклашади;

(ii) хулқ-атворида муайян мураккабликлар кузатилган ўқувчилар учун уларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда индивидуал ривожланиш йўналишларини белгилайди;

(iii) маҳалла ҳудудидаги мураббийлар, касб эгалари ва тадбиркорлар билан ҳамкорликда ўқувчилар учун устозлик тизимини йўлга қўяди;

(iv) хулқ-атворида муайян мураккабликлар кузатилган ўқувчиларни давлат ва нодавлат таълим муассасаларидаги тўғарақларга йўналтиради;

(в) ҳоким ёрдамчилари меҳнат фаолиятини олиб бориш истаги бўлган мактаб ўқувчиларини тегишли маҳалла ҳудудида жойлашган корхоналарга йўналтириб, уларнинг касб ўрганишига ва келгусида ишга жойлашишига, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун зарур воситалар билан таъминлашга кўмаклашади;

(г) маҳалла раислари:

(i) хулқ-атворида муайян мураккабликлар кузатилган ўқувчиларнинг ота-оналари билан доимий мулоқот ўрнатади ҳамда уларнинг масъулиятини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

(ii) ота-оналарга фарзанд тарбияси, маънавий-ахлоқий қўллаб-қувватлаш ва хулқ-атвордаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар тақдим этади;

(iii) ёшлар билан доимий мулоқот ўтказиб, уларнинг касбий қизиқишини ўрганади, меҳнат бозорига рақобатбардош кадр сифатида кириб бориш жараёнида уларга йўл-йўриқ кўрсатиб боради;

(iv) ишсиз ёшларни уларнинг қизиқишидан келиб чиққан ҳолда маҳалладаги тажрибали тадбиркорларга касб-хунар ўрганиш учун йўналтиради, касбий ўсишини кузатиб боради ҳамда ўзининг мустақил тадбиркорлик фаолиятини бошлашига кўмаклашади;

(v) ёшларнинг фанларни ўрганиши, ахборот технологияларини ўзлаштириши, китобхонлик, спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича ташаббуслар ишлаб чиқади.

Ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирлар бўйича харажатлар зарур ҳолларда белгиланган тартибда «Ёшлар дафтари» жамғармалари ҳамда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

III. Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш жараёнини рақамлаштириш даражасини ошириш

5. Ёшлар ишлари агентлиги 2026 йил 1 февралга қадар «Ёшлар дафтари» ва «Ёшлар портали» электрон платформалари негизида қуйидаги имкониятларга эга бўлган «Ёшлар ягона электрон платформаси» ахборот тизимини (кейинги ўринларда — Ёшлар ягона электрон платформаси) яратсин:

(а) ёшларнинг демографик ва ижтимоий ҳолати, бандлиги, таълим олишига оид маълумотлар асосида «Ёшлар баланси»ни шакллантириш;

(б) ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш ва унинг натижаларини аниқлаш;

(в) ёшларнинг қизиқишларини аниқлаш бўйича социологик сўровлар ўтказиш, унинг натижаларини автоматик таҳлил қилиш;

(г) ёшларга оид мавжуд имтиёзлар, преференциялар ва имкониятлар тўғрисида маълумот бериш;

(д) шахсга доир маълумотлар бўйича амалга оширилган сўровларнинг рақамли изларини сақлаш.

Ёшлар ишлари агентлиги Ёшлар ягона электрон платформаси буюртмачиси этиб белгилансин.

6. Ушбу Фармоннинг 1-иловасига* мувофиқ, вазирлик ва идоралар:

(а) тегишли ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини Ёшлар ишлари агентлиги сўровига асосан бир ой муддатда Ёшлар ягона электрон платформасига «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро платформаси орқали интеграция қилишни таъминласин;

(б) уч ой муддатда Ёшлар ягона электрон платформасига ўзларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш учун тегишли инфратузилма яратиш ҳамда рақамлаштирилган маълумотлар базаларини шакллантириш чораларини кўрсин.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Рақамли технологиялар вазирлиги «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали интеграция жараёнларини мувофиқлаштириб борсин ва зарур техник чоралар кўрсин.

Бунда интеграция қилинадиган ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари орқали узатиладиган маълумотлар ушбу Фармонга 1-иловада белгиланган муддатларда янгилаб борилиши таъминлансин.

7. Белгилансинки, 2026 йил 1 февралдан бошлаб «Ёшлар дафтари» жамғармасидан кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамлар бўйича аризаларни тақдим этиш, уларни кўриб чиқиш натижаси бўйича қарор қабул қилиш билан боғлиқ барча маъмурий тартиб-таомиллар Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда Ёшлар ягона электрон платформаси орқали амалга оширилади.

8. Ёшлар ишлари агентлиги:

(а) Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда мазкур Фармоннинг 7-бандидан келиб чиқиб, «Ёшлар дафтари» жамғармаси орқали ижтимоий ёрдамларни кўрсатиш тартибини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(б) ёшлар етакчилари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини мазкур Фармоннинг 3-бандида кўрсатилган асосий вазифалар асосида қайта кўриб чиқиб, улар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш инсон омилисиз автоматик тарзда Ёшлар ягона электрон платформасида амалга оширилишини таъминласин;

(в) икки ой муддатда Ёшлар ягона электрон платформасидан фойдаланувчи ҳудудий, туман (шаҳар) бўлинмалари, ёшлар етакчилари ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги тизимидаги бошқа тузилмаларнинг шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш ҳажмлари ва чегараларини белгиласин.

9. 2026 йилдан бошлаб ҳар йили Ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши тўғрисидаги миллий маърузани эълон қилиш амалиёти жорий этилсин. Бунда:

(а) Ёшлар ишлари агентлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Спорт вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ёшларга оид давлат сиёсати бўйича социологик сўровлар ўтказиш дастури ва баҳолаш методологиясини ишлаб чиқсин;

(б) Ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши тўғрисидаги миллий маърузани тайёрлаш учун зарур статистик маълумотларни олиш ҳамда социологик сўровлар ўтказиш Ёшлар ягона электрон платформаси орқали амалга оширилсин;

(в) Ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши тўғрисида миллий маъруза ҳар йили 30 июнь — Ёшлар куни арафасида Ёшлар ишлари агентлиги томонидан эълон қилиб борилади.

10. 2026 йил 1 январга қадар Ёшлар ишлари агентлиги тизимида топириқларни республикадан маҳаллагача етказиш ва назорат қилиш бўйича электрон ҳужжат айланиш тизими жорий этилсин ҳамда иш юритиш тартиби тўлиқ рақамлаштирилган ҳолда амалга оширилиши йўлга қўйилсин.

Ёшлар ишлари агентлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан бир-галикда ушбу бандда назарда тутилган электрон тизимларнинг ўз муддатида ва сифатли ишга туширилишини таъминласин.

11. Ушбу Фармоннинг 5 ва 9-бандларида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш харажатлари Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

13. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ёшлар ишлари агентлиги директори А.З. Саъдуллаев белгилансин.

14. Фармон ижроси учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 10 сентябрь,
ПФ–163-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 10 сентябрдаги
ПФ–163-сон Фармони
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–209-сон Фармонига 3-илова-нинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ёшлар етакчисининг асосий вазифалари

1. Ёшларнинг ўзига бўлган ишончини ошириш, жамият учун фойдали ва умуммиллий манфаатларга хизмат қилишга қаратилган лойиҳаларни маҳалла даражасида амалга ошириш.

2. Ёшларнинг шахсий ривожланишига, уларнинг иқтидори ва истеъдодини рўёбга чиқаришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш, «Беш ташаббус олимпиадаси»ни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш.

3. Меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг тадбиркорлик кўникмалари ва ўз тақдири учун масъулият ҳиссини кучайтириш орқали бандлигига кўмаклашиш.

4. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга кўрсатиладиган ёрдамнинг ижтимоий ҳамкорлик тамойилига асосланишини таъминлаш.

Изоҳ: Етакчиларни уларнинг вазифа ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилиш ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралаштириш, тааллуқли бўлмаган вазифаларни юклаш тақиқланади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–92-сон қарорида:

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Қуйидагилар маҳалладаги ёшлар етакчисининг (кейинги ўринларда — Етакчи) асосий вазифалари этиб белгилансин:

ёшларнинг ўзига бўлган ишончини ошириш, жамият учун фойдали ва умуммиллий манфаатларга хизмат қилишга қаратилган лойиҳаларни маҳалла даражасида амалга ошириш;

ёшларнинг шахсий ривожланишига, уларнинг иқтидори ва истеъдодини рўёбга чиқаришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш, «Беш ташаббус олимпиадаси»ни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш;

меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг тадбиркорлик кўникмалари

ва ўз тақдири учун масъулият ҳиссини кучайтириш орқали бандлигига кўмаклашиш;

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга кўрсатиладиган ёрдамнинг ижтимоий ҳамкорлик тамойилига асосланишини таъминлаш»;

б) 2-илованинг матни* қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

530 Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда маҳсулот етиштиришнинг узлуксизлигини таъминлаш ва ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан оқилона, самарали ва узлуксиз фойдаланиш, бўш турган ер участкаларининг ўз вақтида ҳисобга олиниши ва реализация қилинишини ташкил қилиш, ер майдонларини қайта ижарага бериш тартибини соддалаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар ва вазифалар

1. Ушбу Фармонни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфидаги бўш турган ер участкаларини тўлиқ ҳисобга олиш ва реализация қилиш;

(б) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни қайта ижарага бериш тизимини такомиллаштириш;

(в) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга бўлган ҳуқуқларни тўлиқ давлат рўйхатидан ўтказиш.

2. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган бўш турган ер майдонларини қисқа муддатда ижарага бериш, корхоналарнинг иқтисодий ҳолатидан қатъи назар, барча турдаги қишлоқ хўжалиги ерларига мос экин экиш, норматив ҳосилдорликдан кам бўлмаган маҳсулот етиштириш ва ҳосилни нес-нобуд қилмасдан ўриб-йиғиб олиш — ер участкаларининг ижарачилари (эгалари, фойдаланувчилари), ижарага берувчилари, агросаноат мажмуаси таркибидаги давлат органлари ва ташкилотлари учун биринчи навбатдаги устувор ва-зифа эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

II. Бўш турган ерларни ҳисобга олиш

3. Барча туман ва шаҳар ҳокимлари қуйидагилар учун масъул ва шахсан жавобгар этиб белгилансин:

(а) тегишли туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган барча турдаги бўш турган ер участкалари ўн кун муддатда ўз қарорига асосан давлат ер кадастрида бўш турган ер участкаси сифатида ҳисобга олинишини таъминлаш;

(б) ер участкасига бўлган ҳуқуқлар бекор қилинган ҳар бир ҳолатда ушбу ер ўн кун муддатда ўз қарорига асосан бўш турган ер участкаси сифатида ҳисобга олинишини таъминлаш;

(в) бўш турган ер участкаларини улар давлат ер кадастрида ҳисобга олинган кундан бошлаб ўн кун муддатда электрон онлайн аукцион савдо-ларига чиқариш чораларини кўриш;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 12 сентябрда эълон қилинган.

(г) ер фонди тоифасини ўзгартириш, йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш режалаштирилгани сабабли дарҳол реализация қилинмайдиган ер майдонлари ҳақида ушбу ер участкасини ҳисобга олиш тўғрисидаги ўз қарорида асослантирилган сабабларни кўрсатиб ўтиш;

(д) бўш турган ер участкалари ўзбошимчалик билан эгаллаб олинishiга, ер бериш тартибини бузган ҳолда ажратилишига, бошқа шахслар томонидан ердан хўжасизларча фойдаланилишига ёки унинг яроқсиз ҳолга туширилишига йўл қўймаслик;

(ж) бўш турган ер участкаларини ҳисобга олиш тўғрисидаги қарорларини расмий эълон қилиш.

4. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқини электрон онлайн аукцион савдолари орқали сотишдан туман (шаҳар) бюджетига тушган маблағлар туман (шаҳар) бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобланиши белгилаб қўйилсин. Бунда ушбу маблағлар қатъий равишда ҳудудий инвестиция ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурларига мувофиқ тегишли туманда (шаҳарда) қишлоқ ва сув хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан, суғориш тизимларини яхшилаш, замонавий сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш, ер майдонларини янгидан ўзлаштириш ва қайта фойдаланишга киритиш, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг сўнгги илмий янгилик ва инновацион ёндашувларни жорий этиш тадбирларини молиялаштириш учун халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари қарорларига асосан йўналтирилади.

III. Ер участкаларини қисман қайта ижарага бериш

5. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ижарачиларига ўзига ижарага берилган ер участкаларининг бир қисмига нисбатан ижара шартномаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш) ҳуқуқи берилсин, бунда:

(а) ижарачининг ўзида қоладиган ва қайта ижарага олувчига ўтказиладиган ер участкаларининг майдони Ер кодексининг 46¹-моддасида белгиланган ўлчамлардан кам бўлмаслиги лозим;

(б) ер участкаларини қисман қайта ижарага беришда уларни ижарачи ва қайта ижарага олувчи ўртасида тақсимлаш қишлоқ хўжалиги харитасидаги контурлар яхлитлиги ва амалдаги суғориш тизимини сақлаб қолган ҳолда алоҳида турган контурларни қайта тақсимлаш орқали амалга оширилади;

(в) ер участкаларини қисман қайта ижарага беришда тарафлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини бўлиш ва унинг янги чегараларини белгилаш бўйича давлат хизматидан фойдаланади.

IV. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига нисбатан фақат ижара ҳуқуқини тан олиш

6. Ер кодексининг 46-моддасига мувофиқ, қишлоқ хўжалигига мўлжал-

ланган ерлар фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратилиши маълумот учун қабул қилинсин.

7. Белгилансинки, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган барча турдаги ерларга нисбатан ижара ҳуқуқидан бошқа ҳар қандай шаклдаги ҳуқуқ тан олинмайди ва давлат рўйхатидан ўтказилмайди. Бунда ушбу қоида:

(а) давлат органлари, муассасалари ва корхоналарининг ижара ҳуқуқидан бошқа турдаги ҳуқуқ билан давлат рўйхатидан ўтказилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларига ҳамда ер фондининг бошқа тоифалари таркибидаги қишлоқ хўжалиги ерларига;

(б) 2021 йил 1 августга қадар якка тартибда уй-жой қуриш ҳуқуқи билан деҳқон хўжалиги ва томорқа хўжалигини юритиш учун ҳамда боғдорчилик ва узумчилик ширкатларига ажратилган ерларга нисбатан татиқ этилмайди.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Қуролли Кучлар, чегара, ички ишлар ва бошқа қўшинларнинг ҳарбий қисмлари, ҳарбий ўқув юртлари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг доимий фаолияти учун Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга беришга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилсин. Бунда ушбу ерлар мудофаа эҳтиёжлари учун мўлжалланган ерлар таркибида тегишлича қишлоқ хўжалиги ерлари, шу жумладан, суғориладиган ерлар сифатида аввалги ҳолатида ҳисобга олинади. Ушбу ерларда ер фонди тоифасини ўзгартирмасдан капитал қурилиш объектлари қуришга йўл қўйилмайди.

9. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер эгаларига ва фойдаланувчиларига ўзининг ер участкаларига бўлган эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқларини 2027 йил 1 январга қадар халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари қарори асосида ижара ҳуқуқига ўзгартириш имконияти берилсин.

10. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ижара ҳуқуқига ўтказилган ҳолларда ижара муддати ижара шартномаси тузилган санадан бошлаб қуйидагича этиб белгилансин:

(а) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва улар муассислигидаги юридик шахслар учун — 30 йил;

(б) чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар учун — 25 йил.

V. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат қилиш

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

(а) туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан ўн кун муддатда бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ҳисобга олиш юзасидан қарорлар Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатасига ҳисобга олиш учун юборилишини;

(б) Кадастр агентлиги билан биргаликда туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфидаги бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳисобга олиниши ва улар тўғрисидаги маълумотлар реал вақт режимида Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Е-іјага» ахборот тизимига юборилишини;

(в) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ўрнатилган тартибда электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилишини таъминласин.

12. Адлия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Кадастр агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда ер участкаларини қисман қайта ижарага беришда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини бўлиш ва унинг янги чегараларини белгилаш бўйича давлат хизматини ишга туширсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Кадастр агентлиги билан биргаликда 2026 йил 1 январга қадар:

(а) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан, биринчи навбатда, икки ой ичида доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилган ерлардан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турини белгилаш ишларини самарали ташкил этсин ва якунласин;

(б) ҳар ой якунида ушбу бандга ҳамда мазкур Фармоннинг 9-бандига асосан қабул қилинган халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари қарорлари ва амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бурсин.

14. Адлия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Кадастр агентлиги ва Ўзгагроинспекция билан биргаликда икки ой муддатда ер участкасини ижарага олиш шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижарага беришга) рухсат берилгани муносабати билан ерга оид ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чораларини қайта кўриб чиқишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Ушбу Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Ходжаев ва Ж.А. Қўчқоров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

18. Фармон ижросини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш, ижро учун

масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 12 сентябрь,
ПФ–172-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 12 сентябрдаги
ПФ–172-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6243-сон Фармонининг 3-банди учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«махсус иқтисодий зоналарда инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш учун, шунингдек, маҳаллий ва чет эллик инвесторлар, шу жумладан, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга қиймати камида 10 миллион АҚШ доллари эквивалентида бўлган, энг яхши таклифни танлаб олиш йўли билан аниқланадиган йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун ер участкаларини ижарага беришда ушбу ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқининг баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланадиган бозор қийматига нисбатан коэффициентларда белгиланадиган миқдордаги маблағни ижарага олувчи томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тўлаш шарти билан. Бунда ер участкасининг қиймати қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бевосита ёки бўлиб-бўлиб тўланиши ёхуд ижарага олувчи томонидан ташкил этилган (ташкил этиладиган) хўжалик жамиятининг устав фондига давлат улуши сифатида киритилиши мумкин».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 августдаги ПФ–198-сон Фармони билан тасдиқланган Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурининг 5-позициясида:

(а) «Амалга ошириш механизми» устунининг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари қуйидаги мазмундаги тўртинчи — олтинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«3-босқич — тижорат ташкилотларига тегишли объектлар (ҳар чоракда камида 20 мингта);

4-босқич — якка тартибдаги турар жойлар ва бошқа объектлар (ҳар чоракда камида 150 мингта);

5-босқич — кўп квартирали уйлардаги квартиралар (2025 йилдан бошлаб ҳар чоракда камида 100 мингта);

(б) «Ижро муддати» устунда:

(i) «2023 йил декабрь» ва «2024 йил декабрь» сўзлари тегишинча «2027 йил декабрь» сўзлари билан алмаштирилсин:

(ii) қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«2027 йил декабрь».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 январдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–15-сон Фармонида:

(а) 2-банднинг «в» ва «г» кичик бандлари чиқариб ташлансин;

(б) 4-банднинг биринчи хатбошиси «фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда» сўзларидан кейин «тўлиқ ёки қисман» сўзлари билан тўлдирилсин;

(в) 5-банднинг иккинчи ва бешинчи хатбошиларидаги «2024 йил 31 декабрга қадар» сўзлари «2027 йил 1 январга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 февралдаги «Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–36-сон Фармонида:

(а) 1-илованинг 1.2.3-бандида:

(i) тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

(ii) бешинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

(б) 2-илованинг 21-позицияси чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги ПФ–70-сон Фармони билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат активларини хусусийлаштириш ва давлат мулкани ижарага бериш йўналишларидаги имтиёз ва қўллаб-қувватлаш чораларининг «II. Ер участкаларини реализация қилишда» бўлими 2-банди «б» кичик банди биринчи хатбошисидаги «, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижара ҳуқуқи асосида» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 7 февралдаги «Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПК–44-сон қарорига 9-илованинг 83-позицияси чиқариб ташлансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сон қарори билан тасдиқланган Бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун электрон онлайн-аукцион савдо орқали ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

(а) 7-банднинг биринчи хатбошидаги «давлат рўйхатидан ўтказилган»

сўзлари «туман (шаҳар) ҳокимининг қарорига асосан бўш турган ер участкаси сифатида ҳисобга олинган» сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 19-банднинг учинчи хатбошисидаги «лот қийматининг дастлабки 15 фоизини» сўзлари «лот қийматини» сўзлари билан алмаштирилсин;

(в) Низомга 1-илова 1-босқичининг «Муддат» устунидаги «Ер участкаси давлат заҳирасига олиниб, давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин» сўзлари «Ер участкаси туман (шаҳар) ҳокимининг қарорига асосан бўш турган ер участкаси сифатида ҳисобга олингандан кейин» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

531 Республикада картошка етиштиришни кўпайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Республикада истеъмол ва уруғлик картошка етиштириш жараёнига замонавий инновацион технологияларни жорий этиш, аҳолининг картошкага бўлган талабини маҳаллий маҳсулот ҳисобидан таъминлаш, соҳани давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш механизмларини жорий қилиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар республикада картошка етиштиришни кўпайтириш ва уруғчилигини ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб белгилансин:

(а) 2028 йилдан бошлаб ҳар йили унвчанлик даражаси 85 фоиздан паст бўлмаган камида 10 миллион (2026 йилда 4 миллион, 2027 йилда 6 миллион) дона картошканинг мини-туганакларини етказиб бериш;

(б) фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарида (кейинги ўринларда — картошка етиштирувчи субъектлар) 2027 йилда 2,5 минг тонна, 2028 йилда 27 минг тонна, 2029 йилда 147 минг тонна ва 2030 йилда 747 минг тонна юқори авлодли уруғлик картошка етиштиришни ташкил этиш;

(в) 2030 йилга бориб республикада картошканинг ўртача ҳосилдорлигини 16-17 тоннадан 25 — 30 тоннага ошириш;

(г) Булунғур, Зомин, Бахмал, Бўстонлиқ, Шаҳрисабз, Китоб, Қўрғонтепа, Янгиқўрғон ва Сўх туманларидаги (кейинги ўринларда — ихтисослашган туманлар) картошка етиштирувчи субъектларни юқори авлодли уруғлик картошка етиштиришга ихтисослаштириш.

II. Юқори авлодли уруғлик картошка етиштиришни ташкил этиш

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳар йили 1 декабрга қадар кейинги йилда етиштириладиган картошканинг «in-vitro» ўсимликлари, микро ва мини-туганакларининг ҳажмлари бўйича илмий муассасалар ва тадбиркорлик субъектларига буюртма беради. Бунда картошканинг «in-vitro» ўсимликлари, микро ва мини туганаклари «in-vitro» лабораторияларида ва химояланган иншоотларда етиштирилган, вирусли ва бактериал касалликлардан холи бўлиши ва мини-туганаклар сони 10 миллион донадан кам бўлмаслиги лозим (2026 йил учун 4 миллион дона, 2027 йил учун 6 миллион дона);

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 8 сентябрда эълон қилинган.

(б) илмий муассасалар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳар йили апрель-май ойларида етиштирилган картошка мини-туганакларининг (экинбоплик хулосаси асосида):

(i) 15 фоизи «Булунғур — Агро Стар» масъулияти чекланган жамиятига шартномага мувофиқ бепул етказиб берилади ва мазкур жамият томонидан ўзига ажратилган ер майдонларида юқори авлодли уруғлик картошка етиштириш ташкил этилади;

(ii) 85 фоизи Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва ихтисослашган туманлар ҳокимликлари томонидан картошка етиштирувчи субъектларга шартномага мувофиқ бепул етказиб берилади. Бунда «Булунғур — Агро Стар» масъулияти чекланган жамияти ҳамда ихтисослашган туманлардаги картошка етиштирувчи субъектларга картошканинг мини-туганакларини етказиб бериш ҳисобини юритиш мақсадида мини-туганакларни топшириш-қабул қилишга доир шартномавий муносабатлар Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Рақамли қишлоқ хўжалиги» ягона интеграцион платформаси орқали ташкил қилинади ва ҳисобга олинади;

(в) «In-vitro» лабораторияларида етиштирилган картошканинг мини-туганакдан бошлаб супер элита уруғликкача бўлган олти босқичли тўлиқ заنجирида «Булунғур — Агро Стар» МЧЖ ва картошка етиштирувчи субъектларни илмий ва амалий қўллаб-қувватлаш уруғлик етказиб берувчи илмий муассасалар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилади;

(г) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ихтисослашган туманлар ҳокимликлари ва Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси билан биргаликда:

(i) уруғлик картошка етиштириш бўйича қўп йиллик тажрибага эга бўлган картошка етиштирувчи субъектлар танлаб олиниб, уларнинг реестрини юритиш ҳамда мини-туганакларни экиш ва юқори авлодли уруғлик картошка етиштириш;

(ii) картошка етиштирувчи субъектларда етиштирилган юқори авлодли уруғлик картошкани харид қилиш ва кейинги йил ҳосили учун сақлаш, экиш олдидан тозалаш, саралаш, фракцияларга ажратиб калибрлаш, қадоқлаш, рақамли QR кодли ёрлиқлаш ҳамда сифатини баҳолаш ва экинбоплик хулосасини олиш;

(iii) картошка етиштирувчи субъектларга истеъмол картошкаси етиштириш учун юқори авлодли уруғлик картошкаларни шартнома асосида етказиб бериш йўлга қўйилади;

(д) илмий муассасалар ва тадбиркорлик субъектларининг «in-vitro» лабораторияларида картошканинг «in-vitro» ўсимликлари, микро ва мини-туганакларини етиштириш харажатларини молиялаштириш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ҳар йили Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан трансферт маблағлари ажратилади.

III. Картошка етиштиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

3. Белгилансинки:

(а) 2026 йилдан бошлаб ҳар йили картошканинг «in-vitro» ўсимликлари ва микротуганакларидан 10 миллион дона мини-туганакларни етиштириш харажатларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қишлоқ хўжалиги вазирлигига 1,5 миллион АҚШ доллари эквивалентида миллий валютада трансферт маблағлари ажратилади;

(б) 2026 йил 1 январдан бошлаб истеъмол ва уруғлик картошка етиштириш харажатларини молиялаштириш ва қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги янги тартиби жорий этилади:

(i) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳар йили 1 январга қадар 1 гектар майдонда картошка етиштириш харажатларини товар-моддий ресурслар баҳосини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда — Жамғарма) тақдим этади. Бунда Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали картошка етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ҳосил қийматининг 50 фоизигача йиллик 12 фоиз (шундан 4 фоизи банк маржаси) ставкада 6 ойлик имтиёзли давр билан 12 ой муддатга суғурта полиси асосида кредитлар ажратилади;

(ii) картошка етиштирувчилар томонидан ер майдонларини суғоришда фойдаланиладиган насос агрегатларини муқобил энергия манбалари қурилмалари билан таъминлаш мақсадида қуёш панеллари ўрнатиш харажатларининг 50 фоизигача, бироқ 50 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган қисми Давлат бюджетидан қоплаб берилади;

(iii) картошка етиштирувчилар томонидан маҳсулот етиштиришда суғориш тадбирлари учун ўз балансидаги насос агрегатлари сарфлайдиган электр энергияси харажатларининг 50 фоизи Давлат бюджетидан қоплаб берилади;

(в) 2030 йил 1 январга қадар картошка етиштирувчилар ва қишлоқ хўжалигига агротехник хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлар томонидан ўз эҳтиёжлари учун хориждан олиб келинадиган ҳамда ишлаб чиқарилганига 3 йилдан ошмаган картошка экиш ва йиғиштириш учун мўлжалланган техникалар (ТИФ ТН коди — 8433531000, 8432319000) божхона божидан озод қилинади, уларга эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилган санадан бошлаб қўшилган қиймат солиғини 120 кунгача бўлган муддатга кечиктириб тўлашга рухсат берилади;

(г) 2026 йил 1 январдан «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ (кейинги ўринларда — Компания) томонидан Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш жамғармаси ҳисобидан:

(i) тадбиркорлик субъектларига уруғлик картошка импорти учун Марказий банкнинг асосий ставкасидан юқори, бироқ асосий ставканинг икки баробаридан ошмаган ставкада ажратилган миллий валютадаги кредитларнинг 10 фоиз пунктигача бўлган қисми, 8 фоиздан юқори ставкада хорижий валютада ажратилган кредитларнинг 4 фоиз пунктигача бўлган қисми;

(ii) истеъмол картошкасини импорт қилувчи тадбиркорлик субъектларига Марказий банкнинг асосий ставкасидан 2 фоиз бандга юқори, бироқ асосий ставканинг икки баробаридан ошмаган миллий валютадаги кредитларнинг 10 фоиз пунктигача бўлган қисми қоплаб берилади.

IV. Картошка етиштириш инфратузилмасини яхшилаш

4. «Uzagrostar holding» компанияси «Булунғур — Агро Стар» МЧЖ ҳамда бириктирилган тижорат банки билан биргаликда:

(а) 2026 йилда экиш учун илғор хорижий компаниялардан 6 минг тонна сертификатланган элита уруғ олиб келинишини ҳамда ихтисослашган туманлардаги картошкачилик хўжаликларига қўшимча устамаларсиз етказиб берилишини таъминласин;

(б) 2026 йил якунига қадар Булунғур туманида картошкани экишдан йиғиб олишгача бўлган жараёнларни замонавий ёндашув асосида ташкил етишга мўлжалланган замонавий агрокомплекс лойиҳасини амалга оширсин;

(в) мазкур бандда назарда тутилаётган тадбирларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш учун хориждан малакали агроном ва технологларни жалб қилсин.

5. Самарқанд вилояти ҳокимлиги:

(а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Кадастр агентлиги билан биргаликда 2025 йил 1 ноябрга қадар ҳоким ёрдамчиларини жалб қилган ҳолда Булунғур туманидаги картошка майдонларини тўлиқ хатловдан ўтказсин ва 2026 йил учун белгиланган майдонларга картошка манзилли экилишини таъминласин;

(б) Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2026 йил 1 мартга қадар Булунғур туманида қўшимча 23,5 км канални бетонлаш, 11,3 км қувур тортиш ва 2,5 км лоток ўрнатиш орқали 2,2 минг гектар ер майдонининг сув таъминотини яхшилаш чораларини кўрсин.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур қарорнинг:

(а) 4-бандида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун:

(i) уруғлик картошка импорт қилиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш учун «Uzagrostar holding» компаниясига йўналтириш мақсадида 2025 йил 1 октябрга қадар 3 (уч) йил муддатга Компанияга 95 млрд сўм фоизсиз ссуда ажратсин;

(ii) 2026 йил Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда замонавий агрокомплекс лойиҳасини молиялаштириш учун «Uzagrostar holding» компаниясига йўналтириш мақсадида Компанияда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг улушини ошириш учун қўшимча 100 млрд сўм маблағлар ажратишни назарда тутсин;

(б) 5-банди «б» кичик бандида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш мақсадида Сув хўжалиги вазирлигининг ҳисоб-китобларига асосан талаб этиладиган қўшимча маблағларни 2025-2026 йилларда ажратиш чораларини кўрсин.

V. Уруғлик картошка етиштиришни назорат қилиш

7. Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси:

(а) «in-vitro» лабораторияларида етиштирилган мини-туганаклар ҳамда дала шароитида юқори авлодли уруғлик картошкани вегетация даврида на-

зорат қилиш, вирусдан холилигини баҳолаш ҳамда экинбоплик хулосаси ва рақамли QR кодли ёрлиқлар бериш ишларини амалга оширсин;

(б) картошка етиштирувчи субъектларда илмий асосланган алмашлаб экиш, ер майдонларида экиш олдидан ва вегетация даврида агротехника тадбирлари ўтказилишини даврий мониторинг қилиб борсин;

(в) етиштирилган уруғлик картошкага белгиланган тартибда экинбоплик хулосаси ва рақамли QR кодли ёрлиқлар берилишини ҳамда нав тозалиги апробациядан ўтказилишини, наводорлик гувоҳномаси расмийлаштирилишини назоратга олсин;

(г) 2026 йилдан бошлаб республикада ижобий экинбоплик хулосаси олинмаган ва рақамли QR кодли ёрлиқланмаган маҳаллий ва хорижий уруғлик картошка экилмаслиги устидан қатъий назорат ўрнатсин;

(д) ҳар чоракда амалга оширилган ишлар бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

8. Белгилансинки:

(а) етиштирилган картошка мини-туганакларининг вирусли ва бактериал касалликлардан холилиги ҳамда сифат кўрсаткичларининг белгиланган стандарт талабларига мослиги учун илмий муассасалар ва тадбиркорлик субъектлари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади;

(б) уруғлик картошка етиштириш жараёнига илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий этиш мақсадида давлат илмий муассасаларига хорижий корхоналар ва уларнинг лабораториялари билан шартнома асосида ҳамкорлик қилишга рухсат берилади.

9. Республикада картошка етиштиришни кўпайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

VI. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

10. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан биргаликда «Булунғур — Агро Стар» масъулияти чекланган жамиятига ва ихтисослашган туманлардаги картошка етиштирувчи субъектларга шартнома асосида бепул етказиб бериладиган мини-туганакларни экиш ҳисобига етиштирилган юқори авлодли уруғлик картошка нархи уларни шартнома асосида картошка етиштирувчи бошқа субъектларга етказиб беришда сунъий ошириб юборилмаслигини доимий равишда қатъий назоратга олсин.

11. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

12. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Ходжаев ва Ж.А. Қўчқоров ҳамда қишлоқ хўжалиги вазир И.Ю. Абдурахмонов белгилансин.

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

13. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 8 сентябрь,
ПҚ–269-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

532 Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги «Маъмурий ислохотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида»ги ПФ–80-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда суд-экспертлик фаолиятини янада ривожлантириш, соҳада рақамлаштириш жараёнларини изчил давом эттириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) суд-экспертлик фаолиятини рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш орқали тадқиқотларнинг тезкорлиги, холис-лиги ва тўлиқлигини таъминлаш;

(б) суд-экспертиза ташкилотлари ва экспертиза тайинловчи органларнинг ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали соҳада электрон ҳужжатлар алмашинуви ҳажмини 100 фоизга етказиш;

(в) суд-тергов органларининг мавжуд эҳтиёжларидан келиб чиқиб, давлат суд-экспертиза муассасаларида ўтказиладиган экспертиза турлари сонини 90 тага етказиш ҳамда уларнинг ҳудудий бўлимларидаги экспертизалар сонини 2 баробарга кўпайтириш;

(г) нодавлат суд-экспертиза институти ролини янада ошириш ва улар фаолиятига ҳар томонлама қўмаклашиш орқали экспертиза тадқиқотларини ўтказишдаги улушини 5 баробарга ошириш;

(д) давлат суд-экспертиза муассасаларининг аккредитациядан ўтказилган лаборатория ва бўлимлари сонини 4 баробарга ошириш.

II. Суд-экспертлик фаолиятини рақамлаштириш, давлат суд-экспертиза муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш

2. Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизматининг давлат суд-экспертиза муассасалари ва уларнинг ҳудудий бўлинмаларида ҳамда нодавлат суд-экспертиза ташкилотларида (кейинги ўринларда — суд-экспертиза ташкилотлари) суд-экспертлик фаолиятини рақамлаштиришга қаратилган қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 8 сентябрда эълон қилинган.

(а) судлар, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (кейинги ўринларда — экспертиза тайинловчи органлар) билан электрон ҳужжатлар алмашинувини таъминлашга мўлжалланган «Е-ekspertiza» электрон ахборот тизимини (кейинги ўринларда — «Е-ekspertiza» платформаси) суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятига тўлиқ жорий этиш;

(б) «Е-ekspertiza» платформасини экспертиза тайинловчи органларнинг ахборот тизимлари билан тўлиқ интеграция қилиш орқали экспертиза тайинловчи органлар ва суд-экспертиза ташкилотлари ўртасида ўзаро электрон ахборот алмашинувини йўлга қўйиш;

(в) суд-экспертлик фаолиятига сунъий интеллект технологияларини босқичма-босқич жорий қилиш.

3. «Е-ekspertiza» платформаси ва экспертиза тайинловчи органларнинг ахборот тизимлари ўртасида ўзаро электрон ахборот алмашинуви қуйидаги босқичларда йўлга қўйилсин:

(а) 2026 йил 1 январдан бошлаб республика даражасидаги экспертиза тайинловчи органларда;

(б) 2026 йил 1 июндан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасидаги экспертиза тайинловчи органларда;

(в) 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб туман (шаҳар) даражасидаги экспертиза тайинловчи органларда.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим) ва иш материалларини суд-экспертиза ташкилотларига юбориш, уларни қайд этиш, эксперт хулосасини шакллантириш ва экспертиза тайинлаган органга тақдим этиш ҳамда экспертиза ўтказиш жараёнидаги бошқа турдаги ҳужжатлар алмашинуви «Е-ekspertiza» платформаси орқали амалга оширилади;

(б) экспертиза тайинловчи органлар ва суд-экспертиза ташкилотлари ўртасида идоралараро электрон ҳамкорлик тўлиқ жорий этилгандан сўнг суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим) ва иш материаллари «Е-ekspertiza» платформаси орқали юборилмаган тақдирда, бундай қарор (ажрим) асосида суд-экспертиза ташкилотлари томонидан экспертиза ўтказилишига йўл қўйилмайди;

(в) суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим) ва иш материалларини «Е-ekspertiza» платформаси орқали юбориш ҳақидаги талаб давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларга ҳамда қўриқланадиган шахслар хавфсизлигига тааллуқли маълумотлар мавжуд бўлган ва ёпиқ суд мажлисларида кўриладиган ишлар бўйича суд экспертизасини тайинлаш ҳолатларига нисбатан татбиқ этилмайди.

5. Адлия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

(а) 2025 йил 15 декабрга қадар «Е-ekspertiza» платформаси экспертиза тайинловчи органларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши ва

давлат суд-экспертиза муассасалари фаолиятига жорий этилиши, 2026 йил 1 июлдан бошлаб нодавлат суд-экспертиза ташкилотларида йўлга қўйилишини таъминласин;

(б) 2026 йил 1 июлга қадар суд-экспертлик фаолиятида фото-, аудио-, видеоматериаллар ва матн кўринишидаги маълумотлар бўйича, 2026-2027 йилларда бошқа экспертиза турлари бўйича тадқиқотларни ўтказишда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишни йўлга қўйсин;

(в) икки ой муддатда экспертиза тайинловчи органлар ва суд-экспертиза ташкилотлари ўртасида электрон ахборот тизимлари орқали ҳужжатлар айланиши тартибини белгиловчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Белгилансинки, «Е-ekspertiza» платформасини жорий этиш ва интеграция қилиш Суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан, платформани кейинчалик техник қўллаб-қувватлаш тегишли давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан амалга оширилади.

7. Қуйидагилар:

(а) 2025 — 2027 йилларда суд-экспертлик фаолиятини ривожлантириш ва рақамлаштириш дастури 1-иловага* мувофиқ;

(б) 2025 — 2027 йилларда давлат суд-экспертиза муассасаларининг моддий-техника базасини янги замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш дастури 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин;

(в) 2030 йилгача суд экспертизаси соҳасида эришиладиган мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар) 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

III. Суд-экспертлик фаолияти самарадорлигини ошириш

8. Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд экспертизаси соҳасини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

(а) нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг нотижорат ташкилот сифатида фаолият кўрсатишини йўлга қўйиш;

(б) нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг ихтиёрий аъзолигига асосланган Ўзбекистон суд экспертлари палатасини ташкил этиш;

(в) нодавлат суд экспертларининг касбий ва амалий тайёргарлик даражасини аниқлаш, шунингдек, уларнинг ноқонуний ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолатларнинг адолатли ва холис кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги ҳузурида Эксперт-малака комиссияси фаолиятини йўлга қўйиш;

(г) нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан ўтказилишига рухсат берилган суд экспертизаси турларини 44 тадан 55 тага кўпайтириш;

(д) 2025 — 2027 йиллар давомида янги экспертиза ва тадқиқот турларини жорий этиш, шу жумладан, крипто-активларнинг миқдори ва турларини

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ни, рақамли фотосурат ва видеоёзувда монтаж белгиларини, шунингдек, сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш;

(ж) суд экспертизаси хулосаларининг ишончлилигини янада ошириш ҳамда соҳани илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш мақсадида суд-экспертиза тадқиқотларининг халқаро тан олинган усул ва услубиётларини валидациядан ўтказиш (соҳада қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш) тартибини жорий қилиш;

(з) давлат суд-экспертиза муассасаларига ўз балансидаги ускуналарни ҳақ эвазига шартнома асосида бошқа давлат ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун фойдаланишга топшириш ҳуқуқини бериш.

9. Белгилансинки:

(а) 2026 йил 1 мартдан бошлаб ўз фаолиятини нотижорат ташкилот шаклида йўлга қўймаган нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан суд-экспертиза тадқиқотлари ўтказилиши тақиқланади;

(б) суд экспертизаси соҳасида қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган шахсларга нодавлат суд эксперти сифатида суд экспертизасини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификат Адлия вазирлиги ҳузуридаги Эксперт-малака комиссияси томонидан тест синовлари ҳамда суҳбат шаклида ўтказиладиган имтиҳон натижаларига кўра берилади;

(в) суд экспертизасининг муайян тури бўйича суд эксперти сифатида камида беш йиллик иш стажига эга бўлган шахслар ҳамда давлат суд-экспертиза муассасаларида суд эксперти сифатида сўнгги икки йил давомида узлуксиз ишлаб келаётган шахслар қайта тайёрлашдан ўтмасдан, нодавлат суд эксперти сертификатини олиш учун имтиҳонга қўйилади;

(г) 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича шартнома асосида адвокат сўровига кўра суд-экспертиза ташкилотларида экспертиза ўтказиш тартиби жорий этилади;

(д) 2025 йил 1 декабрдан нодавлат суд экспертларига яқка тартибда суд-экспертлик бюроси шаклида фаолият юритиш ҳуқуқи берилади;

(ж) 2025 йил 15 декабрдан бошлаб жисмоний ва юридик шахслар учун Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказига (кейинги ўринларда — Республика суд экспертизаси маркази) экспертиза тадқиқотлари ўтказиш бўйича «Sud-ekspert» портали орқали онлайн мурожаат қилиш имконияти яратилади;

(з) 2026 йилдан 1 январдан бошлаб Республика суд экспертизаси маркази суд экспертлари объектларни кўздан кечириш учун жойларга чиққанда мажбурий равишда мобил видеокамера (бодикамера)лардан фойдаланиши тартиби йўлга қўйилади;

(и) Республика суд экспертизаси марказига Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги билан келишган ҳолда учувчисиз учадиган аппаратлар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини харид қилиш, улардан белгиланган тартибда фойдаланиш ва сақлашга рухсат берилади.

10. Адлия вазирлиги:

(а) икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2025 — 2027 йилларда давлат суд-экспертиза муассасаларида янги экспертиза ва тадқиқот турларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин ҳамда унинг бажарилишини таъминласин;

(б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарорда белгиланган вазифалар амалга оширилишини таъминлаш учун халқаро грант маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Бош прокуратуранинг 2026 йил 1 июлдан бошлаб суд-тиббий экспертизаси амалиётига виртуал аутопсия тадқиқотини босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

(а) 2026 йилда вазирликка ажратилган Давлат бюджети маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказига виртуал аутопсия тадқиқотини ўтказишга мўлжалланган компьютер томографияси ускуналари харид қилинишини таъминласин;

(б) Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2025-2026 йилларда суд-тиббий экспертиза соҳасида фаолият юритувчи мутахассисларни хорижий давлатларнинг виртуал аутопсия тадқиқотлари йўналишидаги нуфузли муассасаларига стажировкага юбориш чораларини кўрсин;

(в) 2026 йил 1 мартга қадар виртуал аутопсия тадқиқотларини ўтказиш учун зарур бўлган услубиётлар ишлаб чиқилишини таъминласин.

13. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда мазкур қарордан келиб чиқиб, «Суд-экспертлик фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

14. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4125-сон қарорига 4-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб адлия вазири А.Д. Ташкулов белгилансин.

17. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вази-

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ри А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси департамент бошлиғи А.Б. Самадов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 8 сентябрь,
ПҚ–270-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

533 Тошкент шаҳрида «ToshTech» техника университетини
ташkil этиш тўғрисида*

Мамлакатимизда муҳандислик соҳасида илғор техник ечимларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш кўникмаларига эга, иқтисодиётнинг рақамли трансформациясига кўмаклаша оладиган, инновацион маҳсулот ва хизматлар ярата оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, бу борада олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълимнинг узвийлиги ва ўзаро интеграциясини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсад

1. Ушбу қарорни қабул қилишнинг асосий мақсади этиб муҳандис кадрлар тайёрлаш бўйича халқаро таълим стандартларига жавоб берадиган намунавий олий таълим муассасасини ташkil этиш орқали ривожланиб бораётган саноат тармоқларини юқори малакали муҳандис кадрлар билан таъминлаш белгилансин.

**II. Муҳандислик соҳаси учун халқаро стандартлар асосида
кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш**

2. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан «Boston consulting group» консалтинг компанияси (кейинги ўринларда — «BCG» компанияси) ўртасида 2025 йил 8 июль куни янги техника университетини ташkil этиш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилгани маълумот учун қабул қилинсин.

3. Тошкент шаҳрида «ToshTech» техника университети ташkil этилсин ҳамда унинг асосий фаолият йўналишлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

(а) «ToshTech» техника университети (кейинги ўринларда — Университет) фаолияти «BCG» компанияси билан ҳамкорликда йўлга қўйилади;

(б) Университет давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимида фаолият юритади;

(в) Университет академик, молиявий ва ташкилий-бошқарув соҳаларида мустақил ҳисобланади;

(г) Университетга бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига қабул қилиш шартларини, мустақил белгилаш ваколати берилади;

(д) Университетда:

(i) 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб Давлат бюджети маблағлари ҳисо-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 12 сентябрда эълон қилинган.

бидан молиялаштириладиган бир йиллик тайёрлов курси (foundation) жорий этилади;

(ii) 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб бакалавриат таълим йўналишлари бўйича таълим жараёни йўлга қўйилади;

(iii) 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич магистратура ва олий таълимдан кейинги таълим босқичлари жорий этилади;

(ж) Университетда таълим жараёни давлат гранти ва тўлов-контракт асосида давлат ва хорижий тилларда амалга оширилади. Бунда:

(i) 2029/2030 ўқув йилига қадар ўқишга қабул қилинган талабалар тўлиқ давлат гранти асосида ўқитилади;

(ii) талабаларни давлат гранти асосида ўқитиш харажатларини Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш «Янги Ўзбекистон» университети учун ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

5. Қуйидагилар:

(а) «ToshTech» техника университетининг васийлик кенгаши таркиби 2-иловага* мувофиқ;

(б) «ToshTech» техника университети васийлик кенгашининг асосий вазифалари 3-иловага мувофиқ;

(в) «ToshTech» техника университети фаолиятини ташкил этиш бўйича «йўл харитаси» 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

III. Университет фаолиятини молиялаштириш

6. Белгилансинки, Университет фаолиятини йўлга қўйиш, хусусан, таълим дастурларини ишлаб чиқиш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда «BCG» компанияси томонидан Университетни ташкил этиш ва ривожлантириш стратегияси доирасида кўрсатиладиган қўшимча (шу жумладан, ёрдамчи пудрат ташкилотлари) хизматлар бўйича харажатларни қоплаш:

(а) 2025 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ажратилган бюджет маблағлари доирасида ҳамда жорий йилда мақбуллаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;

(б) 2026 йилдан бошлаб белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда назарда тутилади.

7. 2029 йил 1 июнга қадар Университет томонидан четдан олиб келинадиган муқобили Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган қурилма, дастурий ва техник воситалар ҳамда бутловчи қисмлар божхона божидан озод этилсин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

8. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва

* 2, 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шахсий жавобгар этиб олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов белгилансин.

10. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 8 сентябрь,
ПҚ–274-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги
ПҚ–274-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«ToshTech» техника университетининг асосий фаолият
йўналишлари**

Қуйидагилар Университетнинг асосий фаолият йўналишлари ҳисобланади:

(а) муҳандислик, энергетика, ускунасозлик (hardware engineering), сунъий интеллект, механика муҳандислиги, электроника ва автоматика муҳандислиги, нефть ва газ, геология қидирув ва кон-металлургия соҳалари учун замонавий билим ва малакага эга бўлган, халқаро меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган олий маълумотли кадрлар тайёрлаш;

(б) «таълим муҳити — учинчи ўқитувчи» тамойили асосида талабаларнинг интеллектуал қобилиятини ривожлантириш, билимини амалий тажрибалар орқали мустаҳкамлаш, ўқув материалларини самарали ва пухта ўзлаштиришга хизмат қиладиган ҳар томонлама қулай таълим муҳитини шакллантириш;

(в) таълим жараёнини хорижий илғор тажриба ва замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда жаҳоннинг етакчи университетларида жорий этилган таълим дастурлари ҳамда таълим технологиялари ва усуллари асосида ташкил этиш;

(г) муҳандис кадрларни тайёрлашда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро ҳамкор олий таълим ташкилотлари билан замонавий таълим дастурларини жорий этиш, саноат тармоқларида мавжуд эҳтиёждан келиб чиқиб, илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни ташкил этиш, талабаларни илмий ва инновацион фаолиятга кенг жалб этиш;

(д) таълим ва илмий-техникавий соҳаларда хорижий мамлакатлар етакчи таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

(ж) муҳандислик йўналишидаги хорижий бестселлер ўқув адабиётлари-

ни давлат тилида чоп этиш ва таълимнинг барча босқичларида қўллашни жорий этиш;

(з) иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжи асосида замонавий лаборатория мажмуасини ташкил этиш ҳамда бир вақтнинг ўзида тармоқлар, талабалар ва ўқитувчиларни жалб этган ҳолда кенг қўламда хўжалик фаолиятини олиб бориш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги
ПҚ–274-сон қарорига
3-ИЛОВА

**«ToshTech» техника университети васийлик кенгашининг
асосий вазифалари**

Қуйидагилар Васийлик кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

(а) Университетнинг стратегик ривожланиш режасини белгилаш, зарур ҳолларда консалтинг хизмати кўрсатувчи ташкилотлар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш;

(б) Университет фаолияти тўлақонли ташкил этилишини таъминлаш, унинг фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш;

(в) зарур лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-тиклаш ишларини, Университетни жиҳозлаш, инфратузилмасини яратиш ва моддий-техник таъминлашга доир вазифаларни мувофиқлаштириб бориш;

(г) талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш, битирувчиларни ишга жойлаштириш, меҳнат бозори талабини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар ва илмий-техник кадрлар тайёрлашнинг истиқболли йўналишларини белгилаш;

(д) Университетда ўқиш учун тўлов-контракт қийматини белгилаш;

(ж) талабаларни қабул қилиш параметрларини меҳнат бозори конъюнктурасини ўрганиш ва ҳамкор иш берувчилар буюртмалари асосида белгилаш;

(з) Университет фаолиятини ривожлантириш учун ҳомийлик хайриялари, грантлар ва бошқа бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш;

(и) Университет кампусини ташкил этиш ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш, Университетнинг моддий-техника, ўқув-услубий базасини мустаҳкамлаш;

(к) иқтидорли талабалар учун стипендиялар таъсис этиш, талабаларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратиш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

534 Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агент-
лиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 5 майдаги «Таълим сифатини таъминлаш ва таълим хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-76-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсад

1. Ушбу қарорнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) фаолиятини самарали ташкил этиш ҳисобланади.

II. Агентлик фаолиятини ташкил этиш

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 5 майдаги ПФ-76-сон Фармонига мувофиқ:

(а) «Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази» лойиҳа офиси негизида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурида Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилгани;

(б) Агентлик ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, малакаларни баҳолаш соҳаларида ташқи сифат назоратини амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органи этиб белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

III. Ташкилий чора-тадбирлар

3. Қуйидагилар:

(а) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлигининг марказий аппарати тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

(б) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Агентлик директори (Б. Юлдашев):

(а) икки ҳафта муддатда Агентлик штат жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқласин;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 13 сентябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(б) бир ой муддатда Агентликни зарур назарий ва амалий тажрибага эга бўлган, юклатилган вазифаларни профессионал даражада амалга ошира оладиган юқори малакали кадрлар билан тўлдирсин;

(в) Агентликка юклатилган вазифаларнинг сифатли ва белгиланган муддатларда ижросини таъминлаш чораларини кўрсин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов):

(а) Стратегик ислохотлар агентлиги билан биргаликда 2025 йилда Агентлик фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ қўшимча харажатларни Агентликнинг асосланган таклифларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ишларини ташкил қилсин;

(б) 2026 йилдан ҳар йили Давлат бюджети параметрларида Агентлик фаолиятини молиялаштириш учун зарур маблағларни кўзда тутсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги икки ҳафта муддатда Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Чингиз Айтматов кўчаси 1-А уй манзилида жойлашган бино ва иншоотларни тегишли ҳудуди билан бирга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Агентликка ўтказсин.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Агентлик билан биргаликда икки ой муддатда Агентликка ажратилган Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Чингиз Айтматов кўчаси 1-А уй манзилидаги бинони реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун зарур маблағлар миқдори ҳамда молиялаштириш манбаи юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Белгилансинки, Агентлик унинг бино-иншоотларида реконструкция ва таъмирлаш ишлари якунлангунига қадар Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига тегишли Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Бобур кўчаси 30-уй манзилидаги бинога ҳар бир ходим учун тасдиқланган меъёрлар асосида текин фойдаланиш ҳуқуқи билан вақтинча жойлаштирилади.

9. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг таълимни ислох қилиш бўйича ўринбосари Х.У. Умарова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 8 сентябрь,
ПҚ–275-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги
ПҚ–275-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий
агентлиги тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) мақоми, вазифалари ва функциялари, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, ҳисобдорлик масалалари тартибини белгилайди.

2. Агентлик ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, малакаларни баҳолаш соҳаларида ташқи сифат назоратини амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади ҳамда ўзининг баҳолаш жараёнини мустақил ва ҳолис амалга оширади.

3. Агентлик ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низом ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосан амал оширади.

4. Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида таълим сифатига оид қабул қилган қарор ва буйруқлари республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

5. Агентлик давлат муассасаси ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, штампларга, бланкаларга, мустақил балансга, ўз мулкига, шунингдек, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасида очилган шахсий ғазна ҳисобварақларига, тижорат банкларида миллий ва хорижий валютадаги ҳисобварақларига эга бўлади.

6. Агентликнинг расмий номи:

(а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги;

қисқартирилган номи — Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги ёки ТСТМА;

(б) рус тилида:

тўлиқ номи — Национальное агентство обеспечения качества образования при Администрации Президента Республики Узбекистан;

қисқартирилган номи — Национальное агентство обеспечения качества образования ёки НАОКО;

(в) инглиз тилида:

тўлиқ номи — National Quality Assurance Agency for Education under the Administration of the President of the Republic of Uzbekistan;

қисқартирилган номи — National Quality Assurance Agency for Education ёки NQAAE.

7. Агентлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан мувофиқлаштирилади.

2-боб. Агентлик тузилмаси

8. Агентлик тузилмасига Агентликнинг марказий аппарати ҳамда Миллий малака тизимини ривожлантириш институти кирadi.

9. Миллий малака тизимини ривожлантириш институти директори ва директор ўринбосарлари Агентлик директори томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

3-боб. Агентликнинг асосий вазифалари ва функциялари

10. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

(а) идоравий мансублиги, мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотлари (кейинги ўринларда — таълим ташкилотлари)да ташқи баҳолашни амалга ошириш;

(б) таълим ташкилотларида таълим сифати маданиятини шакллантириш, ички сифат назорати мезонлари ва тартибларини такомиллаштириш ҳамда самарали амалга ошириш юзасидан услубий тавсиялар бериш;

(в) таълим сифатини баҳолашнинг мезон ва усулларини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш;

(г) таълим ташкилотларида таълим сифатини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини ўрганиш юзасидан илмий ва амалий тадқиқотларни олиб бориш ҳамда сўровномалар ўтказиш;

(д) таълим сифатини таъминлаш йўналишида халқаро алоқаларни кенгайтириш, таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш ҳамда миллий аккредитация тизимининг халқаро даражада тан олинишини таъминлаш;

(ж) таълим сифатини баҳолаш бўйича фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида жамоатчилик ва манфаатдор томонлар иштирокида йиллик ҳисоботларни эълон қилиб бориш;

(з) таълим соҳасидаги давлат дастурлари ва стратегияларида белгилан-

ган мақсадли кўрсаткич ва натижаларга эришилишини таҳлил қилиш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш;

(и) таълим соҳаси ва илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда истиқболли ташаббусларни илгари суриш.

11. Агентлик ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

(а) идоравий мансублиги, мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, малакаларни баҳолаш соҳаларида ташқи баҳолашни амалга ошириш бўйича:

(i) таълим ташкилотларининг белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда меъёр ва қоидаларга амал қилишини таҳлил қилади;

(ii) идоравий мансублиги, мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар таълим ташкилотларини махсус ва комплекс давлат аккредитациясидан ўтказди;

(iii) таълим ташкилотларида таълим-тарбия ва илмий-тадқиқот жараёнлари сифатини қиёсий таққослаш асосида уларнинг миллий рейтингини юрилади;

(iv) таълим дастурларининг касбий стандартларга ва белгиланган малакаларга мувофиқлигини баҳолайди;

(v) таълим ташкилотларида тенглик ва инклюзивликни таъминлаш орқали барча таълим олувчилар учун адолатли ва қўллаб-қувватловчи муҳит яратилганини таҳлил қилади;

(vi) аккредитацияга оид ахборот тизимларида маълумотлар алмашиш самарадорлигини ошириш учун давлат органларининг тегишли платформалари билан интеграция жараёнларини йўлга қўяди;

(vii) таълим ташкилотларини ташқи баҳолаш жараёнларига «хавфни таҳлил қилиш» тизимини жорий қилади;

(б) таълим ташкилотларида таълим сифати маданиятини шакллантириш, ички сифат назорати мезонлари ва тартибларини такомиллаштириш ҳамда самарали амалга ошириш юзасидан услубий тавсиялар бериш бўйича:

(i) сифат маданиятини шакллантириш ва таълим сифатини таъминлаш бўйича таълим ташкилотларига услубий жиҳатдан кўмаклашади;

(ii) халқаро тажрибалар асосида ички сифатни таъминлашга оид мезонлар, индикатор ва қўлланмаларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

(iii) таълим ва илм-фанда коррупция ҳолатларининг олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

(iv) таълим сифатини таъминлашга оид семинарлар, конференциялар, курслар ташкил этади ҳамда маслаҳат хизматларини кўрсатади;

(v) махсус ва комплекс давлат аккредитациясига жалб қилинган экспертлар малакасини ошириб, улар фаолиятини доимий назорат қилиб боради;

(в) таълим сифатини баҳолашнинг мезон ва усулларини халқаро стан-

дартлар ва илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш бўйича:

(i) илғор хорижий тажрибаларни ўрганади ва улар асосида миллий таълим сифатини баҳолашнинг мезон ва усулларини ишлаб чиқади ҳамда такомиллаштириб боради;

(ii) таълим сифатини баҳолаш мезонлари ва усулларини янгилаб бориш бўйича маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб қилади;

(iii) миллий малака тизимига мос равишда аккредитация мезонларини такомиллаштириб боради;

(iv) давлат аккредитациясидан ўтган таълим ташкилотлари ва дастурлари реестрини юритади;

(г) таълим ташкилотларида таълим сифатини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини ўрганиш юзасидан илмий ва амалий тадқиқотларни олиб бориш ҳамда сўровномалар ўтказиш бўйича:

(i) таълим ташкилотларида таълим сифатини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини ўрганиш юзасидан социологик ва бошқа сўровномалар ўтказиш;

(ii) таълим соҳасида ислохотларни сифатли амалга оширишда республика ижро этувчи ҳокимият органларига ҳар томонлама кўмаклашиш, халқаро ташкилотлар, консалтинг компаниялар ва хорижий мутахассисларнинг тавсияларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, ташаббусларнинг самарали имплементациясини таъминлашга кўмаклашади;

(д) таълим сифатини таъминлаш йўналишида халқаро алоқаларни кенгайтириш, таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш ҳамда миллий аккредитация тизимининг халқаро даражада тан олинишини таъминлаш бўйича:

(i) республикада тан олинadиган халқаро, хорижий ва нодавлат аккредитация ташкилотларига қўйиладиган талабларни белгилайди ва уларнинг реестрини юритади;

(ii) таълим сифатини таъминлаш бўйича халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш ва улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш чораларини кўради;

(iii) республика таълим ташкилотларига уларнинг халқаро даражада эътироф этилиши учун услубий ва амалий тавсиялар беради;

(iv) миллий аккредитация тизимининг халқаро даражада тан олинишини таъминлаш чораларини кўради;

(ж) таълим сифатини баҳолаш бўйича фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида жамоатчилик ва манфаатдор томонлар иштирокида йиллик ҳисоботларни эълон қилиб бориш бўйича:

(i) таълим сифати ва аккредитация билан боғлиқ жараёнларни рақамлаштириш чораларини кўради;

(ii) таълим ташкилотлари битирувчиларининг билим ва кўникмаларини баҳолаш ҳамда уларнинг меҳнат бозорига интеграциясини ўрганиш мақсадида Умуммиллий иш берувчилар сўровномасини ўтказиш;

(iii) таълим ташкилотлари ўқувчи ва талабаларининг таълим сифати бўйича фикрларини ўрганишга қаратилган Умуммиллий талабалар сўровно-

масини, шунингдек, жамоатчиликнинг таълим сифати бўйича фикрларини ўрганишга қаратилган сўровномалар ўтказди;

(iv) таълим соҳасидаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорликда таълим тизими фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, очиқликни таъминлаш ҳамда корпоратив бошқарув усулларини қўллаш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

(з) таълим соҳасидаги давлат дастурлари ва стратегияларида белгиланган мақсадли кўрсаткич ва натижаларга эришилишини таҳлил қилиш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича:

(i) таълим соҳасидаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорликда жамоатчилик, етакчи хорижий экспертлар, консультантлар ва маслаҳатчиларни кенг жалб қилган ҳолда тизимдаги энг долзарб масалалар ва муаммоларга ечим топиш чораларини кўради;

(ii) ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, малакаларни баҳолаш соҳаларидаги барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ўрганиб, ўз таклиф ва эътирозларини билдиради;

(iii) таълим соҳасидаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорликда таълим хизматлари истеъмолчилари, илмий-педагогик жамоатчилик ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг таклифлари асосида таълим соҳасига оид истиқболли ташаббусларни ишлаб чиқади;

(и) таълим соҳаси ва илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва истиқболли ташаббусларни илгари суриш бўйича:

(i) таълим ва илмий соҳада амалдаги қонунчиликни тизимли ўрганади, таҳлил қилади ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

(ii) таълим соҳасида ишлаб чиқилган қонунчилик ҳужжатларини халқаро тажриба ва стандартлар асосида таҳлил қилади.

12. Агентлик ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни қонунийлик, ҳолислик, ҳисобдорлик, очиқлик ва шаффофлик тамойиллари асосида амалга оширади.

4-боб. Агентликнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Агентлик ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

(а) ўз ваколати доирасида, шу жумладан, бошқа давлат органлари билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;

(б) Вазирлар Маҳкамасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда киритиш;

(в) давлат органлари ва ташкилотларидан, шунингдек, республиканинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари орқали зарур статистик, таҳлилий ҳамда бошқа маълумотларни олиш;

(г) ўз вазифаларини амалга ошириш учун давлат органлари ва ташкилот-

ларидан зарур маълумотларни бепул, жумладан, «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграция платформаси орқали олиш;

(д) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизимларидан (HEMIS, EMIS) ва олий таълимдан кейинги таълимни мувофиқлаштиришнинг ягона электрон тизимидан тўсиқсиз фойдаланиш;

(ж) давлат органлари ва ташкилотларига, жумладан, таълим ташкилотларига таълим сифатини ошириш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш;

(з) мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат ва қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳамда халқаро таълим маконидаги замонавий тенденциялардан келиб чиқиб, комплекс ва махсус давлат аккредитациясидан ўтказиш талаб ва мезонларини янгилаб бориш;

(и) таълим сифатини таъминлаш, аккредитация, рейтинг ва бошқа масалалар юзасидан халқаро ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномаларини тузиш;

(к) таълим ташкилотларида таълим сифати билан боғлиқ ўрганишлар, мониторинг ва сўровномалар ўтказиш;

(л) таълим ташкилотларида «хавфни таҳлил қилиш» тизими асосида аниқланган талаб ва шартларнинг бузилиши ҳолатлари юзасидан Агентлик томонидан таълим ташкилотига тақдимнома киритиш ҳамда камчиликларни бартараф этиш учун муддат белгилаш;

(м) аниқланган камчиликлар бўйича таълим ташкилотларига чоралар кўриш бўйича муассис ёки юқори турувчи органига тақдимномалар киритиш;

(н) таълим ташкилотларининг давлат аккредитациясини тўлов асосида амалга ошириш ҳамда тўланган маблағларни аккредитацияни ўтказиш билан боғлиқ (жумладан, жалб қилинган мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш) харажатларни қоплашга йўналтириш;

(о) таълим сифатини таъминлаш билан боғлиқ стандартлар, мезонлар ва индикаторларни амалиётга татбиқ қилишдан олдин таълим ташкилотларида тажриба-синовдан ўтказиш;

(п) маҳаллий ва хорижий экспертлар, шунингдек, республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, таълим ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар вакиллари (асосий иш жойидаги иш ҳақи сақланган ҳолда) жалб этиш, улар иштирокида эксперт комиссиялари ва ишчи гуруҳлар тузиш;

(р) эксперт комиссиялари ва ишчи гуруҳлар томонидан таълим соҳасидаги жорий ҳолатни чуқур таҳлил қилиш, баҳолаш ва таклиф ишлаб чиқиш бўйича техник топшириқларни шакллантириш ҳамда консалтинг компанияларни жалб этган ҳолда тегишли таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш;

(с) жалб қилинган хорижий ва маҳаллий экспертларга иш ҳақини тегишли шартномага мувофиқ миллий ёки чет эл валютасида, шу жумладан, маблағларни уларнинг хориждаги ҳисобварақларига ўтказиш орқали тўлаш;

(т) қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган пулли хизматлар кўрсатиш;

(у) Агентлик зиммасига юклатилган вазифалар доирасида етакчи хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш мақсадида Агентлик ходимларини, шунингдек, эксперт комиссиялари ва ишчи гуруҳлар аъзоларини ҳамда шартнома асосида жалб этилган бошқа шахсларни хорижий хизмат сафарларига юбориш;

(ф) ўз фаолияти йўналишлари бўйича консалтинг ва эксперт-таҳлилий хизматлар кўрсатиш, ушбу вазифаларни амалга ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий тузилмаларни ташкил этиш;

(х) тегишли давлат органлари билан биргаликда таълим ташкилотларида таълим сифатини ошириш ва таълим жараёнларини яхшилашга тааллуқли масалалар юзасидан қонунчиликда белгиланган чораларни қўллаш.

14. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси топшириқларига асосан Агентлик бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Агентлик қуйидагиларга мажбур:

(а) зиммасига юклатилган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажариш;

(б) давлат аккредитациясини қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этган ҳолда амалга ошириш;

(в) аккредитация жараёнларида ва уларнинг натижаларини очиқ ҳолда эълон қилиш орқали шаффофликни таъминлаш;

(г) аккредитация қарорларидан норози бўлганлар учун шикоят ва апелляция бериш жараёнларини ташкил этиш;

(д) ижро интизомини таъминлаш.

5-боб. Агентлик фаолиятини ташкил этиш

16. Агентлик фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланадиган директор раҳбарлик қилади.

17. Агентлик директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси ўринбосарига тенглаштирилади.

18. Агентлик директори икки нафар ўринбосарга эга бўлади.

19. Директор ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

20. Агентлик директори ўринбосарлари ва ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий хизмат кўрсатиш шарт-шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлигининг тегишли ходимларига тенглаштирилади.

21. Миллий малака тизимини ривожлантириш институти директори мақомига кўра Агентлик директори ўринбосарига тенглаштирилади ҳамда

унга Агентлик директори ўринбосарлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шарт-шароитлари қўлланади.

22. Агентликнинг бошқарув ходимлари Агентлик директори томонидан тўғридан-тўғри суҳбат асосида лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

23. Агентликка хорижий мутахассис, эксперт, консультант ва маслаҳатчиларни жалб қилиш ва ишга қабул қилиш шартнома асосида Агентлик директори томонидан амалга оширилади.

24. Агентлик директори:

(а) Агентлик фаолиятига умумий бошқарувни амалга оширади ҳамда Агентлик ташкилий-хўжалик фаолияти учун жавобгар ҳисобланади;

(б) ўз ўринбосарлари ва Агентлик тизимидаги ташкилотларнинг мансабдор шахслари ваколатларини ҳамда шахсий жавобгарлик даражасини белгилайди, шунингдек, вазифаларни тақсимлайди;

(в) давлат органлари ва ташкилотларида, шунингдек, халқаро ташкилотларда Агентлик номидан иш кўради;

(г) Агентлик ходимлари ва таълим ташкилотлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

(д) Агентликка юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун шахсий жавобгар ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти олида амалга оширилган ишлар бўйича ҳисобот беради;

(ж) Агентлик харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тасдиқлайди;

(з) Агентликнинг иш режалари, ҳисоботлари ва услубий ишланмаларини тасдиқлайди;

(и) Агентлик ходимлари билан меҳнат шартномаларини, шунингдек, хорижий ва маҳаллий экспертлар билан фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни тузади ва бекор қилади;

(к) Агентлик ходимларининг лавозим (функционал) вазифаларини тақсимлайди;

(л) ижро интизомига, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқиш муддатлари ва тартибига қатъий риоя этилишини таъминлайди;

(м) Агентлик ходимларини рағбатлантириш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби ва шакллари, уларнинг лавозим маошига устама ва қўшимча тўловларни белгилайди, ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш бўйича буйруқлар қабул қилади;

(н) Агентлик номидан шартнома ва келишувлар тузади, Агентлик активларини тасарруф этади, мулкни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилади, молиявий ва бошқа турдаги ҳужжатларни имзолайди;

(о) қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низомга мувофиқ ўзига юклатилган бошқа масалаларни ҳал этади.

25. Агентлик директори ўринбосарлари тегишли йўналишлар бўйича ишлар самарадорлигини ошириш ва вазифалар ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш чораларини кўради ҳамда директор топшириғига кўра унинг алоҳида функцияларини бажаради.

26. Агентлик директори бўлмаган ёки ўз вазифаларини бажариши мумкин бўлмаган ҳолларда директор ўринбосарларидан бири директор вазифасини вақтинча бажариб туради.

6-боб. Агентлик фаолиятини молиялаштириш

27. Қуйидагилар Агентлик фаолиятини, шу жумладан, Агентлик томонидан ташкил этиладиган эксперт комиссиялари ва ишчи гуруҳлар, шартнома асосида жалб этиладиган маҳаллий ва хорижий мутахассисларга тўловларни амалга ошириш ҳамда Агентлик ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришнинг асосий манбалари ҳисобланади:

(а) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

(б) Агентликнинг асосланган таклифларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги жамғармаси ҳисобидан ажратиладиган маблағлар;

(в) аккредитациядан ўтказишдан, шунингдек, шартнома асосида бошқа пулли хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

(г) ўз фаолияти йўналишлари бўйича шартнома асосида консалтинг, эксперт-таҳлил ва бошқа хизматларни кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

(д) давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида ўтказиладиган грант танловлари натижалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар учун ажратиладиган маблағлар;

(ж) халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларнинг грантлари ҳамда мақсадли маблағлари;

(з) Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шу жумладан, вақтинча бўш турган бюджетдан ташқари маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

(и) ҳомийлик ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

28. Агентлик ўзининг вақтинча бўш турган бюджетдан ташқари маблағлари, шу жумладан, хорижий валютадаги маблағларини Ўзбекистон Республикасидаги тижорат банкларининг депозитларига жойлаштириш ва олинган даромадларни тасарруф этиши мумкин.

7-боб. Агентликнинг ҳисобдорлиги

29. Агентлик ўз фаолиятини бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади ҳамда ўз фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобдордир.

30. Агентлик ҳар йил якунида (зарур ҳолларда навбатдан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Президентига ўзига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот киритади.

31. Агентлик таълим соҳасини ислоҳ қилиш ҳолати, амалга оширилаётган чора-тадбирлар, ислохотларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган

салбий омиллар ва уларни бартараф этиш йўллари, шунингдек, таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини ташқи баҳолаш механизмларини такомиллаштириш ҳамда таълим хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб боради.

**8-боб. Агентликнинг маҳаллий ва хорижий ташкилотлар
билан ҳамкорлик алоқалари ҳамда фаолиятини ташкил
этишнинг бошқа масалалари**

32. Агентлик ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда давлат органлари, таълим ташкилотлари, илмий муассасалар, тадқиқот, таҳлил марказлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро яқиндан ҳамкорлик қилади.

33. Халқаро ҳамкорлик фаолиятини амалга оширишда Агентлик ваколати доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

(а) хорижий давлатларнинг таълим соҳасидаги давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва улар билан шартномалар (битим, меморандум ва бошқалар) тузиш;

(б) таълим соҳасида халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ёки уларга аъзо бўлиш;

(в) Агентлик ходимларини хорижий мамлакатларга стажировка, амалиёт ўташ, конференция ва тренингларда иштирок этиш учун юбориш;

(г) ўз ваколати доирасида бошқа хорижий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш.

34. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари Агентликка ҳар томонлама кўмаклашади, шу жумладан, унинг сўровига кўра марказий аппарат ва тизим ташкилотлари ходимларининг ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни сақлаб қолган ҳолда эксперт сифатида юборилишини таъминлайди.

35. Агентлик ходимларининг хизмат сафарлари амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

36. Агентликни қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида амалга оширилади.

37. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

38. Мазкур Низомда назарда тутилмаган масалалар тегишли қонунчилик ҳужжатлари, ўрнатилган тартибга мувофиқ Агентлик буйруқлари ҳамда бошқа ҳужжатлар билан тартибга солинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

535 Тошкент шаҳрида Н.Э. Бауман номидаги Москва давлат техника университети филиалини ташкил этиш тўғрисида*

Замонавий таълим дастурлари асосида муҳандислик соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим жараёнига фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларида муҳандис кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсад

1. Ушбу қарорнинг асосий мақсади этиб 2030 йилдан бошлаб иқтисодиёт тармоқларини халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 300 талик рўйхати-га кирувчи олий таълим ташкилотлари дастурлари асосида замонавий муҳандис кадрлар билан таъминлашни йўлга қўйиш белгилансин.

II. Халқаро тан олинган таълим дастурлари асосида муҳандислик соҳасида кадрлар тайёрлаш

2. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Н.Э. Бауман номидаги Москва давлат техника университетининг (кейинги ўринларда — Университет) Тошкент шаҳрида Н.Э. Бауман номидаги Москва давлат техника университети филиалини (кейинги ўринларда — Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Қуйидагилар Филиал фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

(а) муҳандислик соҳасида инновацион ёндашувларни қўллаш оладиган, чуқур илмий-техник билимларга эга бўлган юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

(б) фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини жорий этиш, замонавий таълим дастурлари ва ўқитиш шакллари ишлаб чиқиш;

(в) муҳандислик соҳасида фундаментал ва амалий илмий-тадқиқотлар ўтказиш;

(г) хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари ва бизнес-ҳамжамиятлари билан муҳандислик соҳасида узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

(а) Филиал Университетнинг таълим, илмий, хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга юридик шахс мақомидаги алоҳида таркибий бўлинмаси ҳисобланади;

(б) Филиалдаги таълим жараёни Россия Федерациясининг федерал таълим стандартларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 18 сентябрда эълон қилинган.

ва инновациялар вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан тасдиқланадиган ўқув режа ва дастурлар асосида олиб борилади;

(в) Филиалда таълим фаолияти 2026/2027 ўқув йилидан бошланади;

(г) абитуриентларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан белгиланадиган талаб ва тартибга мувофиқ амалга оширилади;

(д) Филиал битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган Университетнинг белгиланган намунадаги дипломи берилади;

(ж) Филиалга белгиланган тартибда лицензия олингандан сўнг таълим фаолияти билан шуғулланишга рухсат этилади.

5. Тошкент шаҳридаги Н.Э. Бауман номидаги Москва давлат техника университети филиалининг васийлик кенгаши (кейинги ўринларда — Васийлик кенгаши) иловага* мувофиқ таркибда тузилсин.

6. Васийлик кенгашининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) Филиал фаолиятининг ташкил этилишини таъминлаш, унинг тўлақонли фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий, молиявий, ҳуқуқий, иқтисодий, ўқув-услубий, моддий-техник ва бошқа масалаларни ҳал этиш;

(б) зарур лойиҳа, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш, Филиални жиҳозлаш, инфратузилмасини яратиш, моддий-техник таъминлашга доир вазифаларни мувофиқлаштириб бориш;

(в) Филиалга таълим жараёнини ва талабалар амалиётини самарали ташкил этиш, таълим сифатини таъминлаш, Филиал битирувчиларини ишга жойлаштириш, кадрлар тайёрлашнинг истиқболли йўналишларини белгилашда кўмаклашиш;

(г) Университет билан келишилган ҳолда ижтимоий-иқтисодий соҳада юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, Филиалга талабаларни қабул қилиш параметрлари ва тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш;

(д) Филиал фаолияти жадал ривожланишини таъминлаш учун ҳомийлик хайриялари, техник кўмак маблағларини (грантларни) ва бошқа бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш.

7. Белгилаб қўйилсинки:

(а) Филиалга қабул параметрлари соҳа ва тармоқларда кадрларга бўлган реал эҳтиёжни ҳисобга олиб, Университет, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Филиал Васийлик кенгашининг қарори билан тасдиқланади;

(б) Филиалга талабаларни ўқишга қабул қилиш давлат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Бунда давлат гранти асосида таълим олган Филиал битирувчилари уч йилдан кам бўлмаган муддат мажбурий

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ишлаб бериш шарти билан Ўзбекистон Республикасининг давлат ташкилотларига тақсимланади;

(в) Университетдан узоқ муддатга жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш Филиалнинг ўқув жараёни эҳтиёжларидан келиб чиқиб тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади;

(г) Филиалнинг дарс жараёнида фойдаланиладиган махсус ускуна ва дастурлар билан ишлаш кўникмасига эга юқори малакали ходимлари учун Филиалнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан устамалар тайинланади.

III. Филиалнинг ҳамкорлик алоқалари

8. Филиалнинг асосий ҳамкорлари этиб қуйидагилар белгилангани маълумот учун қабул қилинсин:

(а) академик соҳада — Тошкент давлат техника университети ҳамда Бухоро давлат техника университети;

(б) саноат ва ишлаб чиқариш соҳасида — Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ўзбекистон миллий метрология институти, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «UzAuto Motors» АЖ, «Тошкент трактор заводи» АЖ ва «UzAvto-INZI» МЧЖ.

9. 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб Университет ва Тошкент давлат техника университети ҳамкорлигида магистратура мутахассисликлари бўйича қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилсин. Бунда қўшма таълим дастурлари доирасида:

(а) Филиал фаолияти тўлақонли йўлга қўйилгунга қадар «Метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш» ҳамда «Машинасозлик технологияси» магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланади;

(б) ўқув жараёни ташкил қилинган мос даврга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан ҳамда Россия Федерацияси Хукумати қабул параметрлари доирасида жами 30 та давлат гранти ажратилади.

10. Университет томонидан қуйидагилар амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин:

(а) Филиал таълим жараёнига илғор педагогик ҳамда ахборот технологияларини, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш;

(б) Филиал профессор-ўқитувчилари таркибининг камида 40 фоизини Университет ва хорижий олий таълим ташкилотларининг профессор-ўқитувчиларини ўқув жараёни ҳамда илмий фаолиятга жалб этиш орқали шакллантириш;

(в) маҳаллий ва хорижий олий таълим ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари ва етакчи ташкилотларда Филиал профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини тизимли асосда ташкил этиш;

(г) Филиалнинг кутубхона фондини шакллантириш, уни замонавий ўқув-услубий ва илмий-педагогик адабиётлар билан тўлдириш, шу жумладан, Университетнинг ахборот-ресурс базасидан фойдаланиш имкониятини яратиш.

IV. Филиал фаолиятини молиялаштириш ва уни жойлаштириш

11. Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) Филиалга ўқишга қабул қилинган талабалар умумий сонининг 30 фоизидан ошмаган ҳолда давлат гранти асосида талабаларни ўқитиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари;

(б) талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

(в) хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

(г) Васийлик кенгаши қарорлари асосида шакллантириладиган маблағлар, ҳомийлик хайриялари ва грантлар;

(д) қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

12. Белгилансинки, Филиални бюджет маблағлари ҳисобидан сақлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш:

(а) 2025 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади;

(б) 2026 йилдан бошлаб бюджет қонунчилиги талабларига мувофиқ тақдим этилган бюджет сўровномаларига асосан Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

13. Тошкент шаҳри ҳокимлиги Филиалнинг янги кампусини барпо этиш учун Янги Тошкент шаҳри ҳудудидан 6 гектар ер майдонини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратсин. Бунда:

(а) янги кампус бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилади ҳамда Филиал мазкур кампусда текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади;

(б) янги кампус фойдаланишга топширилгунга қадар Филиал Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Тошкент шаҳри Олмазор тумани 2-Чимбой кўчаси 96-уй манзилидаги бино ва иншоотларига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

(а) Филиалнинг янги кампусини барпо этиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун зарур маблағларни ажратиш;

(б) Филиал учун Янги Тошкент шаҳри ҳудудидан ажратилган ер майдонида 2 000 ўринли ўқув-лаборатория биноси ва 800 ўринли талабалар тураржойини қуриш ҳамда уларни ўқув, илмий лаборатория асбоб-ускуна-

лари билан жиҳозлаш лойиҳаларини молиялаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

15. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов белгилансин.

17. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 8 сентябрь,
ПҚ–276-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

536 Мактабдан ташқари таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мактабдан ташқари таълим ташкилотлари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, замонавий ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ва самарали ташкил этиш, уларни интеллектуал жиҳатдан етук, Ватанга садоқатли, тарих ва миллий маданиятимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсадлар

1. Қўйидагилар мактабдан ташқари таълим тизимини ривожлантиришнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) ўқувчиларда замонавий ва талаб юқори касбларга қизиқиш уйғотиш, интерактив таълим муҳитини шакллантириш орқали болаларнинг илмий, техникавий, ижодий ва спорт йўналишидаги салоҳиятини рўёбга чиқариш;

(б) болаларнинг етакчилик қобилиятлари, шахсий ривожланишига қаратилган лойиҳаларни йўлга қўйиш, ўқувчилар тарихга оид билимларини мустаҳкамлаш, уларда Ватанга садоқат, маданий мерос ва миллий қадриятларга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш;

(в) мактабдан ташқари таълим тизимини замон талаблари асосида тақомиллаштириш, соҳага малакали мутахассислар ва хусусий секторни жалб этишнинг самарали механизмларини жорий этиш;

(г) соҳадаги кадрлар касбий ривожланишини қўллаб-қувватлаш ҳамда бошқарувни такомиллаштириш, мактабдан ташқари таълим ташкилотлари моддий-техника базасини халқаро андоза ва замонавий педагогик технологияларга мос равишда ривожлантириш.

**II. «Келажак» марказлари тизимини самарали
ташкил этиш**

2. Мактабдан ташқари таълим ташкилотлари фаолиятини тубдан тақомиллаштириш мақсадида:

(а) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги «Баркамол авлод» республика болалар мактаби ҳамда Республика ўқувчи-ёшлар маркази негизида Республика «Келажак» маркази;

(б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, туман (шаҳар) «Баркамол авлод» болалар мактаблари негизида тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, туман (шаҳар) «Келажак» марказлари;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 17 сентябрда эълон қилинган.

(в) Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари «Келажак» марказлари ҳузурида болалар сайёҳлик базалари ташкил этилсин.

3. Қуйидагилар:

(а) Республика «Келажак» маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар) «Келажак» марказларининг (кейинги ўринларда — «Келажак» марказлари) асосий вазифалари 1-иловага мувофиқ;

(б) «Келажак» марказлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш кенгаши таркиби ва унинг вазифалари 2* ва 3-иловаларга мувофиқ;

(в) «Келажак» марказларининг фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича «йўл харитаси» 4-иловага* мувофиқ;

(г) «Келажак» марказларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бериладиган объектлар рўйхати 5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:

(а) «Келажак» марказларининг умумий ўрта таълим ташкилотларида вертикал тизимини жорий этиш мақсадида ўқувчилар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича мактаб маслаҳатчиси (кейинги ўринларда — мактаб маслаҳатчиси) лавозимини жорий этиш;

(б) мактаб маслаҳатчиси лавозими штат бирликларини қуйидагилар ҳисобидан шакллантириш:

(i) 2025 йил 1 октябрдан бошлаб мактабгача ва мактаб таълими тизимидаги умумий ўрта таълим ташкилотларидаги маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимини ҳар бир умумий ўрта таълим ташкилотига 1 та штат бирлигида ажратиш ҳисобига бўшайдиган 3 400 та штат бирликлари;

(ii) 2025 йил якунига қадар 6-иловага** мувофиқ мақбуллаштириладиган ва 2026 йил 1 январдан бошлаб ажратиладиган штат бирликлари;

(в) мактаб маслаҳатчиси зиммасига 7-иловага мувофиқ вазифаларни юклаш.

5. Белгилаб қўйилсинки:

(а) мактаб маслаҳатчиси лавозим маоши умумий ўрта таълим ташкилоти директори ўринбосари лавозим маошига тенглаштирилади;

(б) менежерлик сертификатига эга бўлган мактаб маслаҳатчиларига 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб сертификатнинг амал қилиш муддати давомида лавозим маошига тегишлича ҳар ойлик 30 фоиз миқдорида қўшимча устамалар тўланади;

(в) умумий ўрта таълим ташкилотлари ўқувчилари билан ишлашда уларнинг ижтимоий кўникмаларини ривожлантириш мақсадида маҳалла, мактаб, оила ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигига асосланган тизим жорий этилади. Бунда:

* 2, 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** 5-илова берилмайди.

(i) умумий ўрта таълим ташкилотларидаги маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари ва психолог томонидан барча ўқувчиларнинг хулқ-атвори илгор хорижий тажриба асосида ишлаб чиқиладиган индикаторлар асосида тизимли таҳлил қилинади;

(ii) ўтказилган таҳлил натижаларига кўра ва ўқувчиларнинг шахсий ривожланиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда улар билан ишлашнинг мақсадли йўналишлари белгиланиб, ҳар бир йўналиш бўйича масъуллар ва индивидуал иш режалар тасдиқланади;

(iii) ўқувчиларнинг етакчилик, ижодий ва ташаббускорлик қобилиятларини ривожлантириш, ижтимоий ва экологик лойиҳалар, тўғарақларга жалб қилиш ишлари мактаб маслаҳатчилари томонидан мувофиқлаштирилади;

(iv) хулқ-атворида муайян мураккабликлар кузатилган ўқувчилар билан мақсадли ишлаш маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, мактаб психологлари, ёшлар етакчилари ҳамда маҳалла ва ота-оналар кенгаши билан ҳамкорликда амалга оширилади.

6. Белгилансинки:

(а) «Келажак» марказларига қўйидагилар рухсат этилади:

(i) шартнома асосида малакали мутахассислар ҳамда нодавлат ўқув марказларини жалб этган ҳолда тўғарақлар ташкил этиш;

(ii) ота-оналар бадали тўлови миқдорларини ота-оналар билан келишган ҳолда республика бўйича белгиланган минимал миқдорларга нисбатан ошириш;

(iii) ота-оналар бадали тўлови маблағларини мустақил йўналтириш;

(б) 2026 йил 1 январдан бошлаб «Келажак» марказларида ўқиганлик учун ота-оналар бадали тўловининг минимал миқдорлари қайта кўриб чиқилади.

7. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги «Келажак» марказлари раҳбар лавозимларини стратегик фикрлаш, замонавий билим ва кўникмалар, рақамли технологияларидан самарали фойдаланиш, ташаббускор ва етакчилик қобилиятига эга бўлган муносиб номзодлар орасидан тўлдириш чораларини кўрсин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

(а) «Келажак» марказлари контингент сони бўйича иккита гуруҳга ажратилади. Бунда:

(i) контингент сони 600 нафаргача бўлган «Келажак» марказлари — II гуруҳга, 601 нафар ва ундан ортиқ бўлганда — I гуруҳга тегишли ҳисобланади;

(ii) Республика «Келажак» маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри «Келажак» марказлари директори ва директор ўринбосарлари базавий тариф ставкалари I ва II гуруҳдаги умумий ўрта таълим мактаблари тегишли лавозимлари бўйича базавий тариф ставкаларига тенглаштирилади;

(iii) туман (шаҳар) «Келажак» марказлари директори ва директор ўринбосарлари базавий тариф ставкалари I ва II гуруҳдаги умумий ўрта таълим мактаблари тегишли лавозимлари бўйича базавий тариф ставкаларининг 90 фоизига тенглаштирилади;

(б) менежерлик сертификатига эга бўлган «Келажак» марказлари директор ва директор ўринбосарларига сертификатнинг амал қилиш муддати давомида лавозим маошига тегишлича ҳар ойлик 50 фоиз ва 30 фоиз миқдорида қўшимча устамалар тўланади;

(в) тўғарак раҳбарининг ҳафталик иш юкламаси 16 соатни ташкил этади. Бунда марказда ҳар бир тўғарак машғулотини ташкил этиш учун ҳафтада 4 академик соат ажратилади;

(г) «Келажак» марказлари директорлари фаолияти энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолаб борилади;

(д) «Келажак» марказлари тўғарак йўналишларидан келиб чиқиб, ўқув режалари ҳамда директорлар фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

9. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар) «Келажак» марказлари фаолияти қўйидагича ташкил этилади:

(а) марказлардаги тўғараклар фаолияти замонавий ва ягона дастур асосида тегишли йўналишларга босқичма-босқич ихтисослаштирилади;

(б) инклюзив тўғаракларга жалб қилинган педагогларга меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун лавозим маошининг 30 фоизи миқдорида ҳар ойда устама ҳақ тўланади;

(в) «Келажак» марказларига улар томонидан ташкил этиладиган тадбирларни ўтказишда тегишли ҳудуддаги Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшлар марказлари бино ва иншоотларидан бепул фойдаланишга рухсат этилади.

10. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган «Келажак» марказларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин ҳамда унинг маблағларини шакллантириш манбалари ва фойдаланиш мақсадлари 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) 2025 йил 1 октябрдан тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳри болалар кутубхоналарининг 182 та штат бирлиги «Келажак» марказларига ўтказилади;

(б) туман (шаҳар) «Келажак» марказларига марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати томонидан хизмат кўрсатиш тўхтатилади ҳамда туман (шаҳар) «Келажак» марказларига ажратилган штат birlikлари доирасида бухгалтер лавозими жорий этилади;

(в) «Келажак» марказларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

III. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 9-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

13. Ушбу қарор ижроси учун зарур маблағлар 2025 йилда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида молиялашти-

* 9-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рилади, 2026 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

14. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб мактабгача ва мактаб таълими вазири Э.Г. Каримова белгилансин.

16. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари Х.У. Умарова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 8 сентябрь,
ПҚ–277-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги
ПҚ–277-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Республика «Келажак» маркази, Қорақалпоғистон
Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар)
«Келажак» марказларининг асосий вазифалари**

1. Мактабдан ташқари таълим тизимига ўқувчиларни кенг жалб қилиш, ўқитишнинг мазмун ва сифатини ошириш мақсадида замонавий ҳамда инновацион ёндашув асосида тўғарақларни ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини тизимли йўлга қўйиш.

2. Болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун барқарор, самарали ва инклюзив муҳит яратиш, уларда етакчилик, жамоада ишлаш, фаол фуқаролик, ижтимоий масъулият ва коммуникатив кўникмаларни ривожлантириш, илмий, техник ва рақамли саводхонликни ошириш.

3. Ўқувчиларнинг тарихий билимларини мустаҳкамлаш, уларни Ватанга садоқат, маданий мерос ҳамда миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш.

4. Таълим ташкилотларида халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда тўрт босқичда (мактабгача, бошланғич, ўрта ва юқори синфларда) «ижтимоий-эмоционал таълим» модели асосидаги лойиҳаларни амалга ошириш.

5. Таълим ташкилотларида «Келажак» номи остида тарбиявий-ахлоқий, маънавий-мафкуравий ва ижтимоий-коммуникатив йўналишларда ўқувчиларнинг шахсий ривожланишига қаратилган ҳамда экологик ва маданий лойиҳаларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги
ПҚ-277-сон қарорига
3-ИЛОВА

**«Келажак» марказлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш
кенгашининг асосий вазифалари**

1. «Келажак» марказлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш соҳасида республика ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш.

2. Мактабдан ташқари таълим тизимида замонавий илмий-услубий усулларни жорий этиш орқали таълим сифатини ошириш, соҳага малакали мутахассислар ва хусусий секторни жалб этишга қўмаклашиш.

3. Мактабдан ташқари таълим соҳасида амалга оширилаётган илмий, техник, рақамли, экологик ва маданий йўналишдаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, инновацион ташаббусларни жорий этиш.

4. Республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) «Келажак» марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини белгилаш ҳамда ўз ечимини кутаётган масалаларни тезкор ҳал этиш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги
ПҚ–277-сон қарорига
7-ИЛОВА

**Ўқувчилар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича
мактаб маслаҳатчисининг асосий вазифалари**

1. Умумий ўрта таълим ташкилотларида «Президент иқтидорли фарзандлари» миллий дастури мазмунини ёритиш, унда назарда тутилган гоя ва мақсадларни ўқувчилар ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйиш.

2. Умумий ўрта таълим ташкилотларида «Келажак» марказларининг тармоқ тўғарақлари фаолиятини тизимли ташкил этиш.

3. Ўқувчиларни тарихий обидалар, маданий ёдгорликлар, миллий ва умуминсоний қадриятлар билан яқиндан таништириш.

4. Ўқувчиларда етакчилик қобилияти, ташаббускорлик ва жамоа билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш мақсадида турли лойиҳалар, клублар, дебатлар ҳамда ўқувчилар ўзини ўзи бошқариш тузилмалари фаолиятини йўлга қўйиш.

5. Маданият, санъат, китобхонлик, спорт ва экологик йўналишлардаги лойиҳаларни ташкил этиш, улар орқали ўқувчиларда эстетик дидни шакллантириш, жисмоний фаолликни ошириш, китоб ўқишга бўлган қизиқишни кучайтириш ҳамда табиатни муҳофаза қилишга оид билим ва кўникмаларни ривожлантириш.

6. Ўқувчиларнинг мактабдан ташқари таълим муассасаларига жалб этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар базасини тизимли равишда шакллантириш ва юритиш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги
ПҚ-277-сон қарорига
8-ИЛОВА

**Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги
«Келажак» марказларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси
маблағларини шакллантириш манбалари**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ҳар йили 70 миллиард сўм миқдорида ажратиладиган маблағлар.
2. «Келажак» марказларига ота-оналар бадали тўловларидан тушган маблағларнинг 10 фоизи.
3. Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар.
4. Юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари.
5. Халқаро молия ташкилотлари ҳамда хорижий давлатларнинг грантлари ва техник кўмак маблағлари.
6. Қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар.

**Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги
«Келажак» марказларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси
маблағларидан фойдаланиш мақсадлари**

1. «Келажак» марказларининг моддий-техника базасини янгилаш, жумладан, уларнинг бино ва иншоотларини қуриш ва таъмирлаш, зарур жиҳоз, анжомлар, компьютерлар, алоқа ва бошқа техника воситалари билан таъминлаш бўйича харажатларни молиялаштириш.
2. «Келажак» марказлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бошқа тадбирлар, шу жумладан, раҳбар ва педагог ходимларни моддий рағбатлантириш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

537 Янги авлод муҳандисларини тайёрлаш ва муҳандислик таълимини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида*

Муҳандислик йўналишини мактаб таълимида устувор йўналиш сифатида жорий этиш, мазкур йўналишда таълим сифатини ошириш ва малакали педагогларни таълим жараёнига жалб қилиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсад

1. Ушбу қарорнинг асосий мақсади этиб муҳандислик таълимини ривожлантириш орқали қуйидагиларни назарда тутувчи «Ўзбекистон — илғор муҳандислар мамлакати» ташаббусини амалга ошириш белгилансин:

(а) мамлакатда янги авлод муҳандис кадрлар тайёрлаш, олий таълим ташкилотларининг саноат билан узвий интеграциясига асосланган муҳандислик мактаблари тармоғини ташкил этиш;

(б) республика миқёсида умумий ўрта таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда — умумтаълим мактаблари) ўртасида муҳандисликка оид фанларни ўқитиш бўйича рақобат муҳитини яратиш ҳамда умумтаълим мактабларини рағбатлантириш тизимини жорий этиш.

II. Муҳандислик мактаблари тармоғини ташкил этиш ва муҳандислик таълим дастурини жорий қилиш

2. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) тизимида 1-иловага** мувофиқ фаолияти тугатиладиган ўрта махсус ва касбий таълим ташкилотлари негизида «Янги Ўзбекистон» университети ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган мактаб тажрибаси асосида муҳандислик мактаблари ташкил этилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

(а) муҳандислик мактабларига ўқувчиларни саралаб олиш ва қабул қилиш 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб Агентлик тизимидаги ихтисослаштирилган мактаблар учун белгиланган тартиб асосида амалга оширилади. Бунда бир синфда ўқувчилар сони 24 нафардан ошмаслигини ҳисобга олган ҳолда:

(i) биринчи ўқув йилида, истисно тариқасида, 7 — 10-синфларга, иккинчи ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг 6-синф битирувчилари орасидан 7-синфга қабул қилинади;

(ii) муҳандислик мактабларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ўқитиладиган ўқувчиларнинг умумий чекланган сони 240 нафар этиб белгиланади;

(iii) муҳандислик мактабларига ўз қувватидан келиб чиққан ҳолда пулли

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 18 сентябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

таълим хизматларини кўрсатиш, шу жумладан, қўшимча синфлар очиш ва ўқиш учун тўлов миқдорини белгилаш ҳуқуқи берилади;

(б) муҳандислик мактабларида «Янги Ўзбекистон» университети ва Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган мактаб тажрибаси асосида қуйидагиларни назарда тутувчи муҳандис кадрлар тайёрлайдиган олий таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда — муҳандислик олийгоҳлари) билан интеграциялашган муҳандислик таълим дастури жорий этилади:

(i) ўқув жараёнини 5 йиллик дастур асосида STEM модели бўйича ташкил этиш, дастлабки 3 йилда физика, математика ва хорижий тил фанларидан, кейинги 2 йилда муҳандислик фанлари бўйича бошланғич тайёргарликка эътибор қаратиш;

(ii) муҳандислик мактабининг 10-11-синф ҳамда муҳандислик олийгоҳлари тегишли таълим йўналишининг 1-курс ўқув режаларини интеграция қилиш. Бунда ўқувчи муҳандислик олийгоҳининг ўқув режасига оид фанлар (кейинги ўринларда — олий таълим фанлари) бўйича қўшимча ўқитилади;

(iii) олий таълим фанларини ўқитишни кредит-модуль тизими асосида ташкил этиш ва ушбу фанлар бўйича академик кўрсаткичларни (Academic Performance) белгиланган тартибда тан олиш;

(в) муҳандислик мактабларида муҳандислик таълим дастурини жорий этиш 2-иловада* кўрсатилган муҳандислик олийгоҳлари томонидан амалга оширилади. Бунда:

(i) муҳандислик таълим дастурини жорий этиш ҳамда муҳандислик олийгоҳлари ва муҳандислик мактабларига услубий ёрдам кўрсатиш учун мутаносиб равишда «Янги Ўзбекистон» университети ва Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган мактаб таянч олийгоҳ ва таянч мактаб сифатида белгиланади;

(ii) муҳандислик таълим дастурлари доирасида интеграция қилинадиган таълим йўналишлари муҳандислик олийгоҳи томонидан мустақил белгиланади;

(iii) олий таълим фанлари муҳандислик олийгоҳининг профессор-ўқитувчилари томонидан ўқитилади ва ушбу жараёнга оид барча харажатлар ушбу муҳандислик олийгоҳининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади;

(г) қуйидаги талабларни бажарган муҳандислик мактаблари битирувчиларига муҳандислик таълим дастури бўйича тегишли таълим йўналишида бир йиллик қўшимча давлат гранти асосида 2-курсдан тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонларсиз ўқишни давом эттириш ҳуқуқи берилади:

(i) Scholastic Assessment Test (SAT) халқаро имтиҳон тизими бўйича энг камида 1 300 балл тўплаш ёки Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан тақдим этиладиган муҳандислик олийгоҳи таълим йўналишига қараб математика, физика ва кимё фанларидан бири бўйича энг камида B2 даражадаги давлат намунасидаги сертификатга эга бўлиш;

(ii) олий таълим фанлари бўйича академик кўрсаткичларни (Academic Performance) ўрнатилган талаб бўйича ўзлаштирганлик.

Бунда келгуси ўқув йилидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тартибда давлат грантини тақдим этиш табақалаштирилган тартибда қайта тақсимлаш тизими бўйича давом эттирилади;

(д) 11-синф муҳандислик мактаблари ўқувчилари учун икки ойлик мажбурий ишлаб чиқариш амалиёти (стажировка) жорий этилади. Бунда ўқувчи муҳандислик таълим дастури бўйича таҳсил олаётган тегишли таълим йўналишига оид ишлаб чиқариш корхонасида амалиёт (стажировка) ўташи лозим;

(ж) муҳандислик мактаблари биноларини капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, жиҳозлаш ва ободонлаштириш ишлари 3-иловага* мувофиқ 2026 — 2028 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида молиялаштирилади.

III. Муҳандислик мактаблари фаолиятини ташкил этиш

4. Муҳандислик мактабларида қуйидаги бошқарув лавозимлари жорий этилсин:

(а) ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш бўйича академик директор;

(б) маъмурий-молиявий фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича ижрочи директор;

(в) муҳандислик мактабларининг соҳа корхоналари билан яқиндан ҳамкорлигини таъминлаш бўйича саноат билан алоқалар менежери.

5. Белгилаб қўйилсинки:

(а) академик директор лавозими муҳандислик олийгоҳининг штатлар жадвалида назарда тутилади ҳамда Агентлик билан келишилган ҳолда муҳандислик олийгоҳи директори томонидан тайинланади;

(б) меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларига кўра:

(i) академик директор — муҳандислик олийгоҳи деканига;

(ii) саноат билан алоқалар менежери — Агентлик тизимидаги ҳудудий ихтисослаштирилган мактабнинг директор ўринбосарига;

(iii) қолган барча маъмурий-бошқарув, педагогик, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар — Агентлик тизимидаги ҳудудий ихтисослаштирилган мактабнинг тегишли ходимларига тенглаштирилади;

(в) академик директор, ижрочи директор ва саноат билан алоқалар менежери фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичи битирувчи ўқувчилар ўқишни муҳандислик олийгоҳида белгиланган тартибда 2-курсдан давом эттириши ҳисобланади ва бир марталик рағбатлантириш механизмлари жорий қилинади;

(г) муҳандислик мактабларини сақлаш харажатлари Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Илғор муҳандислик мактаби» миллий танлови

6. 2026 йил 1 январдан бошлаб ҳар йили умумтаълим мактаблари ўртаси-

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

да Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Илғор муҳандислик мактаби» миллий танлови (кейинги ўринларда — Танлов) ўтказилсин.

7. Қўйидагилар Танловни ўтказишнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) умумтаълим мактаблари ўртасида STEM фанларини ўқитишда рақобат ва янгиликка интилиш муҳитини яратиш;

(б) умумтаълим мактабларида STEM фанлари бўйича таълим жараёнининг самарадорлиги ва сифатини оширишга кўмаклашиш;

(в) педагог ўқитувчиларнинг STEM фанларини ўқитишга бўлган қизиқиши ва интилишини кучайтириш.

8. Белгилаб қўйилсинки:

(а) Танлов 3 босқичда — туман (шаҳар), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда республика миқёсида ўтказилади;

(б) Танлов натижаларига кўра унинг ғолиблари қўйидаги кўринишда рағбатлантирилади:

(i) 4-иловага* мувофиқ танлов ғолибларини моддий рағбатлантириш;

(ii) Танловнинг республика босқичи ғолиблари учун хорижий давлатларга таълим саёҳатини ташкил этиш;

(iii) Танловнинг республика босқичида 1-ўринни эгаллаган мактабга Давлат бюджети ҳисобидан муҳандисликка оид лабораториялар жамланмасини ўз ичига олган инновацион технопарк ташкил этиш учун 1 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратиш.

Бунда инновацион технопаркка эга бўлган мактабларда меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларига кўра физика ўқитувчисига тенглаштирилган 1 та штат бирлигида лаборант лавозими киритилади.

V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

9. «Ўзбекистон — илғор муҳандислар мамлакати» ташаббусини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Мазкур қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар 2026 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджети параметрларида негизида муҳандислик мактаблари ташкил этилаётган ўрта махсус ва касбий таълим ташкилотларидан бўшаган маблағлар ҳисобидан назарда тутилади.

11. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб мактабгача ва мактаб таълими вазири Э.Г. Каримова ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов белгилансин.

13. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош

* 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари Х.У. Умарова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 8 сентябрь,
ПҚ-278-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

538 Олмалик давлат техника институтини ташкил этиш тўғрисида*

Тошкент вилоятидаги олий таълим ташкилотларининг мавжуд ресурсларидан самарали фойдаланиш, ўқув жараёнларига энг сўнгги педагогик технологияларни жорий қилиш, илғор хорижий тажрибалар асосида юқори малакали кадрлар тайёрлашни янги босқичга кўтариш, шунингдек, олий таълим ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсад

1. Ушбу қарорнинг асосий мақсади этиб Тошкент вилояти иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида, жумладан, муҳандислик, металлургия, ишлаб чиқариш, кончилик соҳаларида замонавий билим ва кўникмаларга эга олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш белгилансин.

II. Тошкент вилоятида муҳандислик соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш

2. Тошкент давлат техника университети Олмалик филиали негизида Олмалик давлат техника институти (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этилсин.

3. Қуйидагилар:

(а) Олмалик давлат техника институти фаолиятининг асосий йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

(б) Олмалик давлат техника институти фаолиятини ташкил этиш бўйича Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан бажариладиган амалий тадбирлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

(а) Институт давлат олий таълим ташкилоти ҳисобланиб, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимида фаолият юритади;

(б) Тошкент давлат техника университети Олмалик филиалида таҳсил олаётган барча талабалар ўқишини Институтда давом эттиради ҳамда 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб битирувчи курс талабаларига белгиланган тартибда Институт дипломи берилади;

(в) Институт Тошкент давлат техника университети Олмалик филиалининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, тузилган шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

(г) Институт фаолиятини молиялаштириш:

(и) Давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўр-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 18 сентябрда эълон қилинган.

сатишдан тушадиган тушумлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

(ii) 2025 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2026 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

III. Таълим ва илмий тадқиқот жараёнларини амалиётга интеграция қилиш

5. «Олмалик КМК» АЖ (кейинги ўринларда — Комбинат) Институтга асосий саноат ҳамкори сифатида бириктирилсин. Комбинат:

(а) 2026 йил 1 январга қадар Институтнинг мутахассислик кафедралари филиалларининг фаолиятини Комбинат таркибидаги корхоналарда самарали ташкил этишга қўмаклашсин;

(б) Институт талабалари, профессор-ўқитувчилари ва илмий изланувчилари учун ўқув ва тадқиқот жараёнларини Комбинатнинг Инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш маркази ҳамда унинг таркибидаги Тажриба-бойитиш фабрикаси лабораторияларида ташкил этиш имкониятини яратсин;

(в) ҳар ўқув йилида:

(i) Институтнинг юқори курс талабаларини ҳақ тўланадиган амалиётга жалб этсин;

(ii) Комбинатнинг технологик ва ишлаб чиқариш жараёнларида вужудга келадиган муаммоларини Институт билан ҳамкорликда ечишга қаратилган илмий лойиҳаларни танлов асосида молиялаштирсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

(а) Институтда геология, металлургия ва техникага ихтисослашган илғор муҳандислик мактаби (кейинги ўринларда — «ГеоМетТех» илғор муҳандислик мактаби) Комбинат маблағлари ҳисобига ташкил этилади;

(б) «ГеоМетТех» илғор муҳандислик мактаби Институт ва Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС» Олмалик филиалига хизмат кўрсатади;

(в) «ГеоМетТех» илғор муҳандислик мактабида таълим олиш учун академик кўрсаткичлари юқори бўлган талабалар танлов асосида саралаб олинади ва амалиётга йўналтирилган махсус таълим дастурлари асосида ўқитилади;

(г) «ГеоМетТех» илғор муҳандислик мактаби йўналишига мос саноат ҳамкорлари белгиланиб, уларни техник ва технологик жиҳатдан таъминлаш учун замонавий лабораториялар ташкил этилади;

(д) «ГеоМетТех» илғор муҳандислик мактабида саноат ҳамкорлари томонидан тақдим этилган муаммолар портфели асосида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари йўлга қўйилади;

(ж) «ГеоМетТех» илғор муҳандислик мактабида амалга ошириладиган амалий ва инновацион лойиҳаларни саноат ҳамкорлари ва Инновацион

ривожланиш агентлиги маблағлари ҳисобидан биргаликда молиялаштириш тизими жорий этилади;

(з) «ГеоМетТех» илғор муҳандислик мактаби фаолияти Институт ва Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС» Олмалиқ филиалининг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

7. Тошкент вилояти ҳокимлиги «ГеоМетТех» илғор муҳандислик мактаби учун саноат ҳамкорларини белгилашда маҳаллий йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан қуйидаги йўналишларда самарали ҳамкорликни йўлга қўйсин:

(а) саноат ҳамкорларининг муаммолари асосида қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва молиялаштириш;

(б) иқтидорли талабалар ва ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, улар томонидан олиб борилаётган илмий изланишларни молиялаштириш;

(в) замонавий ўқув ва илмий лабораториялар ташкил этиш.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

8. Олмалиқ давлат техника институти фаолиятини ташкил этиш бўйича «йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3153-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов ҳамда Тошкент вилояти ҳокими З.Т. Мирзаев белгилансин.

12. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 8 сентябрь,
ПҚ–279-сон

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги
ПҚ–279-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Олмалиқ давлат техника институти фаолиятининг асосий
йўналишлари**

Қуйидагилар Институт фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

(а) муҳандислик, саноат ишлаб чиқариш, металлургия соҳалари ва ҳудуднинг кадрларга бўлган эҳтиёжига мувофиқ олий маълумотли мутахассислар ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш;

(б) таълим жараёнига илғор педагогик технологияларни, илм-фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини татбиқ этиш;

(в) таълим жараёнига етакчи хорижий университетлар тажрибаси асосида ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқариш жараёнлари билан узвий боғлиқ бўлган таълим дастурларини жорий этиш;

(г) фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича янги илғор технологияларни ишлаб чиқиш, уларни республиканинг геология ва иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда амалиётга татбиқ қилиш бўйича таклифлар киритиш;

(д) амалий ва фундаментал илмий-тадқиқот ишлари ҳамда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги
ПҚ-279-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Олмалиқ давлат техника институти фаолиятини ташкил
этиш бўйича Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
томонидан бажариладиган амалий тадбирлар**

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан Олмалиқ давлат техника институти фаолиятини бошлаш учун қуйидаги амалий тадбирлар бажарилади:

(а) уч ой муддатда Институт профессор-ўқитувчилари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини (KPI) баҳолаш тизимини илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда жорий этиш;

(б) 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб:

(i) танлов асосида Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва грантлар ҳисобидан профессор-ўқитувчилар ва докторантларни етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотларига стажировка ва малака оширишга юбориш;

(ii) ўзаро келишув асосида етакчи маҳаллий ва хорижий олий таълим ташкилотлари (филиаллари) билан академик мобиллик дастурларини йўлга қўйиш;

(iii) кадрлар истеъморчиларининг реал муаммолари асосида битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари мавзулари банкни шакллантириш;

(iv) Институтда бакалаврият ва магистратура босқичларига ўқишга қабул қилинган иқтидорли талабалар учун дарсларни инглиз тилида ўқитадиган алоҳида гуруҳлар ташкил этиш;

(v) соҳа ташкилотларида профессор-ўқитувчилар илмий-тадқиқот ишлари ва амалий машғулот олиб боришлари, талабалар малакавий амалиётларини ўташлари учун зарур шарт-шароитларга эга Институт мутахассислик кафедралари филиалларини ташкил этиш;

(vi) Институт профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, талабалари томонидан амалга оширилган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни тижоратлаштириш ҳамда сотиш мақсадида «спин-офф» корхонасини ташкил этиш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

539 Нотариат институтини янада ривожлантириш ҳамда соҳа-
га замонавий ахборот-коммуникация технологияларини
кенг жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги «Маъмурий ислохотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида»ги ПФ–80-сон Фармонида мувофиқ ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда нотариат институтининг ролини ошириш, шунингдек, нотариуслар фаолиятини рақамлаштириш билан боғлиқ ишларни изчил давом эттириш мақсадида **қарор қиламан:**

1. 2026 йил 1 мартдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача бўлган қуйидаги фуқаролик-ҳуқуқий низосиз талаблар бўйича нотариуслар томонидан ижро хатларини ёзиш тартиби жорий этилсин:

(а) нотариал тасдиқланган битимларга асосланган талаб;

(б) ёзма ва нотариал тасдиқланган битим мавжуд бўлган тақдирда, ундирувни қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти бўлган қўчар мол-мулкка қаратиш тўғрисида талаб;

(в) ижара тўловлари, кўп квартирали уйлардаги жойларнинг мулкдорларидан мажбурий бадаллар ва тўловлар, коммунал ва алоқа хизматлари бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида талаблар.

2. Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Нотариал палатасининг 2026 йил 1 апрелдан бошлаб нотариуслар фаолиятига қуйидагиларни жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) Ўзбекистон Республикасида нотариус лавозимида бўлишнинг энг юқори ёш чегарасини олтимиш беш ёшдан етмиш ёшга ошириш.

Бунда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси (кейинги ўринларда — Олий малака комиссияси) томонидан ўтказиладиган суҳбат натижасига кўра нотариус ўз розилиги билан иш фаолиятини етмиш ёшгача амалга ошириши мумкин;

(б) давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳони ўрнига ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда қуйидаги икки босқичдан иборат бўлган ягона танлов тартибини жорий этиш:

(i) биринчи босқичда талабгорлар давлат ва жамият бошқаруви ҳамда коррупцияга қарши курашиш, фуқаролик ҳуқуқи, нотариат ва ворислик ҳуқуқи соҳалари бўйича тест синовларидан ўтади. Бунда тест синовлари ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда Адлия вазирлиги ҳамда Олий

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 10 сентябрда эълон қилинган.

таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан ташкил этилади;

(ii) иккинчи босқичда тест синовларидан муваффақиятли ўтган талабгорлар Олий малака комиссияси томонидан ўтказиладиган амалий имтиҳонда нотариал ҳаракатларнинг лойиҳаларини махсус электрон платформада тайёрлайди ва муаммоли масалага (казусга) жавоб беради;

(в) мазкур банднинг «б» кичик бандида назарда тутилган ягона танловда иштирок этишга фақат Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ташкил этиладиган курсларни муваффақиятли тамомлаган шахсларга рухсат бериш;

(г) хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ўз касбий фаолиятини узрли сабабларга кўра бажара олмаган тақдирда, унинг аризасига асосан лицензиясининг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш;

(д) хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатишдан ташқари огоҳлантириш ва жарима кўринишидаги муқобил таъсир чораларини қўллаш механизмини жорий этиш;

(ж) нотариал ҳаракатларни расмийлаштиришда фойдаланиладиган гербли (махсус) бланкаларни унификация қилиш орқали ягона шаклдаги гербли (махсус) бланкани жорий этиш. Бунда:

(i) нотариал ҳаракатларни махсус гербли бланкада расмийлаштириш тарафларнинг хоҳишига кўра амалга оширилиши мумкин;

(ii) видеоконференцалоқа режимида амалга оширилган нотариал ҳаракатлар гербли (махсус) бланкаларда расмийлаштирилиши талаб этилмайди;

(з) нотариал расмийлаштирилган барча ҳужжатларни нотариуснинг имзоси, муҳри ва/ёки QR код (матрик штрихли код) билан тасдиқлаш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ нотариал хизматлар кўрсатишда қуйидаги талаблар бекор қилинади:

(а) 2025 йил 1 декабрдан бошлаб:

(i) республика ҳудудида нотариал тасдиқланган никоҳ шартномалари нусхасини «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимига (кейинги ўринларда — Тизим) мажбурий юклаш тартибини жорий этиш орқали уларнинг аслини нотариуслар томонидан талаб қилиш;

(ii) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёни қайд этилган аудио ва видеоёзув файлларини электрон қурилмаларда сақлаш. Бунда ушбу турдаги аудио ва видеоёзувлар файлларини Тизимда тўғридан-тўғри нотариал ҳаракатга бириктириш ва сақлаш имконияти яратилади;

(б) 2026 йил 1 январдан бошлаб нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун нотариусга Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг аслини тақдим этиш. Бунда фуқароларнинг шахси уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат реквизитлари орқали замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда идентификация қилинади ҳамда биометрик маълумотлар (бармоқ изи ва Face-ID) орқали верификация қилинади.

4. Адлия вазирлигига нотариат соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда қуйидаги қўшимча ваколатлар берилсин:

(а) муайян ҳудуддаги (нотариал округдаги) нотариус лавозимларининг энг кўп сонини белгилаш;

(б) олис (чекка) ва нотариус лавозимига талаб юқори бўлмаган ҳудуд (нотариал округ)ларда давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига талаб-горларни ягона танловда иштирок этмаган ҳолда Олий малака комиссияси томонидан ўтказиладиган суҳбат асосида тайинлаш.

5. Қуйидагилар:

(а) Давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига ягона танловда иштирок этмаган ҳолда суҳбат асосида нотариуслар тайинланиши мумкин бўлган олис (чекка) ва нотариус лавозимига талаб юқори бўлмаган ҳудуд (нотариал округ)лар рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

(б) Нотариуслар томонидан композит шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

(в) 2025 — 2027 йилларда масофадан туриб видеоконференцалоқа режими орқали расмийлаштирилиши йўлга қўйиладиган нотариал ҳаракатлар режа-графиги 3-иловага* мувофиқ;

(г) 2025 — 2027 йилларда нотариат институтини янада ривожлантириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича «Йўл харитаси» 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 1-иловасида кўрсатилган олис (чекка) ва нотариус лавозимига талаб юқори бўлмаган ҳудуд (нотариал округ)ларда:

(а) камида уч йил давомида нотариуслик фаолиятини амалга оширган нотариусларга Олий малака комиссияси хулосаси асосида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус сифатида ўзлари танлаган республиканинг ис-талган бошқа ҳудудида фаолиятини давом эттириш ҳуқуқи берилади;

(б) давлат нотариал идораси нотариуси лавозими жорий этилганида ҳар бир давлат нотариал идораси учун камида бир нафардан нотариус ёрдамчиси ва нотариус котиби штат бирликларини мажбурий тарзда жорий этиш ҳақидаги талаб татбиқ этилмайди.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2026 йил 1 апрелдан бошлаб кўчмас мулк ва ундаги улушлар билан боғлиқ барча битимлар нота-риус томонидан Тизим орқали давлат рўйхатидан ўтказиш учун юборилиб, кўчмас мулк объекти давлат рўйхатидан ўтказилганда унинг янги мулкдори ҳақидаги маълумотлар коммунал хизматлар ташкилотларининг электрон ах-борот тизимларига автоматик тарзда юборилади ва маълумотлар базаларида янгиланади.

8. Кадастр агентлиги, Энергетика вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой ком-мунал хўжалиги вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Солиқ қўмитаси ва «Ўзсувтаъминот» АЖ 2026 йил 1 апрелга қадар ўз ахборот тизимларининг белгиланган тартибда тўлиқ ин-теграциясини таъминлаб, маълумотлар автоматик тарзда янгиланишини йўл-га қўйсин.

9. Манфаатдор вазирлик ва идоралар уч ой муддатда 2022 йил 1 октябр-га қадар жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкларини бошқа шахсга

* 1 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ўтказишга нисбатан қўйилган тақиқларни тегишлилиги бўйича хатловдан ўтказсин ва сақлаб қолиниши лозим бўлган тақиқлар рўйхатини жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, солиқ тўловчининг идентификация рақами ва мол-мулк ҳақидаги маълумотлар (идентификатор) асосида шакллантириб, Адлия вазирлигига тақдим этсин.

10. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда ўз аҳамиятини йўқотган тақиқ (хатлов)лар рўйхатини шакллантирсин ва уларни бекор қилиш чораларини кўрсин.

11. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига қўйидагиларни киритсин:

(а) уч ой муддатда янги таҳрирдаги «Нотариат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини. Бунда, шу жумладан, қўйидаги янги нотариал ҳаракатлар жорий этилиши назарда тутилсин:

(i) васият қилувчи вафот этганда нотариус томонидан меросхўрларга васиятномани эълон қилиш;

(ii) эр-хотиннинг биргаликдаги васиятномасини нотариал тасдиқлаш;

(iii) мерос шартномасини нотариал тасдиқлаш;

(iv) муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳамда саноат мулки объектлари билан боғлиқ меросни нотариус томонидан расмийлаштириш тартибини белгилаш;

(б) икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни.

12. Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) 2026 йил 1 майга қадар қўйидагиларни тасдиқласин:

(а) давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига ҳамда хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олишга талабгорлар учун ягона танлов ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонларини;

(б) муайян ҳудуд (нотариал округ)даги нотариус лавозимларининг энг кўп сонини белгилаш тартибини;

(в) нотариуслар томонидан ижро хатларини ёзиш, никоҳ шартномалари, видеоконференцалоқа режими орқали нотариал ҳаракатларни расмийлаштириш бўйича маъмурий регламентларни.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб адлия вазири А.Д. Ташкулов белгилансин.

14. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ҳуқуқий экспертиза ва комплекс таҳлил қилиш департаменти бошлиғи А.Б. Самадов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 9 сентябрь,
ПҚ–280-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

540 Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштиришни жадаллаштириш ҳамда илғор рақамли технологияларни жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 28 декабрдаги ПҚ–415-сон қарорига мувофиқ соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш, тиббий ёрдам самарадорлигини ошириш, беморларнинг хавфсизлигини таъминлаш, дори воситалари айланмасини бошқаришнинг самарали тизимини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 декабрдаги ПҚ–415-сон қарорига мувофиқ Рақамли соғлиқни сақлаш платформаси ишлаб чиқиши, «Электрон рецепт» тизимида давлат ва хусусий дорихоналарда «Электрон рецепт» тизимини жорий этиш белгилангани;

«Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимларининг ягона комплексини жорий этиш доирасида «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизими ва «Электрон поликлиника», «Электрон шифохона», «Электрон тиббий карта», «Электрон рецепт» модуллари яратилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Рақамли технологиялар вазирлигининг 2025 йил 10 декабрдан бошлаб Тошкент шаҳри ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислох қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 19 майдаги ПФ–88-сон Фармонига мувофиқ тажриба-синов лойиҳаси амалга ошириладиган 15 та туман (шаҳар)ларда, 2026 йилнинг якунига қадар эса республиканинг барча ҳудудларида қуйидагиларни амалга ошириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

барча тиббиёт ва фармацевтика ташкилотлари Рақамли соғлиқни сақлаш платформасига, ушбу платформа амалиётга жорий этилгунга қадар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимида интеграция асосида уланишини ҳамда «Электрон поликлиника», «Электрон шифохона», «Электрон тиббий карта», «Электрон рецепт» модуллари билан белгиланган маълумотлар реал вақт режимида алмашилишини лицензия талаблари ва шартларидан бири сифатида белгилаш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 11 сентябрда эълон қилинган.

рецепт билан бериладиган дори воситаларини тайинлаш ва чакана реализация қилишда зарур маълумотларни интеграция асосида мажбурий тарзда «Электрон рецепт» модулига узатиш тартибини жорий этиш.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи Тиббиёт ташкилотларида рецепт билан бериладиган дори воситаларини электрон рецепт асосида тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

рецепт билан бериладиган дори воситаларини беморга электрон рецепт асосида тайинлаш;

электрон рецепт орқали тайинланган дори воситаларини расмийлаштириш;

электрон рецепт шакли ва ундаги маълумотларни «Электрон рецепт» модулига узатиш тартиби;

тиббиёт ташкилотларида рецепт билан бериладиган дори воситаларини электрон рецепт асосида тайинлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик.

4. Белгилансинки, 2025 йил 10 декабрдан бошлаб:

Тошкент шаҳри ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 19 майдаги ПФ–88-сон Фармонида мувофиқ тажриба-синов лойиҳаси амалга ошириладиган 15 та туман (шаҳар)лардаги барча тиббиёт ташкилотларида дори воситаларини беморларга тайинлашда дори воситаларининг халқаро патентланмаган номи бўйича (агар мавжуд бўлса) электрон рецепт расмийлаштирилади (алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар, таркибида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар сақловчи дори воситалари ҳамда реимбурсация дастури билан боғлиқ жараёнлар бундан мустасно);

беморларга тайинланган дори воситалари тўғрисидаги маълумот (халқаро патентланмаган ёки оригинал дори номи, кунлик дозаси, қабул қилиш ёки юбориш усули, миқдори, давомийлиги) электрон рецептга бевосита шифокор томонидан киритилади ҳамда электрон тасдиқлаш усуллари орқали тасдиқланади;

тиббиёт ташкилотлари ва дорихоналарнинг мавжуд ахборот тизимларини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Рақамли соғлиқни сақлаш платформасига ва ахборот тизимига улаш ёки уларнинг сўровига асосан уларда вазирликнинг «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизими модуллари бепул ўрнатилади;

тиббиёт ва фармацевтика ташкилотлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимига уланиш учун зарур моддий-техник базага, барқарор Интернет ва электр тармоғига эга бўлишлари шарт.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) икки ой муддатда:

дори воситаларини рецепт билан ва рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига киритиш мезонларини қайта кўриб чиқиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти рўйхатига киритилган тартибга солувчи орган-

лар (WHO Listed Authorities) ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Глобал таққослаш воситаси (Global Benchmarking Tool) бўйича 4-даражали етукликка эга бўлган тартибга солувчи органлар тажрибаси асосида тасдиқласин;

Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор — «UZINFOCOM» МЧЖ билан биргаликда «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимининг бошқа ахборот тизимлари билан маълумотлар алмашинувини тартибга солувчи технологик йўриқномани ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин;

«Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимида яратилган «Электрон поликлиника», «Электрон шифохона», «Электрон тиббий карта», «Электрон рецепт» модулларидан фойдаланиш ҳамда ушбу модулларга тегишли маълумотларни узатиш йўриқномаларини белгиланган тартибда тасдиқласин ва амалиётга жорий этсин;

б) 2027 йил 1 январга қадар рецепт билан бериладиган дори воситаларини электрон рецепт асосида тайинлаш натижаларидан келиб чиқиб, алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар, таркибида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни сақловчи дори воситаларини ҳам электрон рецепт асосида бериш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Қуйидагилар:

Дори воситалари айланмасини бошқаришнинг самарали тизимини яратиш учун «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимига интеграция асосида узатиладиган маълумотлар рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

Тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларида электрон рецептни жорий этиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Рақамли технологиялар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда электрон рецептни жорий этиш доирасида шахсга доир ва тиббий сирни ташкил этадиган маълумотлар ошкор этилишининг олдини олиш, шунингдек, ахборот тизимлари ва ресурсларнинг киберхавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомга 4-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш чораларини кўрсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кирази.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-

* 2-3-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ликаси соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров ҳамда рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 8 сентябрь,
570-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 8 сентябрдаги 570-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Тиббиёт ташкилотларида рецепт билан бериладиган
дори воситаларини электрон рецепт асосида тайинлаш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом барча тиббиёт ташкилотларида беморга рецепт билан бериладиган дори воситаларини электрон рецепт асосида тайинлаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар, таркибида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни сақловчи дори воситалари муомаласига нисбатан татбиқ этилмайди.

Реимбурсация дастури билан боғлиқ жараёнлар Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 2 октябрдаги 619-сон қарори талаблари асосида амалга оширилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

беморнинг қонуний вакили — беморнинг оила аъзоси ёки беморга васийлик ёки ҳомийлик қилишга тайинланган шахс;

дорихона — дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни, шунингдек, уларни тайёрлаш учун тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахс ёки юридик шахснинг таркибий бўлинмаси шаклида ташкил этилган дорихоналарнинг филиаллари, даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари;

дори воситаларининг савдо номи — «Ўзбекистон Республикасида тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестри»га киритилган дори воситаларининг савдо номи;

дори воситаларининг халқаро патентланмаган номи (кейинги ўринларда — ХПН) — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан дори воситаси таркибидаги фаол дори моддасининг (субстанциясининг) қисқартирилган номини бериш орқали дори воситасини идентификация қилиш;

рецепт — шифокорнинг фармацевт маълумотига эга бўлган мутахассисга дори препаратини тайёрлаш ва (ёки) бериш ҳамда унинг қўлланиш усули тўғрисидаги ёзма кўрсатмаси;

электрон рецепт — шифокорнинг фармацевтик маълумотга эга бўлган мутахассисга дори воситаси тўғрисидаги маълумотларни (халқаро патентланмаган ёки оригинал номи, тайёрлаш, кунлик дозаси, қабул қилиш ёки юбориш усули, миқдори, давомийлиги) электрон шаклда қайд этилган ва тасдиқланган кўрсатмаси;

«Электрон рецепт» модули — электрон рецепт билан боғлиқ барча жараёнлар (ҳаракатлар)ни жамлаш, маълумот алмашиш, тегишли ҳисоботларни шакллантириш каби функцияларни амалга оширувчи ахборот дастури;

халқаро касалликлар таснифи (кейинги ўринларда — ХКТ) — касалликлар ва соғлиқ билан боғлиқ бошқа муаммоларнинг халқаро статистик таснифи.

4. Электрон рецепт асосида тайинланадиган дори воситалари Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган бўлиши керак.

5. Тиббиёт ташкилотлари ва дорихоналарнинг мавжуд ахборот тизимлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Рақамли соғлиқни сақлаш платформасига ва ахборот тизимига улаш ёки уларнинг сўровига асосан уларда вазирлиқнинг «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизими модулларини ўрнатиш ишлари бепул амалга оширилади.

Бунда:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимидан фойдаланишда кўрсатилган техник хизматлар харажатлари Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган тарифлар асосида тиббиёт ташкилотлари ва дорихоналар томонидан қопланади;

б) давлат тиббиёт ташкилотлари «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимига белгиланган тартибда уланади.

в) «Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор — «UZINFOCOM» МЧЖ:

тиббиёт ташкилотлари ва дорихоналарнинг мавжуд ахборот тизимлари «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимига, кейинчалик Рақамли соғлиқни сақлаш платформасига уларнинг электрон аризаларига асосан бир иш куни муддатда интеграция калити ва технологик йўриқномасини электрон шаклда автоматик тақдим этиш орқали интеграция қилинади;

«Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимининг мобил иловасини ҳамма учун фойдаланишга очиқ қилиб, бепул юклаб олиш имкониятини яратади.

6. Шифокор томонидан амалдаги ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари ҳамда миллий клиник протоколларга мувофиқ бир ёки бир неча турдаги касалликларни даволаш (профилактикаси) ёки оқибатларининг олдини олиш мақсадида муайян бир беморга буюриладиган дори воситаларига (дори воситасининг халқаро патентланмаган номига) электрон рецепт расмийлаштирилади.

7. Дори воситалари бевосита бемор ёки беморнинг қонуний вакилига «Электрон рецепт» модули билан ўрнатилган тартибда зарур маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилган дорихоналар орқали берилади.

8. Электрон рецепт асосида бериладиган дори воситалари учун тўловлар бемор ёки беморнинг қонуний вакили томонидан тўланади (реимбурсация дастури асосида бериладиган дори воситалари бундан мустасно).

2-боб. Рецепт билан бериладиган дори воситаларини электрон рецепт асосида тайинлаш

9. Тиббиёт ходимлари томонидан бемор маълумотлари тиббиёт ташкилотидида жорий қилинган тиббий ахборот тизимига киритилади ҳамда ушбу маълумотлар автоматик тарзда «Электрон тиббий карта» модулига узатилади.

10. Беморга дори воситалари тиббиёт ташкилотидида жорий қилинган тиббий ахборот тизимида электрон рецепт расмийлаштириш орқали тайинланади ва бевосита даволовчи шифокор томонидан электрон тасдиқлаш усулларида тасдиқланиб, QR код автоматик тарзда қўйилади. Бунда электрон рецептга оид зарур маълумотлар автоматик тартибда «Электрон рецепт» модулига узатилади.

11. Тиббиёт ташкилотидида стационар даволанган беморларга касаллик тарихи ва унинг кўчирмасида тавсия қилинган дори воситалари учун шифокор томонидан белгиланган муддатларга электрон рецепт расмийлаштирилади.

12. Электрон рецептни расмийлаштириш орқали рецепт билан бериладиган дори воситаларини тайинлаш ва чакана реализация қилиш ушбу Низомга иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

13. Тиббиёт ташкилотининг шифокори ўзининг қабулида бўлган ёки стационар шароитда даволанаётган беморларга электрон рецепт расмийлаштирилади ва электрон тасдиқлаш усулларида тасдиқлайди.

14. Шифокорларга ўзлари томонидан беморга электрон рецепт асосида тайинланган ва чакана реализация қилинган дори воситалари ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни ахборот тизимлари орқали кузатиб бориш имконияти яратилади.

15. Электрон рецептларда рецепт билан бериладиган дори воситаларини тайинлаш ва чакана реализация қилишга оид маълумотлар белгиланган муддат давомида «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимида, кейинчалик Рақамли соғлиқни сақлаш платформасида сақланади.

3-боб. Электрон рецепт орқали тайинланган дори воситаларини расмийлаштириш

16. Электрон рецепт шакли ва унинг амал қилиш муддати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

17. Тиббиёт ташкилоти шифокори ХКТ асосида белгиланган ташхисга мувофиқ тасдиқланган ХПН рўйхати бўйича керакли дори воситаларини тиббиёт ташкилотидида жорий қилинган тиббий ахборот тизимида электрон

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рецептни расмийлаштириш орқали тайинлайди ва расмийлаштирилган электрон рецепт маълумотлари «Электрон рецепт» модулига автоматик тарзда узатилади.

Заруратга кўра (беморнинг талабига кўра) шифокор расмийлаштирилган электрон рецептни босмадан чиқариб, беморга тақдим этади.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг шифокорлари ҳамда уй шароитида кўрилган беморларга шифокор томонидан электрон рецепт тегишли тиббий ахборот тизимининг мобил иловаси орқали расмийлаштириши мумкин.

18. Дорихонанинг фармацевт маълумотига эга ходими беморга ёки беморнинг қонуний вакилига электрон рецептда кўрсатилган дори воситаларини қабул қилиш вақтини дори воситасининг қадоғига белгилаган ҳолда беради ва электрон рецептнинг дорихонага тааллуқли бўлган қисмини тўлдиради (дори воситасининг номи, яроқлилиқ муддати ва серияси, партия рақами берилган дори воситасига мос бўлиши керак).

19. Электрон рецептдаги дори воситаси берилиши тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, фармацевтнинг фамилияси, исми, отасининг исми электрон рақамли имзоси ва QR код қўйилиб, электрон шаклда дорихонада мавжуд ахборот тизимлари орқали «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимига автоматик юборилади.

20. Электрон рецептга оид бўлган барча маълумотлар беморнинг электрон тиббий картасида автоматик тарзда қайд этиб борилади.

21. Электрон рецептда бир ёки бир нечта ташхис асосида 5 тагача ХПН кўрсатилиши мумкин. Агар электрон рецептда 5 тадан ортиқ ХПН белгиланиши лозим бўлса, шифокор томонидан қолганлари амалдаги ташхис қўйиш ва даволаш стандартларига мувофиқ қўшимча асослантирилади.

22. Электрон рецептда дори воситасининг ХПН ёки оригинал номи, тайёрлаш, кунлик дозаси, қабул қилиш ёки юбориш усули, миқдори, даволаниш курси давомийлиги, тайинлаган шифокор маълумотлари кўрсатилади.

23. Қуйидаги ҳолларда шифокор томонидан дори воситаларига электрон рецепт расмийлаштирилиши тақиқланади:

беморнинг амалдаги ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари ва клиник протоколларга мувофиқ тиббий кўрсатмаси бўлмаган ҳолатларда;

Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилмаган дори воситаларига (орфан дори воситалари, давлат рўйхатидан ўтказмасдан, мажбурий сертификатлаш шарти билан тиббиёт амалиётида қўллаш ва олиб киришга рухсат бериладиган, Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган аналоглари мавжуд бўлмаган дори воситалари бундан мустасно);

наркоз воситаси сифатида ишлатиладиган дори воситаларига.

4-боб. «Электрон рецепт» модулига электрон рецепт маълумотларини узатиш

24. Электрон рецепт тиббиёт ташкилотида жорий қилинган тиббий ахборот тизимида шифокор томонидан тегишли қайдлари мавжуд бўлган бемор учун расмийлаштирилади.

25. Электрон рецептда қўйидаги маълумотлар акс эттирилиши зарур:
тиббиёт ташкилотининг номи;

тиббиёт ташкилоти лицензиясининг тартиб рақаи, берилган санаси,
амал қилиш муддати, СТИР рақаи (нодавлат тиббиёт ташкилотлари учун);
электрон рецепт рақаи ва берилган сана;

беморнинг ЖШШИР, фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси;

ХКТга мувофиқ қўйилган ташхис;

дори воситасининг ХПН ёки оригинал номи, тайёрлаш, кунлик дозаси,
қабул қилиш вақти (муддати), қабул қилиш ёки юбориш усули, миқдори,
даволаниш курси давомийлиги, дори воситасининг рақаи (электрон рецепт рақаиға боғланган ҳолда);

шифокорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда телефон рақаи.

26. Шифокор томонидан электрон рецепт расмийлаштирилгандан сўнг ушбу рецепт маълумотлари «Электрон рецепт» модулиға узатилади ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахборот тизимиға интеграция қилинган дорихоналарда электрон шаклда қўринади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

27. Электрон рецептнинг тиббиёт ташкилотларида тўғри юритилиши Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан, унинг дорихоналарда қўлланилиши Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази томонидан назорат қилинади.

28. Соғлиқни сақлаш вазирлиги электрон рецепт асосида дори воситаларини тайинлашда юзаға келадиган муаммоларни ҳамда ушбу Низомда тартибға солинмаган масалаларни ҳал қилиш ваколатиға эға.

29. Тиббиёт ташкилотлари ва дорихоналар раҳбарлари электрон рецептни расмийлаштиришда маълумотларнинг тўғри киритилиши, тегишли тиббий ахборот тизимларидан тўғри ва мақсадли фойдаланишға, шунингдек, ўз ходимлари томонидан йўл қўйиладиган хатолик учун жавобгардир.

30. Ушбу Низом талаблари бузганликда айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 8 сентябрдаги 570-сон қарорига
4-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомга киритилаётган қўшимчалар

1. 27-илованинг 9-позицияси учинчи устунининг «в» кичик банди қуйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Рақамли соғлиқни сақлаш» платформасига ушбу платформа амалиётга жорий этилгунга қадар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимига интеграция асосида уланишни ҳамда «Электрон поликлиника», «Электрон шифохона», «Электрон тиббий карта», «Электрон рецепт» модуллари билан белгиланган маълумотларни реал вақт режимида алмашилишини таъминлаш*».

2. 29-илованинг 9-позицияси учинчи устуни қуйидаги таҳрирдаги «о» кичик банд билан тўлдирилсин:

«о) «Рақамли соғлиқни сақлаш» платформасига ушбу платформа амалиётга жорий этилгунга қадар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимига интеграция асосида уланишни ҳамда «Электрон рецепт» модули билан белгиланган маълумотларни реал вақт режимида алмашилишини таъминлаш*».

Изоҳ. Мазкур иловада белгиланган тартиб Тошкент шаҳри ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 19 майдаги ПФ–88-сон Фармонига кўра тажриба-синов лойиҳаси амалга ошириладиган 15 та туман (шаҳар)ларда 2025 йил 10 декабрдан бошлаб, республиканинг барча ҳудудларида эса 2027 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

541 Пахта ва дон қабул қилиш ҳамда унинг электрон ҳисобини юритиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта хом ашёсини етиштириш ва сотишда бозор механизмларини қўллашни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 17 январдаги ПФ–7-сон Фармонида мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Пахта ва дон қабул қилиш ҳамда унинг электрон ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

пахта ва дон қабул қилиш ахборот тизимларининг мақсади, асосий вазифалари ҳамда техник оператор ва фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

пахта ва дон қабул қилиш ахборот тизимларида рўйхатдан ўтиш, электрон ҳужжатлар айланиши ҳамда техник хизматлар кўрсатиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳисоб-китобларига асосан «Agrotarozi», «Hosil qabuli» ва «AgroDocs» ахборот тизимлари фаолиятини ташкил этиш, юритиш ва сақлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш 2025 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилишини, 2026 йилдан бошлаб бюджет қонунчилиги талабларига мувофиқ тақдим этилган бюджет сўровномаларига асосан Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

Пахта ва дон қабул қилиш ҳамда унинг электрон ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ пахта ва дон қабул қилувчи корхоналар билан биргаликда пахта ва дон қабул қилиш масканларининг кузатув камералари, замонавий компьютер қурилмалари ва узлуксиз электр энергияси (куёш панеллари, дизель ва бензин генераторлари, UPS қурилмалари) билан таъминланишини;

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда пахта ва дон қабул қилиш масканларини белгиланган тартибда барқарор ва юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш ҳамда пахта ва дон қабул қилиш жараёнларида узилишларнинг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўрилишини;

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда дон қабул қилиш масканларидаги электрон тарозилар ўлчовларининг ҳар

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 9 сентябрда эълон қилинган.

йили 10 майга ва пахта қабул қилиш масканларидаги электрон тарозилар ўлчовларининг ҳар йили 10 августга қадар синовдан ўтказилишини;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда пахта ва дон қабул қилиш жараёнларида иштирок этувчи тарозибон, лаборатория ходимлари ва бошқа ходимларда «Agrotarozi», «Hosil qabuli» ва «AgroDocs» ахборот тизимлари билан ишлаш бўйича кўникмалар доимий шакллантириб борилишини;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси билан биргаликда пахта-тўқимачилик ҳамда ғаллачилик кластерлари, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги кооперативлари ташкил этган пахта ва дон қабул қилиш масканларига белгиланган тартибда хулосалар берилишини таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 9 сентябрь,
573-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 9 сентябрдаги 573-сон қарорига
ИЛОВА

**Пахта ва дон қабул қилиш ҳамда унинг электрон ҳисобини
юритиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Agrotarozi», «Hosil qabuli» ва «AgroDocs» ахборот тизимлари орқали пахта ва дон қабул қилиш ҳамда унинг электрон ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

«AgroDocs» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «AgroDocs» АТ) — шартнома ва келишувларни шакллантириш ҳамда тузиш, шартномавий муносабатларни тартибга солишга қўмаклашувчи ахборот тизими;

«Agrotarozi» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Agrotarozi» АТ) пахта ва дон етиштирувчиларга электрон тарозилар орқали шаффофлик таъминлашда хизмат кўрсатиш имкониятларини таъминлаб берадиган тизим;

«Hosil qabuli» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Hosil qabuli» АТ) — топширилган пахта ва дон маҳсулотларининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари, етказиб берувчи ҳамда қабул қилувчи ташкилотлар тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ва статистик ҳисоботларни юритиш учун мўлжалланган тизим;

техник оператор — Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Агросаноатни рақамлаштириш маркази» МЧЖ;

фойдаланувчилар — белгиланган тартибда «Agrotarozi», «Hosil qabuli» ва «AgroDocs» АТларида рўйхатдан ўтган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, қабул қилувчи ва иштирокчи субъектлар;

шахсий кабинет — тизимда рухсат бериш (авторизация) жараёнидан ўтган фойдаланувчиларга электрон хизматлар кўрсатилишида иштирок этишини ҳамда зарур ахборотни жойлаштириш, ундан фойдаланиш, шунингдек, ҳисоб-китобларни амалга оширишини таъминлайдиган алоҳида саҳифа.

3. «Agrotarozi», «Hosil qabuli» ва «AgroDocs» АТларини пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар, дон қабул қилувчи ташкилотларнинг таклифларига кўра такомиллаштириш ва интеграция орқали маълумотлар тақдим этишни йўлга қўйиш харажатлари шартномавий асосда қопланиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги «Agrotarozi», «Hosil qabuli» ва «AgroDocs» АТларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий масалаларини тартибга солувчи ваколатли орган ҳисобланади.

2-боб. «Agrotarozi» АТнинг мақсади ва асосий вазифалари

5. «Agrotarozi» АТнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

пахта хомашёсини етказиб бериш бўйича биржа савдолари натижаларига кўра тузилган фьючерс ва форвард шартномалари, «AgroDocs» АТда пахта хомашёсини вақтинча сақлаш, дон маҳсулотларининг давлат хариди, вақтинча сақлаш ва уруғлик бугдойни харид қилиш бўйича тузилган шартномалар асосида пахта ва дон қабул қилиш, пахта хомашёсини мажбурий ҳисобга олиш бўйича «Hosil qabuli» АТда шаффофликни ва маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш;

тузилган фьючерс, форвард, спот, вақтинча сақлаш, уруғлик ва давлат ресурси сифатида харид қилинадиган бугдой олди-сотди шартномаларига асосан белгиланган шартларнинг бажарилишини таъминлашга кўмаклашиш;

давлат стандарти талабларига қатъий риоя этган ҳолда пахта ва донни ўз вақтида ва узлуксиз қабул қилиш;

қабул қилинган пахтанинг селекция ва саноат навлари, синфлари бўйича, уруғлик пахтани авлоди ва дала гуруҳи кўрсатилган ҳолда алоҳида тўдаларга тўплаш;

фойдаланувчиларни пахта ва дон бўйича ишончли маълумотлар билан таъминлаш;

пахта ва дон қабул қилиш жараёнидаги мавжуд вақт сарфи ҳамда операция харажатларни қисқартириш;

давлат рўйхатидан ўтказилган техника ва тиркамалар орқали қабул қилинган ва сақланаётган пахтани тайёрлов масканларидан ҳамда донни қабул қилиш шохобчаларидан қайта ишловчи корхоналарга жўнатишда албатта тарозидан ўтказиш ва унинг ҳақиқий сифатини тўғри аниқлаш орқали ҳисоб-китобни олиб бориш;

агросаноат инфратузилмасини ривожлантириш ва улар тармоқларида мавжуд бошқа масалаларни самарали ҳал этиш учун шароитлар яратиш.

6. Қуйидагилар «Agrotarozi» АТнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

шаффофлик тамойилига асосан пахта ва дон қабул қилиш жараёнларини рақамлаштириш ҳамда уларни қабул қилиш жараёнларини электрон шаклга ўтказиш;

давлат ресурси ҳисобидан етиштирилган доннинг электрон ҳисобини юритиш;

пахта ва дон қабул қилиш ҳамда жамлашни техник жиҳатдан тартибга солиш;

пахта ва дон қабул қилиб олувчи корхоналар томонидан уларни топширувчи корхоналарнинг ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш.

Бунда тайёрлов масканларида қабул қилиш О'зМSt 551:2025, О'з МSt 387:2024, О'з DSt 642, О'з DSt 880, О'з DSt 2823 давлат стандартлари талаблари асосида унинг намлиги ҳамда ифлослиги ҳар бир транспорт воситаси бўйича инструментал ва саноат нави органолептик усулда аниқланиб, қабул қилиш жараёни уч босқичли тизим бўйича амалга оширилади:

биринчи босқич — пахта ва доннинг ифлослиги ва намлигини аниқлаш учун ундан белгиланган тартибда намуна олиниб, лабораторияга жўнатилади ҳамда унинг саноат нави ва синфи аниқланади;

иккинчи босқич — олиб келинган пахта ва дон электрон тарозида (брутто, тара) ўлчанади;

учинчи босқич — ўлчовдан ўтказилган пахта ва дон юк хатида белгиланган гарамга ёки омборга туширилади;

етказиб берилган пахта ва дон мониторингини юритиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга оид молиявий, статистик ва таҳлилий маълумотларни олишнинг дастурий имкониятларини такомиллаштириб бориш.

3-боб. Техник оператор ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Техник оператор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

«Agrotarozi» АТ маълумотларидан хизмат доирасида фойдаланиш;

«Agrotarozi» АТга қўйиладиган талабларга жавоб берувчи хусусий сектор вакилларининг ахборот тизимларидан фойдаланишни шартномавий асосда йўлга қўйиш;

«Agrotarozi» АТ орқали тижорат банклари, суғурта компаниялари ва бошқа манфаатдор ташкилотларга тижорий хизматларни кўрсатиш.

8. Қуйидагилар техник операторнинг мажбуриятлари ҳисобланади:

«Agrotarozi» АТ орқали электрон тарози маълумотларини ҳақиқий вақт режимида «Hosil qabuli» ахборот тизимида акс эттириш;

«Agrotarozi» АТнинг ҳар бир иштирокчиси томонидан тизимга тақдим этиладиган маълумотларнинг доимий янгилаб борилишини таъминлаш;

шубҳали (сунъий интеллект орқали фотофиксациядан ўтган бегона объектлар ёки қайта ўлчанган ҳамда келтирилган миқдордан ортиқ) юкларни аниқлаш алгоритмларини йўлга қўйиш;

«Agrotarozi» АТда рўйхатга олинган операцияларнинг, шакллантирилган ва жўнатишган ҳисоботларнинг ҳамда қабул қилинган шаклларнинг яхлитлиги ва ўзгармаслигини таъминлаган ҳолда уларнинг беш йилдан кам бўлмаган муддатда сақланишини таъминлаш;

тизимдан фойдаланувчиларнинг «Agrotarozi», «Hosil qabuli» ва «AgroDocs» АТларида ишлаш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш;

ахборот тизимларидан фойдаланиш учун назорат қилувчи органларга махсус имкониятларни тақдим этиш.

9. Фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

«Agrotarozi» АТдан ва ундаги маълумотлардан ушбу Низом талаблари доирасида фойдаланиш;

электрон шаклдаги аризаларни тақдим этиш;

шартномаларни электрон шаклда расмийлаштириш.

10. Қуйидагилар фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари ҳисобланади:

«Agrotarozi» АТдан фойдаланишда ушбу Низом талабларига қатъий риоя этиш, бошқа фойдаланувчи ва тизим оператори фаолиятига зарар етказмаслик;

пахта ва дон қабул қилувчи корхоналар товаршунос оператор ва лабо-

ратория ходимларининг замонавий компьютер қурилмалари, узлуксиз электр манбаи ва алоқа воситаларидан иш жараёнида фойдаланиш;

қабул қилувчи кириш ва чиқиш юқларини ўлчайдиган электрон тарозиларга RTSP ва RTMP протоколларини қўллаб-қувватлайдиган 2K (2048x1080) ва ундан юқори аниқликдаги видеоқузатув камераларини киришга (олди ва орқа томондан) ҳамда чиқишга (олди ва орқа томондан) кузатув камераларини ўрнатиш;

кузатув камерларини қарама-қарши томонга тарозидан 2 метр узоқликда ва 3 метр баландликда, марказий нуқтага нисбатан симметрик, тарози юзасини тўлиқ қамраб оладиган тарзда ўрнатиш ва 15° — 30° бурчак остида пастда йўналтирилишини таъминлаш;

«Agrotarozī» АТга электрон тарозилар ёрдамида ҳаққоний ва ишончли маълумотларни тақдим этиш;

мавсум бошлангунга қадар пахта ва дон қабул қилиш ҳамда уларни сақлашга алоҳида тайёргарлик кўриш.

Бунда тегишли омборхона ва айвонлар ўтган йиллардан қолган пахта ва дон қолдиқларидан тозаланиши ҳамда зараркунандаларга қарши кимёвий ишлов берилишини сифатли ташкил этиш;

жамлаш ва ғарамлаш майдончаларини таъмирлаш;

зарурий воситаларни тайёр ҳолатга келтириш ва уларнинг соз ҳолатда ишлашини таъминлаш;

электрон тарози ва лаборатория жиҳозларини мавсумга тайёрлаш ҳамда ўлчов воситаларини давлат қиёслов кўригидан ўтказиш;

пахта ва дон қабул қилиш масканларининг мавсумга тайёрлиги бўйича Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг тегишли ҳулоасини олиш;

техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш;

пахта ва дон қабул қилиш ҳамда уларни тўдаларга жамлашда маҳсулотлар миқдорига асосан жойлаштириш схемасини тасдиқлаш ҳамда схемага мувофиқ ишларни ташкил этиш;

пахта ва донни селекция нави, авлоди, саноат нави, синфи бўйича корхоналардаги алоҳида сақлаш майдончаларида ғарамлаш.

Бунда уруғлик учун келтирилган пахта ва донни селекция нави, авлоди, саноат нави, синфи бўйича махсус омборхона ва майдончаларда алоҳида алоҳида ғарамлаш;

«Agrotarozī» АТга юборилаётган маълумотларнинг ҳаққоний ва шаффофлигини таъминлаш, бунда пахта ва дон ўрнига бошқа маҳсулотларни ёки юқларни юклаш, бир хил пахтани қайта-қайта олиб кириш, кўрсаткичларни яхшилаш мақсадида электрон тарозига пахта ва доннинг намлик ва ифлослик кўрсаткичларига ғайриқонуний таъсир кўрсатишга йўл қўймаслик;

корхоналардан қабул қилинган ўз ҳисобидан етиштирилган пахта ва донни алоҳида ғарам ҳамда сиғимларда сақлаш ва уларни ҳисобини юритиш;

«Agrotarozī» АТдан фойдаланишда фаолиятига оид ҳаққоний ва ишончли маълумотларни киритиб бориш;

пахта ва дон қабул қилишдаги маълумот ва бошқа ахборотлардан фойдаланишда қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш.

11. Пахта ва дон қабул қилиш жараёнларида қўйидаги ҳолатлар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлик чоралари кўрилишига сабаб бўлади:

кузатув камераларини турли баҳоналар билан ўчирган ёки тарозидан бошқа томонга қаратган, тўсган ҳолда пахта ва дон қабул қилишга уринишлар;

интернет тармоғи узилган ҳолда қабул қилинган пахта ва дон;

электрон тарозидан ўтказилмасдан қабул қилинган пахта ва дон;

пахта ва дон қабул қилиш масканларидаги электрон тарозилардан уларнинг ўлчовларини ўз муддатларида синовдан ўтказмасдан фойдаланиш;

электрон тарозидан пахта ва дон ўрнига бошқа юк, шунингдек, оғир техника воситалари, ишчиларни ўтказишга уриниш;

электрон тарозига ташқи таъсир кўрсатиш орқали пахта ва дон қабул қилишга уриниш;

бир марта электрон тарозидан ўтказилган пахта ва донни олиб чиқиб, қайта электрон тарозидан ўтказишга уриниш (ғарамни бузиш ва бошқалар);

усти ёпиқ техника воситасида ёки кузатув камераларида кўринмаган юкларни электрон тарозидан ўтказишга уриниш;

бир хил ташиш техникасида давлат рақамларини алмаштирган ҳолда, шунингдек, қисқа вақт оралиғида, айнан бир хил оғирликда бўлган юкларни электрон тарозидан ўтказишга уриниш;

қабул тугаган ва дислокацияга қўшилмаган қабул масканлари орқали ёки дислокацияга олдиндан киритилмаган ташиш техникаларида пахта ва донни ўтказишга уриниш;

қабул қилинган пахта хомашёсининг намлик ва ифлослик кўрсаткичларини кетма-кет бир хил тақдорланган ҳолда тизимга киритиш ва қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолатлар.

12. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда пахта ва дон қабул қилувчилар иш ҳажмидан келиб чиқиб, ахборот тизимларига икки ёки уч сменалик операторларни бириктиради ҳамда узлуксиз ишлашини ташкил этади.

13. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга электрон тарози орқали пахта ва дон қабул қилиш жараёнларига аралашиш қатъиян ман этилади ва бундай қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

4-боб. «Agrotarozi» ва «Hosil qabuli» АТларида рўйхатдан ўтиш ва ундан фойдаланиш

14. Фойдаланувчи интернет ахборот тармоғидаги расмий веб-сайт орқали «Agrotarozi» ва «Hosil qabuli» АТлари имкониятларидан фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади.

Бунда фойдаланувчи «Электрон ҳуқумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимида (OneID) рўйхатдан ўтган бўлиши шарт.

15. Фойдаланувчилар «Agrotarozi» ва «Hosil qabuli» АТларида рўйхатдан ўтиш жараёнида қуйидаги маълумотларни киритади:

а) жисмоний шахслар:

шахсий идентификация рақами (ЖШШИР);

мобил телефон рақами;

электрон почта манзили;

яшаш манзили;

б) юридик шахслар:

ташкilotнинг СТИР ва раҳбарининг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР);

юридик шахс вакилининг мобил телефон рақами;

жойлашган жойи ва электрон почта манзили;

фаолият йўналиши.

Фойдаланувчиларнинг бошқа маълумотлари идоралараро маълумот алмашинуви орқали олинади.

16. Фойдаланувчилар «Agrotarozi» АТдан рўйхатдан ўтишда ахборот тизимидан фойдаланиш шартларини қабул қилиш бўйича электрон шаклда шартнома имзолайди.

17. Рўйхатдан ўтган ҳар бир фойдаланувчи учун «Agrotarozi» АТда шахсий кабинет яратилади.

18. Фойдаланувчилар ўз шахсий кабинети орқали амалга оширилган ҳаракатлар учун жавобгар ҳисобланади.

19. Фойдаланувчилар томонидан «Agrotarozi» АТ орқали тақдим этилган маълумотларда номутаносибликлар аниқланганда, унинг фойдаланиш ҳуқуқи вақтинча тўхтатилади.

Фойдаланувчи томонидан хатоликлар бартараф этилгандан сўнг унинг «Agrotarozi» АТдан фойдаланиш ҳуқуқи бир иш кунида қайта тикланади.

20. Фойдаланувчиларнинг фаолияти қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилган тақдирда, унинг «Agrotarozi» АТдан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам тўхтатилади.

21. Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг «Техникалар ҳисоби» ахборот тизимини «Agrotarozi» АТ билан интеграция қилиш орқали давлат рўйхатига олинган тиркамаларнинг мулк эгалари ва уларнинг давлат рақамлари тўғрисидаги маълумотлар электрон шаклда олинади.

22. Пахта ва дон товар-транспорт юк хати асосида қабул қилинади.

Хўжаликлар битта юк хати билан барча сифат кўрсаткичлари бир хил бўлган пахта ва донни топшириш учун юборишлари керак, яъни:

а) битта селекция, саноат нави ва синфига оид;

б) авлоди ва дала гуруҳи бир хил уруғлик пахта ва дон.

23. Пахта ва ғалла майдонларида ўтказилган апробация натижаларига мувофиқ мутахассислар иштирокида расмийлаштирилган далолатнома асосида қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари ва касалликлари билан зарарланган хомашёлар тайёрлов масканига алоҳида топширилади.

24. Пахта ва дон ушбу Низомнинг 6-бандига асосан қабул қилинади.

25. Пахта ва дондан намуна олиш жараёнларида тайёрлов масканлари-

нинг намуна олувчиси ҳамда пахта ва дон топширувчи корхоналар вакили қатнашади.

Ўзбекистон фермерлари кенгаши вакили ва топширувчи — фермер хўжалиги раҳбари ёки унинг номидан иш юритувчи иштирокида (кузатувида) келтирилган пахта ва дон тўдасидан О'zMSt 387:2024 бўйича бирлаштирилган намуна танлаб олинади ҳамда О'z MSt 551:2025, О'z DSt 642, О'z DSt 880, О'z DSt 2823 давлат стандартлари ва ушбу Низом талаблари ва шартларига мослигини аниқлайди, О'zMSt 554:2025 стандарти бўйича эталон намуналарга таққослаб, ташқи кўриниши ва ранги бўйича дастлабки классификациясини ўтказиши ҳамда саноат навини аниқлайди ва юк хатини тўлдириб, ранги ва ташқи кўриниши бўйича қайси саноат навига мослигини қайд қилади.

Пахтанинг саноат нави бўйича келишмовчилик юзага келган ҳолларда лаборатория таҳлил хонасида ЛПС-4 (АСХ) қурилмасида пишиб етилганлик коэффициенти бўйича саноат нави якуний тарзда аниқланади.

26. Намуна олувчи ва оператор ҳар бир намунанинг тўғри олинishiга шахсан моддий жавобгар ҳисобланади.

27. Қабул қилинаётган пахтанинг сифат кўрсаткичлари стандарт талабларига мос келмаса, сабаблари кўрсатилган ҳолда пахта топширувчига қайтарилади.

28. Товаршунос оператор «Agrotarozi» АТга транспорт воситасида юкланган пахта ва донни «брутто» массасида тегишли параметрларини киритгандан сўнг улар тўғрисидаги маълумотларни сақлаш ҳамда ўлчаш имконияти пайдо бўлади.

«Брутто» массаси автоматик тарзда ўлчаниб, компьютерга киритилади ва марказий компьютер тармоғига узатилади ҳамда юк хатида «брутто» массаси ёзилади.

29. Намуна олувчи лаборатория таҳлилларини қайд қилиш маълумотномасини 2 нусхада тўлдиради.

Бунда лаборатория таҳлилларини қайд қилиш маълумотномалари ID рақамли шаклда юритилади.

30. Лаборатория намунани олгандан сўнг ҳар бир қабул қилинаётган тўда намунаси бўйича намлик ва ифлосликни аниқлаш учун таҳлиллар ўтказилади.

Қабул қилиш жараёнида эътирозлар юзага келганда, ҳудудларда ташкил этилган арбитраж гуруҳларининг ишонч телефониغا мурожаат қилиши ва уларнинг ҳулосасини олиши мумкин.

31. Товаршунос оператор лаборатория таҳлил натижалари асосида аниқланган сифат кўрсаткичларини «Agrotarozi» АТга киритади ҳамда қабул қилинаётган пахтанинг жамланадиган тўда ва фармининг тартиб рақамини белгилайди ҳамда учинчи босқичга йўналтиради.

32. Келтирилган пахта ва дон юк хатида белгиланган жойга топширувчи иштирокида туширилади. Тушириш жараёнида тўкилаётган пахта ва донни кўздан кечириб, юк хатида кўрсатилган сифат кўрсаткичлари ва стандарт талабларига мослигини кузатиб туради.

33. Диспетчер сифат кўрсаткичлари тасдиқланган пахта ва донни қабул

қилгани ҳақидаги юк хатига имзо қўяди ҳамда бўшаган тиркамали транспорт воситасини электрон тарозида ўлчаш учун товаршунос операторга йўналтиради.

Учинчи босқичда сифат кўрсаткичлари тасдиқланмаган, бегона жисмлар аниқланган ҳолларда пахта ва донни тушириш тўхтатилади ҳамда маскан мудири хабардор қилинади.

34. Товаршунос оператор бўшатишган транспорт воситаси массасини электрон тарозида тартади, «тара» массаси аниқланади, бунда тизимда тиркамалар тури ва техник хусусиятларидаги вазни ± 10 фоиз оралиғида оғирликка эга бўлгач, тизимда маълумотларни сақлаш имконияти пайдо бўлади ва қабул қилинган пахтанинг нетто массаси автоматик тарзда аниқланади. Давлат рақами белгиси бўйича бир соат оралиғида қайта брутто ўлчовини амалга ошириш имконияти чекланади.

Тарозидаги ўлчов натижалари топширувчининг юк хатига ёзилади. Шунингдек, ушбу натижалар марказий тармоққа онлайн узатилади.

35. Пахтада ПК-17 ва донда ПК-10, ПК-10А шакллардаги қабул қитанцияси учун махсус рақамланган бир хил форматда «Hosil qabuli» АТда шаклланади. Уларнинг икки томонлама имзоланиши «AgroDocs» АТда амалга оширилади.

Пахтани қабул қилиш варақаси (ПК-17 шакл) ушбу Низомга иловага* мувофиқ юритилади.

36. Тайёрлов маскани мудири, қабул қилувчи ва катта бухгалтер ПК-17 ёки ПК-10, ПК-10А шакллари қабул қитанциясида кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига, пахта ва доннинг амалий ва кондицион вазнининг ҳақиқий миқдори, селекция ва саноат нави, синфи ва жамлаш жойлари бўйича қабул қилинганига ҳамда улар бўйича ҳисоб-китобларнинг (чегирма ва устамаларни ҳисобга олган ҳолда) тўғрилигига шахсан жавобгардирлар.

37. Миллий статистика қўмитаси интеграция орқали «Hosil qabuli» АТда расмийлаштирилган маълумотлардан фойдаланади. Бунда пахта ва донни қабул қитанциялари маълумотлари орқали шаклланган ПК-17 ёки ПК-10, ПК-10А шакллари асосида Миллий статистика қўмитаси ҳисоботларни юритади.

Бошқа ҳужжат пахта ва дон тайёрлаш тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш учун асос бўлмайди.

38. Харид режасининг бажарилгани ҳақидаги ҳисоботда ҳар бир хўжалик томонидан қабул қитанциялари асосида топширилган пахта ва доннинг кондицион вазни ҳисобга олинади.

39. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчидан пахта ва донни тилхат ёки бошқа турдаги қоғоз шаклдаги ҳужжатлар асосида қабул қилишга йўл қўйилмайди. Бу талаб пахта ва доннинг барча навларига, шу жумладан, алоҳида саралаб терилган, оиласи бўйича терилган ва тажрибавий уруғлик намуналари учун ҳам тааллуқлидир.

40. Ўн минг тоннадан зиёд пахта ва дон қабул қилиш ҳажмига эга бўлган ҳамда иккита алоҳида ҳудуди мавжуд тайёрлов масканларида пахта ва донни икки корхона томонидан қабул қилишни ташкил этиш мумкин.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бунда ҳар бир корхонада қабул қилувчи операторлар бошчилик қилади ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳулосасига асосан ижара шартномалари тузилади.

41. Пахта қабул қилиш куни соат 24:00 да якунланади ва кунлик ҳисоботлар физик вазнда юритилади.

Қабул қилинган техник ва уруғлик пахта хомашёси ҳажмлари тегишли ПК-17 қабул варақалари ва ҳисоб-фактуралар икки томонлама электрон рақамли имзо орқали расмийлаштирилгандан сўнг физик ва ҳисобга олинган вазнда «Hosil qabuli» АТда акс эттириб борилади. Манфаатдор идоралар ушбу тизим фойдаланувчилари сифатида кунлик ва мавсумий маълумотлардан фойдаланишлари мумкин.

5-боб. Электрон ҳужжатлар айланиши

42. Фойдаланувчи билан «Agrotarozi» АТдан фойдаланиш бўйича тузилган шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятлар электрон ҳужжатлар айланиши шаклида амалга оширилади.

43. Фойдаланувчи «Agrotarozi» АТдан фойдаланиш тўғрисидаги шартномани имзолаши билан бирга ушбу ахборот тизими орқали электрон ҳужжатлар айланишига ўз розилигини билдириши лозим.

44. «Agrotarozi» АТда электрон ҳужжатлар айланиши жараёнида электрон рақамли имзо калитларидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилади.

45. «Hosil qabuli» АТ Солиқ қўмитасининг ахборот тизимлари билан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда интеграция қилинади.

46. Тижорат банкларининг сўровига кўра, мижозлари ҳисобланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва қабул қилувчилар тўғрисидаги топширилган ҳамда қабул қилинган пахта ва дон ҳосили бўйича маълумотларни олиш ва фойдаланишлари учун техник оператор билан белгиланган тартибда тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

Тижорат банклари тўлов топшириқномалари ва ҳисоб-фактураларнинг расмийлаштирилган маълумотларидан фойдаланиши бундан мустасно.

47. Ушбу Низомнинг 11-бандида келтирилган ҳолатлар «Agrotarozi» АТда аниқланганда, интеграция орқали бошқа вазирлик ва идораларга маълум қилинади.

6-боб. «Agrotarozi» АТ бўйича техник хизматлар кўрсатиш

48. «Agrotarozi» АТ оператори қуйидаги техник хизматларни кўрсатиш мажбуриятини зиммасига олади:

фойдаланувчига «Agrotarozi» АТдан фойдаланиш бўйича маслаҳат бериш, ушбу ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича фойдаланувчининг мурожаатига жавоб қайтариш;

«Agrotarozi» АТнинг дастурий таъминотида юзага келган ва ушбу ахборот тизимининг функционал имкониятларини бажаришга таъсир кўрсатадиган хатоликларни қисқа вақтда бартараф этиш;

«Agrotarozi» АТда юзага келган узилишлар ва ушбу ахборот тизимига киритилган ўзгартиришлар тўғрисида фойдаланувчини ўз вақтида хабардор қилиш.

49. «Agrotarozi» АТ оператори зарур ҳолларда фойдаланувчига шартнома шартларида белгиланган мажбуриятларга асосан қўшимча техник ёрдам кўрсатиши мумкин.

50. «Agrotarozi» АТ техник оператор қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

«Agrotarozi» АТдан фойдаланиш даврида умумий фойдаланиш учун мўлжалланган алоқа тармоқларининг техник носозлиги, фойдаланувчининг интернет ахборот тармоғидан фойдаланишининг чекланиши, маълумотларни узатиш ва қабул қилиш жараёнидаги алоқа тармоқларидаги бошқа техник носозликлар;

фойдаланувчининг «Agrotarozi» АТга кириши учун масканда рухсатнинг чекланиши;

фойдаланувчининг аппарати ёки дастурий таъминотидаги техник носозликлар;

«Agrotarozi» АТ операторининг бевосита назорати остида бўлмаган бошқа ҳолатлар;

фойдаланувчи томонидан «Agrotarozi» АТга киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига, шунингдек, форс-мажор ҳолатларда.

7-боб. Якунловчи қоидалар

51. «Agrotarozi», «Hosil qabuli» ва «AgroDocs» АТларидан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган низо ва келишмовчиликлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

52. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

542 Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш ҳамда олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш, ўқишдан четлаштириш ва академик мобиллигини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Олий таълим ташкилотларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Олий таълим ташкилотларининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Олий таълим ташкилотлари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Олий таълим ташкилотлари талабаларининг академик мобиллигини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги республика олий таълим ташкилотларининг бакалавриат таълим йўналишлари бўйича қабул параметрларига таклифларни шакллантиришда қуйидагиларни назарда тутсин:

билимли ва иқтидорли ёшларнинг таълим олишлари учун имкониятларни кенгайтириш мақсадида давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларини ошириб бориш;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ҳамда уч ёшгача фарзанди бор аёл талабаларнинг таълим олишлари учун қулайлик яратиш мақсадида масофавий таълим шакли бўйича қабул параметрларини босқичма-босқич ошириб бориш.

5. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 15 сентябрда эълон қилинган.

ликаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 13 сентябрь,
578-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Олий таълим ташкилотларининг бакалавриатига ўқишга
қабул қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган давлат олий таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда — олий таълим ташкилотлари)нинг бакалавриатига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом ўқишга қабул қилиш жараёнлари алоҳида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинадиган олий таълим ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Олий таълим ташкилотларининг бакалавриатига қўйидаги параметрлар асосида ўқишга қабул қилинади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатлари билан тасдиқланган бакалавриат таълим йўналишлари бўйича давлат гранти, жумладан, таълим гранти асосидаги давлат буюртмаси параметрлари;

Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси (кейинги ўринларда — Давлат комиссияси) томонидан тасдиқланган олий таълим ташкилотлари, таълим шакллари ва тиллар кесимидаги бакалавриат таълим йўналишлари бўйича умумий қабул параметрлари.

3. Олий таълим ташкилотларининг мавжуд таълим шаклларига абитуриентлар Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон) натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича ўқишга қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари қўйидаги икки бўлимдан иборат бўлади:

биринчи бўлим — барча бакалавриат таълим йўналишлари учун мажбурий учта фан — она тили, математика ва Ўзбекистон тарихи фанларидан тест синовлари;

иккинчи бўлим — абитуриент танлаган бакалавриат таълим йўналишига мос иккита фандан тест синовлари ёки тест синовлари билан бир қаторда ўтказиладиган бакалавриат таълим йўналишига мос касбий (ижодий) имтиҳонлар.

Давлат гранти ва тўлов-контракт асосида қабул параметрлари доирасида ҳамда қабул параметрларидан ташқари абитуриентларни ўқишга қабул қилиш Давлат комиссияси томонидан ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Олий таълим ташкилотларига қабул тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва танлов асосида амалга оширилиб, кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган абитуриентлар таълим грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилинади. Қолган абитуриентлар тўплаган баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт асосидаги қабул параметрлари доирасида қабул қилиниши таъминланади.

Танлов:

давлат гранти учун — ҳар бир бакалавриат таълим йўналиши бўйича олий таълим ташкилотининг умумий қабул параметрига нисбатан давлат гранти квотасининг улуши асосида;

тўлов-контракт учун — ҳар бир олий таълим ташкилоти бўйича таълим йўналишлари, таълим тиллари ва таълим шаклларига кўра алоҳида;

мақсадли қабул учун — ҳар бир таълим йўналиши ва ҳудуд бўйича (ҳудудлар кесимида мақсадли қабул параметрлари тасдиқланган тақдирда) алоҳида ўтказилади.

Бунда олий таълим ташкилотининг умумий қабул параметрига нисбатан давлат грантининг бакалавриат таълим йўналишлари кесимида улушини тақсимлаш жараёнида қолдиги 0,5 дан кичик бўлган сонлар 0 га, 0,5 ва ундан юқори бўлган сонлар эса 1 га яхлитланади.

4. Абитуриент умумтаълим ташкилотида қайси тилда таҳсил олганидан қатъи назар, тест синовлари ва касбий (ижодий) имтиҳонни олий таълим ташкилотида ўқийдиган тилда топширади.

5. Айрим бакалавриат таълим йўналишлари бўйича тест синовлари билан бир қаторда касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказилади. Касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказиладиган таълим йўналишлари рўйхати тизимида олий таълим ташкилотлари бўлган вазирлик ва идоралар таклифлари асосида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

6. Махсус сиртки таълим шаклига фақат мос ёки турдош бакалавриат таълим йўналиши бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар, касбий таълим маълумоти ва бакалавриат таълим йўналишига мувофиқ соҳа, касб, лавозимларда камида уч йиллик амалий иш стажига (педагогик йўналишлар учун педагогик стажга) ҳамда ишлаб турган соҳа ташкилотларидан берилган тавсияномага эга бўлган, кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)дан муваффақиятли ўтган абитуриентлар ҳисобидан ўқишга қабул қилинади.

2-боб. Қабул комиссиялари фаолиятини ташкил этиш ва қабул жараёнларига тайёргарлик кўриш

7. Олий таълим ташкилотида ўқишга қабул жараёнларини ташкил этиш бўйича камида 9 нафар малакали мутахассислардан иборат таркибда қабул комиссияси (кейинги ўринларда — қабул комиссияси) тузилади.

Қабул комиссияси таркиби олий таълим ташкилоти Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Бунда олий таълим ташкилоти ректори (директори) лавозими бўйича қабул комиссияси раиси ҳисобланади.

Қабул комиссияси ва аъзоларининг вазифалари комиссия раиси томонидан белгиланади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда олий таълим ташкилотлари ректорлари (директорлари) жойларда кириш имтиҳонларини (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон) ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлайди.

3-боб. Абитуриентларни рўйхатдан ўтказиш

9. Олий таълим ташкилотининг бакалавриат таълим йўналишларига қўйидагилар абитуриент сифатида рўйхатдан ўтиши мумкин:

умумий ўрта таълим (ўн бир йиллик таълим) ташкилотини тугатган;

ўрта махсус таълим (тўққиз йиллик таянч ўрта ва икки йиллик ўрта махсус таълим) ташкилотини тугатган;

бошланғич касбий таълим (тўққиз йиллик таянч ўрта ва икки йиллик бошланғич касбий таълим) ташкилотини тугатган;

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни кучга киргунига (2020 йил 24 сентябрь) қадар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (тўққиз йиллик умумий ўрта ва уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълими) ташкилотини тугатган ва бу ҳақидаги тегишли ҳужжатга эга бўлган шахслар.

10. Олий таълим ташкилотларига қабул жараёнида абитуриентларни он-лайн рўйхатдан ўтказиш ҳамда якуний натижаларни олиш Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) расмий веб-сайти орқали икки босқичда амалга оширилади.

Бунда абитуриентлар:

биринчи босқичда ҳар йили 5 июндан 25 июнга қадар (25 июнь куни ҳам) тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси, таълим тили ва тест топшириш ҳудудини ҳамда кириш имтиҳонлари таркибиде касбий (ижодий) имтиҳон бўлса, ушбу имтиҳонни топширадиган олий таълим ташкилотини;

иккинчи босқичда тест синови тўлиқ якунлангандан сўнг 15 кун давомида олий таълим ташкилоти, бакалавриат таълим йўналиши, таълим шакли ва танлов устуворлигини танлайди.

Абитуриентларга тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси ва кет-

ма-кетлиги бир хил бўлган бештагача бакалавриат таълим йўналиши ҳамда таълим шакллари танлаш ҳуқуқи берилади. Бунда кириш имтиҳонлари таркибда касбий (ижодий) имтиҳон мавжуд бўлганда, абитуриентлар муайян бакалавриат таълим йўналиши бўйича бештагача олий таълим ташкилотини танлаши мумкин бўлади.

Абитуриентларга рўйхатдан ўтиш жараёнида белгилаган танлов устуворлиги («таълим гранти» ёки «таълим йўналиши») бўйича танлаган бакалавриат таълим йўналишлари кетма-кетлигида танловда иштирок этиш имконияти берилади.

11. Кўзи ожизлар тоифасига кирувчи абитуриентлар бир босқичда — ҳар йили 5 июндан 25 июнга қадар (25 июнь куни ҳам) рўйхатдан ўтказилади.

Бунда кўзи ожизлар тоифасига кирувчи абитуриентлар мазкур муддат давомида олий таълим ташкилоти, бакалавриат таълим йўналиши, таълим шакли ва таълим тилини танлайди.

12. Фанлар мажмуасида чет тили биринчи фан сифатида белгиланган таълим йўналишларига қабул хорижий тилни билиш бўйича камида B2 даражасидаги миллий ёки халқаро сертификат асосида амалга оширилади.

13. Абитуриентларни рўйхатга олишда умумий ўрта таълим ташкилотлари битирувчиларининг тугатган таълим ташкилоти тўғрисидаги маълумотлари Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда тизимида умумий ўрта ва касбий таълим ташкилотлари бўлган вазирлик ва идоралардан «Электрон ҳукумат» тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали реал вақт режимида олинади.

Абитуриентларнинг шахсини тасдиқловчи (паспорти ёки идентификация ID-картаси) ҳамда доимий яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар Ички ишлар вазирлигидан реал вақт режимида олинади.

14. Абитуриентларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган муддатлар тугагандан сўнг маълумотларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

15. Тест синовларида иштирок этиши учун абитуриентлардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида тўлов ундирилади.

Бунда тест синовлари ташкил этилаётган йилда таълим ташкилотларини тугатган абитуриентлар, ногиронлиги бўлган шахслар (I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ногиронлиги бўлган болалар), тўлиқ давлат таъминотидаги шахслар, «Камбағал оилалар реестри» ахборот модулида рўйхатга олинган шахслар ва уларнинг фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлардан тест синовларида иштирок этиш учун тўлов ундирилмайди.

Тўловни амалга оширмаган абитуриентларга тест синовлари ва касбий (ижодий) имтиҳонларда иштирок этиш учун рухсатнома шакллантирилмайди.

16. Талабаликка тавсия этилган абитуриентлар олий таълим ташкилоти қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ушбу Низомнинг 9-бандида қайд этилган ҳужжатлардан бирининг аслини (илоvasи билан бирга);

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзга эга бўлган абитуриентлар имтиёз ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг аслини.

4-боб. Касбий (ижодий) имтиҳонларни ўтказиш

17. Ягона кўп балли баҳолаш тизими бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланган таълим йўналишлари рўйхати ва уларга мос келувчи фанлар мажмуасига мувофиқ ўтказилади.

18. Касбий (ижодий) имтиҳонларнинг асосий мақсади абитуриентларнинг танланган бакалавриат таълим йўналиши бўйича ўқиш ва кейинчалик ишлаб кетиш имкониятларини аниқлаш, уларнинг танланган фанлар бўйича билим, касбий кўникмаларини (ижодий ва жисмоний қобилиятларини) баҳолашдир.

19. Касбий (ижодий) имтиҳон ҳар бир бакалавриат таълим йўналиши ва ўқитиш тили бўйича алоҳида ўтказилади.

Касбий (ижодий) имтиҳонлар фанлар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда амалий, ёзма, оғзаки шаклларда ўтказилиши мумкин.

Касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиладиган фанлар бўйича дастур, имтиҳонлар саволлари ва топшириқларининг мазмуни умумий ўрта (11-синф негизида), ўрта махсус таълим ташкилотлари дастурларига мувофиқлаштирилган бўлиши лозим.

20. Касбий (ижодий) имтиҳонлар ҳар йили абитуриентларни рўйхатдан ўтказиш якунлангандан бошлаб 20 июлга қадар (20 июль куни ҳам) олий таълим ташкилотлари томонидан ўтказилади.

Бунда абитуриентларнинг тест синовлари ва касбий (ижодий) имтиҳон топшириш вақтлари бир кунга тўғри келиб қолмаслиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, тизимида олий таълим ташкилотлари бўлган вазирлик ва идоралар ҳамда Агентлик томонидан мувофиқлаштирилади.

21. Тизимида олий таълим ташкилоти бўлган вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда олий таълим ташкилотлари ректорлари (директорлари) жойларда касбий (ижодий) имтиҳонларни ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини, шу жумладан, имтиҳонлар ўтказиладиган хоналарни кўргазмали воситалар, ўқув қуроллари ва ашёлар билан таъминлайди.

22. Олий таълим ташкилотида имтиҳонлар бошланишидан бир ҳафта олдин ректорнинг (директорнинг) буйруғи билан тегишли фанлар бўйича имтиҳонларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича камида 3 нафар тажрибали ва малакали профессор-ўқитувчилар ҳамда мутахассислардан иборат таркибда касбий (ижодий) имтиҳон комиссияси тузилади.

Касбий (ижодий) имтиҳонлар қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ ўтказилади.

Касбий (ижодий) имтиҳонларга ажратиладиган вақт қабул комиссиясининг қарори билан белгиланади.

Абитуриентларнинг ёзма (амалий) шаклда бажарадиган имтиҳон ишлари шифрлаш орқали текширилади ва баҳоланади.

23. Касбий (ижодий) имтиҳонлар ушбу Низом талабларига мувофиқ ўт-

казилиши ва имтиҳон жараёнлари видеотасвирга олиниши учун қабул комиссияси ҳамда касбий (ижодий) имтиҳон комиссияси аъзолари масъул ҳисобланади.

24. Касбий (ижодий) имтиҳон ишлари ҳамда жараёнларининг видеотасвирлари қабул комиссияларининг махсус хоналарида уч йил давомида сақланади ва ушбу муддат ўтганидан сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинади.

25. Қабул комиссияси касбий (ижодий) имтиҳонлар бошланишидан қаида бир ҳафта олдин имтиҳон дастури, баҳолаш мезони, маслаҳатлар ва имтиҳонлар жадвалини олий таълим ташкилотининг расмий веб-сайти орқали эълон қилади.

Бунда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ягона касбий (ижодий) имтиҳонлар дастурлари ҳамда баҳолаш мезонлари тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

26. Касбий (ижодий) имтиҳонлар тест синовлари мажмуаларидаги фаннинг эгаллаган ўрнига қараб, белгиланган энг кўп баллнинг 0 дан 100 фоизгача бўлган оралиғида ягона кўп балли тизим бўйича баҳоланади.

Агар касбий (ижодий) имтиҳон бакалавриат таълим йўналиши доирасидаги бир нечта мустақил фанлар бўйича ўтказиладиган бўлса, баҳолаш учун белгиланган балларнинг умумий миқдори ҳар бир фаннинг хусусиятларидан келиб чиқиб, дифференциал тартибда унинг таркибидаги фанларга бўлинади.

27. Касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказиладиган бинога киришда абитуриент лугат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб киришга ҳаракат қилса ёки олиб кирган бўлса, шунингдек, касбий (ижодий) имтиҳонлар давомида имтиҳон топшириқларини бошқа абитуриентга узатса ёки ёрдам берса, касбий (ижодий) имтиҳонлар учун ажратилган вақт тугаганидан сўнг имтиҳон материалларини топширишдан бош тортса, имтиҳон материалларини гуруҳдан ташқарига чиқарса, касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва касбий (ижодий) имтиҳон комиссияси томонидан далолатнома тузилиб, имтиҳондан четлаштирилади.

28. Тегишли бакалавриат таълим йўналишларига мувофиқ фанлар мажмуасидаги ҳар бир фан бўйича имтиҳон натижалари касбий (ижодий) имтиҳон хусусиятига қараб, имтиҳон ўтказилганидан кейин уч кун муддат ичида олий таълим ташкилоти расмий веб-сайтида эълон қилинади.

29. Жадвал бўйича касбий (ижодий) имтиҳонларга (имтиҳон босқичи ёки турига) келмаган абитуриентлар учун қайта касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказилмайди, улар навбатдаги босқич кириш имтиҳонларига қўйилмайди ҳамда ўқишга қабул қилинмайди.

30. Олий таълим ташкилоти ректори (директори)нинг буйруғи билан 3 нафардан кам бўлмаган таркибда соҳанинг етук мутахассислари ва олий таълим ташкилотининг тажрибали ходимлари, профессор-ўқитувчиларидан иборат апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси таркибига касбий (ижодий) имтиҳон комиссияси аъзоларининг киритилишига йўл қўйилмайди.

Имтиҳонни қабул қилган касбий (ижодий) имтиҳон комиссияси аъзоси апелляция жараёнида қатнашиб, ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга.

Апелляция шикоятлари имтиҳон натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат ичида қабул қилинади ва апелляция комиссияси томонидан уч кун муддат ичида кўриб чиқилади.

Абитуриент апелляция шикоятини кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Апелляция аризасининг кўриб чиқилиш вақти ва жойи ҳақида абитуриентга камида бир кун олдин хабар берилади.

31. Касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари фанлар кесимида алоҳида имтиҳон қайдномаларига киритилади.

Ушбу имтиҳон қайдномаларининг ҳар бири касбий (ижодий) имтиҳон комиссияси раиси ва қабул комиссиясининг масъул котиби томонидан имзоланади ҳамда муҳрланади.

32. Касбий (ижодий) имтиҳонларнинг якуний натижалари қайдномаси қабул комиссияси раиси ва масъул котиби томонидан имзоланади.

33. Касбий (ижодий) имтиҳон натижалари қабул комиссияси томонидан Агентликнинг махсус дастурига киритилади ҳамда ҳар йили 25 июлга қадар касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари қайдномалар асосида текширилиб, қабул комиссияси масъул котиби томонидан тасдиқланади.

5-боб. Тест синовларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш

34. Таълим йўналишлари рўйхати, уларга мос келувчи фанлар мажмуаси, тест топшириқлари сони, баҳолаш мезонлари ва жавоблар варақаси намунаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланади ҳамда тест синовлари бошланишидан камида олти ой олдин расмий веб-сайти орқали эълон қилинади.

Фанлар мажмуаси она тили ва адабиёт, математика, физика, кимё, биология, тарих, география, чет тили ва ҳуқуқшунослик фанлари бўйича шакллантирилади.

Абитуриент рўйхатдан ўтишда танлаган бакалаврият таълим йўналишининг фанлар мажмуасида чет тили фани мавжуд бўлса, тест синовини инглиз, немис, француз, испан, италян, турк, хитой, корейс, япон, араб, форс, дарий, урду, уйғур ва ҳиндий тилларидан бирида топшириши мумкин. Бунда мазкур чет тилларидан бири абитуриент томонидан рўйхатдан ўтишнинг биринчи босқичида танланади.

35. Тест топшириқлари умумий ўрта таълимнинг ўқув дастурлари асосида тузилади.

Тест топшириқлари рўйхатдан ўтишда тест топшириш тили сифатида ўзбек ёки қорақалпоқ тилини танлаган абитуриентлар учун латин алифбосида шакллантирилади.

36. Тест синовлари Агентлик томонидан мавжуд таълим шакллари учун

ҳар йили июль-август ойларида, қоида тариқасида, кунига икки сменада ўтказилади.

Тест синовларини ўтказиш ва рўйхатдан ўтишнинг иккинчи босқичини (абитуриент томонидан олий таълим ташкилоти, бакалавриат таълим йўналиши, таълим шакли ва танлов устуворлигини танлаш) амалга ошириш муддатлари Давлат комиссияси томонидан белгиланади ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва Агентликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

37. Тест синовлари Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги 261-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ўтказилади.

38. Абитуриентнинг тест синовида тўплаган баллари ҳақидаги маълумот тест синови ўтказилган куннинг эртасига, унинг талабалikka тавсия этилгани ёки этилмагани бўйича белгиланган тартибда тасдиқланган танлов натижаси рўйхатдан ўтишнинг иккинчи босқичи (абитуриент томонидан олий таълим ташкилоти, бакалавриат таълим йўналиши, таълим шакли ва танлов устуворлигини танлаш) тўлиқ яқунлангандан сўнг бир ҳафта муддат ичида Агентликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

6-боб. Бакалавриат таълим йўналишларига кириш учун белгиланган имтиёзларни қўллаш

39. Меҳрибонлик уйлари, кичик ҳажмли болалар уйлари, болалар шаҳарчалари, SOS — болалар маҳаллалари ва оилавий болалар уйлари**нинг** битирувчилари бўлган, шунингдек, васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олинган (патронат) етим болалар ҳамда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган, бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилгани сабабли ота-она ёки ёлғиз она қарамоғидан маҳрум бўлган, шунингдек, топиб олинган (ташлаб кетилган) ота-онаси номаълум бўлган болалар ҳамда никоҳда бўлмаган онанинг (ёлғиз онанинг) вафот этгани натижасида боқувчисиз қолган болалар (йигирма беш ёшга тўлганлар бундан мустасно) учун олий таълим ташкилотларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонига қўшимча равишда бир фоизгача давлат гранти асосидаги қабул параметрлари ажратилади.

Мазкур қабул параметрлари Давлат комиссияси томонидан олий таълим ташкилотлари, таълим шакллари кесимида тақсимланади.

40. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказиладиган тегишлича «Тарбиячи» ва «Ҳамшира» республика танловлари ғолиблари Давлат комиссиясининг қарори билан мос бакалавриат таълим йўналишларига танловдан ташқари кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)сиз қўшимча давлат гранти асосида қабул қилинади.

41. «Камбағал оилалар реестри»га киритилган оила фарзандлари учун бакалавриат таълим йўналишларига ажратилган давлат гранти асосидаги қа-

бул параметрларига нисбатан 10 фоизгача бўлган миқдорда қўшимча давлат гранти бўйича қабул параметрлари ажратилади.

«Камбағал оилалар реестри»га киритилган оила фарзандлари учун ажратиладиган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларининг бакалаврият таълим йўналишлари кесимидаги тақсимои Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Бунда муайян бакалаврият таълим йўналиши бўйича таълим грантига ўтиш баллининг 80 фоизи ва ундан юқори балл тўплаган «Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилаларнинг фарзандлари ажратилган давлат гранти асосидаги қабул параметрлари доирасида баллар кетма-кетлигига қатъий риоя қилинган ҳолда талабаликка тавсия этилади.

Мазкур имтиёз:

абитуриент рўйхатдан ўтишда танлаган биринчи бакалаврият таълим йўналишига нисбатан қўлланади;

муайян ўқув йили учун бакалаврият таълим йўналишига киришда Давлат комиссияси томонидан таълим грантига белгиланган минимал ўтиш балидан паст балл тўплаган абитуриентларга нисбатан қўлланмайди.

42. «В» ва ундан юқори даражадаги «A level» ҳамда 32 ва ундан юқори баллга тенг «International Baccalaureate» сертификатларига эга бўлган абитуриентлар сертификат берилган фан кириш имтиҳонлари таркибида мавжуд бакалаврият таълим йўналишлари бўйича олий таълим ташкилотларига базавий тўлов-контракт миқдори асосида қўшимча равишда ўқишга қабул қилинади.

Бунда абитуриент томонидан «International Baccalaureate» сертификатлари Агентликка электрон тарзда (IB Secure Website орқали) юборилиши лозим.

«College Board» ташкилоти томонидан ўтказиладиган «Scholastic Aptitude Test — SAT» халқаро имтиҳонида тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллининг 75 фоизи — 1200 балл ва ундан юқори натижадаги сертификатга эга абитуриентлар сертификат берилган фан кириш имтиҳонлари таркибида мавжуд бакалаврият таълим йўналишлари бўйича олий таълим ташкилотларига қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.

Бунда абитуриент томонидан «Scholastic Aptitude Test — SAT» сертификатлари Агентликка электрон тарзда (DI код орқали) юборилиши лозим.

43. Имтиҳонсиз қўшимча равишда давлат гранти асосида талабаликка тавсия этиш имтиёзига эга бўлган абитуриентлар Давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ таълим шаклидан қатъи назар, рўйхатдан ўтишда имтиёз амал қиладиган доирада, танлаган биринчи бакалаврият таълим йўналишига қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.

Бунда халқаро спорт мусобақалари ғолиблари жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бакалаврият таълим йўналишларига спорт турларининг соҳа бўйича мос келишига қатъий риоя қилинган ҳолда қўшимча давлат гранти асосида имтиҳонсиз ўқишга қабул қилинади.

44. Имтиёзларни қўллашда Давлат комиссияси томонидан белгиланадиган минимал ўтиш балларига қатъий амал қилинади.

45. Умумтаълим фанлари ва чет тилидан миллий ёки халқаро сертификатларнинг амал қилиш муддатини ҳисобга олишда абитуриент рўйхатдан ўтган сана инобатга олинади. Бунда:

умумтаълим фанларидан В+, В, С+, С даражадаги миллий сертификатга эга абитуриентлар рўйхатдан ўтишнинг биринчи босқичида ушбу сертификатдан мутахассислик фани учун фойдаланишни тасдиқлаши ёки рад этиши мумкин;

сертификатдан фойдаланишни тасдиқлаган абитуриент ушбу фандан тест синови топширмайди ва унга ушбу фандан сертификатдаги фоизга мос равишда балл берилади;

сертификатдан фойдаланишни рад этган абитуриент умумий тартибда тест синовида иштирок этади;

сертификат мажбурий фанлардан бири бўйича олинган бўлса, абитуриент сертификатдан мутахассислик фани учун фойдаланишни тасдиқлаши ёки рад этишидан қатъи назар, унга тегишли мажбурий фандан максимал балл берилади ва абитуриент ушбу мажбурий фан бўйича тест синови топширмайди;

умумтаълим фанлари (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти фанлари бундан мустасно) бўйича миллий ёки халқаро сертификатга эга абитуриентлар имтиҳонни қайси тилда топширишидан қатъи назар, белгиланган тартибда имтиёз қўлланилади.

46. Абитуриентларда бир тоифадаги икки ёки ундан ортиқ имтиёз мавжуд бўлса, имтиёзларнинг қўллаш кетма-кетлиги Агентлик томонидан белгиланади.

47. Алоҳида қабул параметрлари доирасида танловда иштирок этиш учун асос бўлувчи имтиёзга эга абитуриентлар (ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда йигирма беш ёшга тўлмаган Меҳрибонлик уйлари, кичик ҳажмли болалар уйлари, болалар шаҳарчалари, SOS — болалар маҳаллалари ва оилавий болалар уйларининг битирувчилари бўлган, шунингдек, васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олинган (патронат) етим болалар ҳамда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилингани, бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилгани сабабли ота-она ёки ёлғиз она қарамоғидан маҳрум бўлган, шунингдек, топиб олинган (ташлаб кетилган) ота-онаси номаълум бўлган болалар ҳамда никоҳда бўлмаган онанинг (ёлғиз онанинг) вафот этгани натижасида боқувчисиз қолган болалар бундан мустасно) улар учун ажратилган алоҳида қабул параметрлари доирасида, танлаган биринчи бакалавриат таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этади. Бунда:

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси учун танловни амалга оширишда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилмайди;

биринчи олий таълим ташкилоти сифатида Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясини танлаган абитуриентлар, истисно тариқасида, иккинчи (танлов) сифатида танлаган олий таълим ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бўлганда эса кетма-кетлик бўйича навбатдаги олий таълим ташкилоти) учун ажратилган алоҳида қабул параметрлари доирасида танловда иштирок этади;

алоҳида қабул параметрлари доирасида танловда қатнашиб, талабаликка тавсия этилмаган абитуриентлар рўйхатдан ўтишда танланган бакалаврият таълим йўналишлари бўйича умумий тартибда танловда иштирок этади.

48. Имтиёз билан давлат гранти асосида талабаликка тавсия этилган абитуриентларга (кейинги муддатларда) ушбу имтиёздан такроран фойдаланишига йўл қўйилмайди.

Давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида талабаликка қабул қилинган абитуриентларнинг иккинчи марта мазкур таълим босқичида давлат гранти асосида олий таълим олишига рухсат этилмайди.

49. Имтиёзга эга бўлган абитуриентлар олий таълим ташкилотларига Давлат комиссияси томонидан ҳар йили 1 майга қадар тасдиқланадиган олий таълим ташкилотларининг бакалавриятига ўқишга кириш учун бериладиган имтиёзларнинг ягона реестрига мувофиқ ўқишга қабул қилинади.

50. Имтиёзга эга абитуриентлар тўғрисидаги маълумотлар ҳар йили 1 июнга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан Агентликнинг махсус ахборот тизимига киритиб борилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар, жумладан, кўзи ожиз шахсларнинг маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг тегишли ахборот тизимидан реал вақт режимида олинади.

51. Агентлик ҳар йили абитуриентларни рўйхатга олишнинг иккинчи босқичи яқунлангандан сўнг имтиҳонсиз қўшимча давлат гранти асосида талабаликка тавсия этиш имтиёзига эга бўлган абитуриентлар тўғрисидаги маълумотларни Давлат комиссиясига тақдим этади.

52. Янги жорий этиладиган имтиёзларнинг қўлланиш тартиби ва механизми мажбурий тартибда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Агентлик билан келишилади.

7-боб. Мақсадли қабул параметрларига ўқишга қабул қилиш

53. Мақсадли қабул параметрлари ажратилган таълим йўналишларини танлаган абитуриентлар ҳар бир бакалаврият таълим йўналиши бўйича дастлаб мақсадли, сўнгра умумий қабул параметрлари доирасида танловда иштирок этади.

Бунда:

давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳар йили 15 майдан 1 июнга қадар кадрларга бўлган ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, мақсадли қабул квотасига таклифларни таълим йўналишлари кесимида Давлат комиссиясига тақдим этади;

Давлат комиссияси мавжуд давлат буюртмаси параметрларидан келиб чиқиб, ҳудудлар ва таълим йўналишлари кесимида мақсадли қабул параметрларини тасдиқлайди;

мақсадли қабул параметрлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармойиши билан тасдиқланадиган давлат олий таълим таш-

килотларига бакалавриятнинг кундузги таълим шакли бўйича давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрлари доирасида ажратилади;

мақсадли қабул параметрлари доирасида талабаликка тавсия этилган абитуриентлар билан манфаатдор туман (шаҳар) ҳокимлиги, тегишли давлат органи (ташкilotи) ҳамда олий таълим ташкilotи ўртасида тўрт томонлама шартнома тузилади;

мақсадли қабул параметри доирасида тахсил олган талабани иш билан таъминлаш ва унинг ўқишни якунлагандан сўнг муайян ҳудудда (ташкilotда) ишлаб беришини мониторинг қилиш ҳар бир кадрлар буюртмачилари (тегишли давлат органи ёки ташкilotи) зиммасига юкланади.

54. Абитуриент мақсадли қабул параметрлари доирасида талабаликка тавсия этилган тақдирда, умумий қабул параметрлари доирасида танловда иштирок этмайди.

55. Олий таълим ташкilotлари учун белгиланган қабул параметрлари таркибида ҳудудлар кесимида мақсадли қабул параметрлари тасдиқланган таълим йўналишларига қабул муайян ҳудудда доимий яшайдиган (рўйхатга олинган доимий яшаш жойи бўйича), белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)дан муваффақиятли ўтган абитуриентлар ҳисобидан амалга оширилади.

8-боб. Кўзи ожиз абитуриентларни ўқишга қабул қилишнинг ўзига хос жиҳатлари

56. Кўзи ожизлар тоифасига қуйидаги абитуриентлар киради:

а) умумий ўрта (ўн бир йиллик таълим), ўрта махсус (тўққиз йиллик таянч ўрта ва икки йиллик ўрта махсус таълим), бошланғич касбий таълим (тўққиз йиллик таянч ўрта ва икки йиллик бошланғич касбий таълим), шунингдек, «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни кучга киргунига (2020 йил 24 сентябрь) қадар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (тўққиз йиллик умумий ўрта ва уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълими) ташкilotини тугатганлиги ҳақидаги ҳужжатга ҳамда кўзи бўйича 1-гуруҳ ногиронлиги тўғрисида белгиланган шаклдаги маълумотномага эга бўлган шахслар;

б) кўзи бўйича 2-гуруҳ ногиронлиги тўғрисида белгиланган шаклдаги маълумотномага эга бўлган қуйидаги шахслар:

махсус мактаб-интернатлар томонидан кўзи ожизлар учун берилган ўрта таълим (11-синф негизида) етуқлик аттестатига эга бўлган;

имконияти чекланган шахслар учун ихтисослашган бошланғич касбий таълим ташкilotлари (касб-ҳунар коллежлари) томонидан кўзи ожизлар учун берилган дипломга эга бўлган;

9 йиллик кўзи ожизлар махсус мактаб-интернатида ўқиган ва ўрта махсус ёки касб-ҳунар ёхуд бошланғич касбий таълим ташкilotлари дипломига эга бўлган.

57. Кўзи ожиз абитуриентлар олий таълим ташкilotларига кириш имтиҳонларини таълим йўналишлари бўйича фанлар мажмуасига мос келув-

чи кўп балли ёки беш балли баҳолаш тизими бўйича, анъанавий шаклда топширадilar.

58. Фанлар бўйича кириш имтиҳонларини ўтказиш шакли (ёзма ёки оғзаки) қабул комиссияси томонидан белгиланади.

59. Кўзи ожиз абитуриентлар билан тушунтириш ишларини олиб бориш учун қабул комиссияси томонидан махсус масъул ходим ажратилади.

60. Қабул комиссияси раиси кириш имтиҳонларини ўтказиш учун фанлар бўйича комиссияларни ташкил этади.

61. Фан бўйича кириш имтиҳонларининг дастурлари ва баҳолаш мезонлари умумий ўрта таълимнинг умумтаълим фанлари дастурларига тўла мувофиқ ҳолда тузилади ва қабул комиссияси томонидан тасдиқланади.

62. Фан комиссияси таркибига кўзи ожизлар ёки ногиронлар жамиятининг вакили киритилади.

63. Қабул комиссияси кўзи ожиз абитуриентлар учун кириш имтиҳонлари фанлари бўйича махсус тузилган жадвалга биноан маслаҳатлар ташкил этади.

64. Кўзи ожиз абитуриентлар учун кириш имтиҳонлари ҳар йили июль ойида қабул комиссиялари томонидан белгиланиб, эълон қилинган муддатларда ўтказилади.

65. Олий таълим ташкилотлари ректорлари (директорлари) жойларда кўзи ожиз абитуриентларнинг кириш имтиҳонларини ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлайди.

66. Кўзи ожиз абитуриентларнинг кириш имтиҳонларини ушбу Низом талабларига мувофиқ ўтказилиши ва имтиҳон жараёнлари видеотасвирга олиниши учун қабул комиссияси ҳамда фан бўйича имтиҳон комиссияси аъзолари масъул ҳисобланади.

Имтиҳон жараёнларининг видеотасвирлари қабул комиссияларининг махсус хоналарида уч йил сақланади ва ушбу муддат ўтганидан сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинади.

67. Олий таълим ташкилоти ректори (директори)нинг буйруғи билан кўзи ожиз абитуриентлар учун ўтказиладиган имтиҳонлар даврида белгиланган тартибда апелляция шикоятларини кўриб чиқиш бўйича 3 нафардан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

68. Апелляция шикоятлари имтиҳон натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат ичида қабул қилинади ва апелляция комиссияси томонидан уч кун муддат ичида кўриб чиқилади.

69. Олий таълим ташкилотлари томонидан кўзи ожиз абитуриентлар ва кириш имтиҳонлари натижалари ҳақидаги маълумотлар Давлат комиссиясига киритиш учун кириш имтиҳонлари якунлангандан сўнг уч кун муддат ичида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига тақдим этилади.

70. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган (кўп балли тизимда баҳоланганда — максимал баллнинг 55 фоизи ва ундан юқори балл олган, беш балли баҳолаш тизимида баҳоланганда — «3», «4» ёки «5» баҳо олган) абитуриентлар Давлат комиссияси қарорига мувофиқ олий таълим ташки-

лоти ректори (директори)нинг буйруғи билан танловсиз, қўшимча давлат гранти асосида талабаликка қабул қилинади.

Абитуриент томонидан ушбу Низомнинг 56-бандига мувофиқ кўзи ожизлар тоифасига киришини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асли (ногиронлик тўғрисида белгиланган шаклдаги маълумотноманинг асли кўрсатилади) қабул комиссиясига тақдим этилмаслиги олий таълим ташкилоти томонидан ушбу абитуриентни ўқишга қабул қилиш бўйича буйруқнинг расмийлаштирилмаслигига асос бўлади.

9-боб. Абитуриентларни тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш, ўқиш учун тўлов тартиби ва миқдори

71. Абитуриентларни олий таълим ташкилотларига тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш белгиланган тартибда тасдиқланган қабул параметрлари доирасида ягона қабул қоидалари асосида кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон)нинг баллар рейтинги бўйича Давлат комиссияси томонидан амалга оширилади.

Давлат комиссияси томонидан абитуриентларни тўлов-контракт асосида талабаликка тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг олий таълим ташкилоти билан юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида белгиланган тартибда шартнома (контракт) расмийлаштирилади.

Белгиланган намунадаги шартнома бланкалари Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг «kontrakt.edu.uz» электрон платформаси орқали олий таълим ташкилоти томонидан абитуриентларнинг талабаликка тавсия этилгани эълон қилинган кундан бошлаб берилади.

Тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилган абитуриентлар учун белгиланган тўлов миқдорининг камида 25 фоизи ҳар йили 15 сентябрдан ёки Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатдан кечиктирилмасдан тўланиши лозим.

Шартнома шартлари ва томонларнинг мажбуриятлари, уларнинг амалга оширилиши тартиби қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

72. Олий таълим ташкилотлари мавжуд илмий-педагогик салоҳияти ва талабалар учун сифатли таълим жараёнини ташкил этиш имкониятини берадиган моддий-техник базасидан ҳамда танлов ва тўпланган баллар миқдоридан келиб чиқиб, умумий белгиланган қабул параметрларидан ташқари қўшимча (кейинги ўринларда — қўшимча қабул) ва табақалаштирилган тўлов-контракт асосида абитуриентларни ўқишга қабул қилиши мумкин.

73. Олий таълим ташкилотлари қўшимча қабулни Давлат комиссияси қарори билан белгиланган қабул кўрсаткичларига мувофиқ тўплаган баллари Давлат комиссияси томонидан белгиланадиган минимал баллдан кам бўлмаган ва асосий қабул чегараларига 4 баллгача етмаган абитуриентлар орасидан баллар кетма-кетлигига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширади.

Бунда тўлов-контракт миқдори амалда ўрнатилган базавий тўлов-контракт миқдорига нисбатан қуйидаги миқдорларда белгиланади:

1,05 баллгача етмаган абитуриентлар учун — базавий тўлов-контракт миқдорининг 1,5 баробари;

1,06 баллдан 2,05 баллгача етмаган абитуриентлар учун — базавий тўлов-контракт миқдорининг 2,0 баробари;

2,06 баллдан 3,05 баллгача етмаган абитуриентлар учун — базавий тўлов-контракт миқдорининг 2,5 баробари;

3,06 баллдан 4,05 баллгача етмаган абитуриентлар учун — базавий тўлов-контракт миқдорининг 3,0 баробари.

Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатларда ушбу миқдорлар бўйича тўлов-контракт шартларининг биринчи ўқув йили учун камида 50 фоизи бажарилгандан сўнг абитуриент олий таълим ташкилоти ректори (директори)нинг буйруғи билан ўқишга қабул қилинади.

74. Кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон)да тўплаган баллари Давлат комиссияси томонидан белгиланадиган минимал баллдан кам бўлмаган, белгиланган қабул параметрлари доирасида ҳамда қўшимча қабул асосида қабул қилинмаган ва ўқиш истагини билдирган абитуриентларга биринчи ўқув йилида амалда ўрнатилган тўлов-контракт миқдориға нисбатан Давлат комиссияси томонидан белгиланадиган табақалаштирилган тўлов-контракт миқдорида тўловни амалга ошириш шарти билан ўқишга кириш ҳуқуқи берилади.

Бунда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги олий таълим ташкилотларига кириш учун белгиланган қабул чегарасидан кам балл тўплаган абитуриентлар учун табақалаштирилган тўлов-контракт миқдори муайян бакалавриат таълим йўналиши учун белгиланган тўлов-контракт миқдорининг 50 фоизи миқдорида белгиланиши мумкин.

Табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқиш истагини билдирган абитуриент Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатларда тўлов-контракт шартларининг биринчи ўқув йили учун камида 50 фоизини бажаргандан сўнг олий таълим ташкилоти ректори (директори)нинг буйруғи билан ўқишга қабул қилинади.

Табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган талаба ўқишнинг биринчи босқичида талабалар сафидан четлаштирилган тақдирда, ўқишини тиклашида табақалаштирилган тўлов-контракт миқдорининг қолган қисмини тўлаши талаб этилади.

75. Олий таълим ташкилотларига қўшимча ва табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қабул қилинган талабалар биринчи ўқув йилини муваффақиятли тугатгандан сўнг кейинги ўқув йилидан бошлаб умумий белгиланган тартибда ўқишини давом эттиради.

10-боб. Ўқишга қабул қилиш тартиби

76. Қўйидаги ҳолатларда абитуриентларнинг олий таълим ташкилотларига ўқишга кириш учун ўтказиладиган танловда иштирок этишига рухсат этилмайди ва ўқишга қабул қилинмайди:

тест синовида иштирок этмаган (тест синовлари билан бир қаторда ўтказиладиган касбий (ижодий) имтиҳонларда иштирок этганлигидан қатъи назар);

касбий (ижодий) имтиҳонларда (ёки бир турида) иштирок этмаган (тест синовида иштирок этганлигидан қатъи назар);

олий ҳарбий таълим ташкилотларига ҳужжат топшириб, талабаликка тавсия этилган;

«Чақириққача ҳарбий таълим» таълим йўналишига киришда касбий (ижодий) имтиҳонларда тўплаш мумкин бўлган максимал баллнинг 33,3 фоизидан кам балл тўплаган.

Мазкур тартиб қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган имтиёз асосида кириш имтиҳонларидан (ёки бир туридан) озод этилган абитуриентларга нисбатан муайян имтиҳон (ёки тури) бўйича қўлланмайди.

77. Танлов кириш имтиҳонларининг (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон) фанлар мажмуаси ва ундаги фанлар кетма-кетлигининг мослиги, абитуриент белгиланган танлов устуворлиги ва бакалавриат таълим йўналишлари кетма-кетлиги асосида ўтказилади.

Бунда кириш имтиҳонлари (касбий (ижодий) имтиҳон, тест синовлари) натижаларига кўра битта бакалавриат таълим йўналиши (таълим шакли ва таълим тилини инобатга олган ҳолда) бўйича охирги қабул ўрни учун икки ёки ундан кўп абитуриентнинг тўплаган умумий баллари тенг бўлиб қолганда, ушбу тенг балли абитуриентларнинг барчаси мазкур бакалавриат таълим йўналишига мос равишда давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида талабаликка тавсия этилади.

78. Тест синовлари натижалари бўйича танловлар қуйидаги тартибда ўтказилади:

а) «Таълим гранти» устуворлигини танлаган абитуриентлар учун:

абитуриентнинг тўплаган баллари у танлаган биринчи бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим гранти асосида ўқишга қабул қилишга етарли бўлган тақдирда, унинг тест синови натижалари ушбу бакалавриат таълим йўналишида эълон қилинади ва унга танлаган иккинчи — бешинчи бакалавриат таълим йўналишлари бўйича танловда иштирок этишга рухсат этилмайди;

абитуриентнинг тўплаган баллари у танлаган биринчи бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим гранти асосида ўқишга қабул қилишга етарли бўлмай, у танлаган иккинчи бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим гранти асосида ўқишга қабул қилишга етарли бўлган тақдирда, унинг тест синови натижалари ушбу бакалавриат таълим йўналишида эълон қилинади ва унга танлаган учинчи — бешинчи бакалавриат таълим йўналишлари бўйича танловда иштирок этишга рухсат этилмайди;

абитуриентнинг тўплаган баллари у танлаган биринчи ва иккинчи бакалавриат таълим йўналишлари бўйича таълим гранти асосида ўқишга қабул қилишга етарли бўлмай, у танлаган учинчи бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим гранти асосида ўқишга қабул қилишга етарли бўлган тақдирда, унинг тест синови натижалари ушбу бакалавриат таълим йўналишида эълон қилинади ва унга танлаган тўртинчи ва бешинчи бакалавриат таълим йўналишлари бўйича танловда иштирок этишга рухсат этилмайди;

абитуриентнинг тўплаган баллари у танлаган биринчи — учинчи бакалавриат таълим йўналишлари бўйича таълим гранти асосида ўқишга қабул қилишга етарли бўлмай, у танлаган тўртинчи бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим гранти асосида ўқишга қабул қилишга етарли бўлган тақдирда, унинг тест синовии натижалари ушбу бакалавриат таълим йўналишида эълон қилинади ва унга танлаган бешинчи бакалавриат таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этишга рухсат этилмайди;

абитуриентнинг тўплаган баллари у танлаган биринчи — тўртинчи бакалавриат таълим йўналишлари бўйича таълим гранти асосида ўқишга қабул қилишга етарли бўлмай, у танлаган бешинчи бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим гранти асосида ўқишга қабул қилишга етарли бўлган тақдирда, унинг тест синовии натижалари ушбу бакалавриат таълим йўналишида эълон қилинади;

абитуриент биринчи — бешинчи бакалавриат таълим йўналишларидан бирига таълим гранти асосида талабалikka тавсия этилган тақдирда, унга танлаган бакалавриат таълим йўналишлари бўйича тўлов-контракт асосида танловда иштирок этишга рухсат этилмайди;

абитуриентнинг тўплаган баллари у танлаган биринчи — бешинчи бакалавриат таълим йўналишлари бўйича таълим гранти асосида ўқишга қабул қилишга етарли бўлмаган тақдирда, танлаган бакалавриат таълим йўналишлари доирасида тўлов-контракт асосида мазкур банднинг «а» кичик банди иккинчи — олтинчи хатбошиларида келтирилган кетма-кетлик бўйича танловда иштирок этади;

б) «Таълим йўналиши» устуворлигини танлаган абитуриентлар учун:

абитуриентнинг тўплаган баллари у танлаган биринчи бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим гранти ёки тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилишга етарли бўлган тақдирда, унинг тест синовии натижалари ушбу бакалавриат таълим йўналишида эълон қилинади ва унга танлаган иккинчи — бешинчи бакалавриат таълим йўналишлари бўйича танловда иштирок этишга рухсат этилмайди;

абитуриентнинг тўплаган баллари у танлаган биринчи бакалавриат таълим йўналиши бўйича ўқишга қабул қилишга етарли бўлмай, у танлаган иккинчи бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим гранти ёки тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилишга етарли бўлган тақдирда, унинг тест синовии натижалари ушбу бакалавриат таълим йўналишида эълон қилинади ва унга танлаган учинчи — бешинчи бакалавриат таълим йўналишлари бўйича танловда иштирок этишга рухсат этилмайди;

абитуриентнинг тўплаган баллари у танлаган биринчи ва иккинчи бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқишга қабул қилишга етарли бўлмай, у танлаган учинчи бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим гранти ёки тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилишга етарли бўлган тақдирда, унинг тест синовии натижалари ушбу бакалавриат таълим йўналишида эълон қилинади ва унга танлаган тўртинчи ва бешинчи бакалавриат таълим йўналишлари бўйича танловда иштирок этишга рухсат этилмайди;

абитуриентнинг тўплаган баллари у танлаган биринчи — учинчи бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқишга қабул қилишга етарли бўлмай, у танлаган тўртинчи бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим гранти ёки тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилишга етарли бўлган тақдирда, унинг тест синовии натижалари ушбу бакалавриат таълим йўналишида эълон қилинади ва унга танлаган бешинчи бакалавриат таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этишга рухсат этилмайди;

абитуриентнинг тўплаган баллари у танлаган биринчи — тўртинчи бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқишга қабул қилишга етарли бўлмай, у танлаган бешинчи бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим гранти ёки тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилишга етарли бўлган тақдирда, унинг тест синовии натижалари ушбу бакалавриат таълим йўналишида эълон қилинади.

Абитуриентнинг тўплаган баллари у танлаган биринчи-бешинчи бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқишга қабул қилишга етарли бўлмаган тақдирда, унинг тест синовии натижалари биринчи бакалавриат таълим йўналишида эълон қилинади.

Бештадан кам бакалавриат таълим йўналишини танлаган абитуриентлар, ўзлари танлаган бакалавриат таълим йўналишларида мазкур бандда белгиланган тартибга мос равишда танловда иштирок этади.

79. Давлат комиссиясининг абитуриентларни олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб олий таълим ташкилотлари:

бир ҳафта муддатда абитуриентларнинг дарсларга қатнашишига рухсат бериш тўғрисидаги буйруқ (фармойиш);

ушбу Низомнинг 9-бандида қайд этилган ҳужжатлар олий таълим ташкилоти қабул комиссиясига тақдим этилгандан сўнг талабалар сафига қабул қилиш ҳақидаги буйруқларни расмийлаштиради.

Тўлов-контракт асосида талабаликка тавсия этилган абитуриентларни 2 сентябрдан бошлаб дарсларга қатнашишга рухсат этиш тўғрисида олий таълим ташкилоти ректори (директори)нинг буйруғи (фармойиши) расмийлаштирилади.

Тўлов-контракт асосида абитуриентларни ўқишга қабул қилиш юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ўқиш учун шартномада белгиланган тўлов миқдори ҳар йили 15 сентябрдан ёки Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатлардан кечиктирилмай тўлангандан сўнг, олий таълим ташкилоти ректори (директори)нинг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Абитуриент томонидан ушбу Низомнинг 9-бандида қайд этилган ҳужжатлар қабул комиссиясига тақдим этилмаслиги олий таълим ташкилотининг ушбу абитуриентни ўқишга қабул қилмаслигига асос бўлади.

80. Абитуриент томонидан тақдим этилган (топширилган) ҳужжатларнинг қалбакилиги аниқланган тақдирда, абитуриент кириш имтиҳонларидан (талабаликка қабул қилинган бўлса, олий таълим ташкилоти талабалари сафидан) четлаштирилади ҳамда бу ҳақда белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари хабардор қилинади.

11-боб. Хорижий фуқароларни ўқишга қабул қилиш

81. Хорижий фуқаролар олий таълим ташкилоти томонидан ўтказиладиган суҳбат натижасига кўра тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади.

Хорижий фуқаролар олий таълим ташкилотлари томонидан бир ўқув йилида, қоида тариқасида, икки маротаба ўқишга қабул қилиниши мумкин.

82. Олий таълим ташкилотларига умумий ўрта ёки ўрта махсус, касбий таълим, касб-ҳунар таълими маълумотига ёки унга тенглаштирилган маълумотга эга хорижий фуқаролар қабул қилинади.

83. Хорижий фуқароларни тўлов-контракт асосида ўқитиш қиймати тегишли бакалавриат таълим йўналиши ва мутахассислик учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан белгиланган базавий тўлов-контракт миқдоридан кам бўлмаган миқдорда муайян олий таълим ташкилоти томонидан бўйсунуви бўйича вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда мустақил белгиланади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

84. Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилинган хорижий фуқароларни ўқитиш таълим дастурларида назарда тутилган тилларда олиб борилади.

85. Ўқишни муваффақиятли тугатган хорижий фуқарога белгиланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги тегишли ҳужжат (диплом) берилади.

12-боб. Якунловчи қоида

86. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Олий таълим ташкилотларининг магистратурасига ўқишга
қабул қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган давлат олий таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда — олий таълим ташкилотлари)нинг магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом ўқишга қабул қилиш жараёнлари алоҳида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинадиган олий таълим ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Олий таълим ташкилотларининг магистратурасига қуйидаги параметрлар асосида ўқишга қабул қилинади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатлари билан тасдиқланган давлат грантлари асосидаги қабул параметрлари;

Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси (кейинги ўринларда — Давлат комиссияси) томонидан тасдиқланган олий таълим ташкилотлари ва тиллар кесимидаги магистратура мутахассисликлари бўйича қабул параметрлари.

3. Олий таълим ташкилотларининг магистратурасида ўқитиш тили белгиланган қабул параметрлари доирасида ҳужжатлар қабул қилингунга қадар вазирлик ва идоралар таклифларига мувофиқ Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

4. Магистратурага ўқишга қабул қилиш жараёнлари олий таълим ташкилоти қабул комиссияси (кейинги ўринларда — қабул комиссияси) томонидан мувофиқлаштирилади. Бунда магистратурага ўқишга қабул қилиш бўйича қабул комиссияси масъул котибининг ўринбосари тайинланади.

5. Абитуриент тамомлаган бакалавриат таълим йўналишига мос ёки турдош магистратура мутахассислиги бўйича ўқишга қабул қилинади.

Абитуриент тамомлаган муайян бакалавриат таълим йўналиши негизидаги магистратура мутахассислиги мос мутахассислик ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) ҳар йили 1 июлга қадар олий таълим ташкилотлари магистратурасига қабул қилиш бўйича турдош олий таълим йўналишларининг рўyxатини тасдиқлайди ҳамда Вазирликнинг расмий веб-сайти орқали эълон қилади.

2-боб. Абитуриентларни рўyxатдан ўтказиш

6. Магистратурага танловлар бошланишидан бир ой олдин қабул комис-

сияси магистратурага қабул қилиш муддатлари, мутахассисликлар номлари ва ажратилган ўринлар ҳақидаги ахборотни олий таълим ташкилотининг расмий веб-сайти орқали эълон қилади.

7. Абитуриентлар олий таълим ташкилотлари магистратурасига ўқишга кириш учун Вазирликнинг расмий веб-сайти ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан бири (кейинги ўринларда — электрон платформа) орқали рўйхатдан ўтади.

Абитуриентлар ҳар йили 1 июлдан 30 июлгача (30 июль куни ҳам) рўйхатдан ўтказилади.

Абитуриентлар рўйхатдан ўтиш учун қуйидаги ҳужжатларни электрон платформага юклайди:

а) олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат нусхаси (ёки дипломдан кўчирма нусха — олий таълим ташкилотларини давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар учун) ҳамда унга илова нусхаси.

Бунда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим ташкилоти томонидан берилган диплом маълумотлари (ўртача балли билан) Вазирликнинг «Олий таълим жараёнларини бошқариш — HEMIS» ахборот тизимида автоматик равишда шакллантирилиши сабабли ушбу тоифадаги диплом ва унинг иловасини электрон платформага юклаш талаб этилмайди;

б) хорижий тилни билиш бўйича белгиланган даражадаги сертификат нусхаси, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ танловдан ташқари магистратурага кириш бўйича имтиёзга эга абитуриентлар бундан мустасно.

Бунда хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи миллий ёки халқаро сертификатлар қуйидаги даражаларда талаб этилади:

хорижий тиллар йўналишлари бўйича — камида C1 даражасида;

гуманитар, биологик ва турдош фанлар, математика ва статистика, бизнес ва бошқарув, ҳуқуқ, хизмат кўрсатиш, ижтимоий ва ҳуқ-атворга мансуб фанлар, журналистика ва ахборот, ахборот-коммуникация технологиялари таълим соҳалари бўйича — камида B2 даражасида;

бошқа таълим соҳалари ҳамда маданият ва спорт мутахассисликлари бўйича — камида B1 даражасида;

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ имтиёзга эга бўлган абитуриентларнинг имтиёз ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

8. Магистратурага қабул бўйича рўйхатдан ўтган абитуриентларнинг ҳужжатлари ҳар йили 10 августгача қабул комиссиялари томонидан кўриб чиқилади ва уларнинг аризалари қабул қилингани электрон платформадаги шахсий кабинетлари орқали маълум қилинади.

Аризаси қабул қилинмаган абитуриентларга аризани қабул қилишни рад этиш сабаби кўрсатилган ҳолда электрон платформадаги шахсий кабинетлари орқали маълум қилинади.

9. Электрон платформа орқали рўйхатдан ўтган абитуриентлар аризаси ҳолатини ўзларининг шахсий кабинети орқали кузатиб боради.

10. Абитуриент томонидан белгиланган муддатда рўйхатдан ўтишда электрон платформага талаб этилган маълумотлар ва ҳужжатлар аслига мос ҳамда

тўлиқ белгиланган талабларга мувофиқ киритилганда, қабул комиссияси томонидан ҳужжатларни қабул қилиш рад этилишига йўл қўйилмайди.

3-боб. Танловни ўтказиш

11. Магистратурага давлат гранти ва тўлов-контракт асосида, абитуриентларнинг бакалавриат дипломи бўйича тўплаган баллари ўртача кўрсаткичининг кетма-кетлигига кўра Давлат комиссияси томонидан ўқишга қабул қилинади.

Магистратурага қабул тегишли бакалавриат таълим йўналиши ва Вазирлик томонидан белгиланган турдош (магистратурага қабул бўйича) олий таълим йўналишлари рўйхати бўйича бакалавр даражасига ҳамда хорижий тилни билиш бўйича белгиланган даражадаги сертификатга эга бўлган шахслар ўртасида танлов асосида амалга оширилади.

Танлов ҳар бир олий таълим ташкилоти бўйича магистратура мутахассислиги, ўқитиш тили ва шаклига кўра алоҳида ўтказилади. Айрим магистратура мутахассисликлари бўйича ҳудудлар кесимида, шунингдек, кадрлар буюртмачилари кесимида мақсадли қабул параметрлари тасдиқланган тақдирда, танлов ҳар бир ҳудуд, шунингдек, кадрлар буюртмачилари (олий таълим ташкилоти) бўйича алоҳида ўтказилади.

12. Магистратурага қабул барча учун тенг ҳуқуқлилиқ, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, бакалавриат дипломи бўйича тўплаган баллари ўртача кўрсаткичи энг юқори бўлган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниши таъминланади. Қолган абитуриентлар бакалавриат дипломи бўйича тўплаган баллари ўртача кўрсаткичи кетма-кетлигига кўра белгиланган тўлов-контракт асосидаги қабул параметрлари доирасида қабул қилинади.

Ажратилган қабул параметрлари доирасида энг охириги абитуриентнинг танлов балига тенг кўрсаткичга эга абитуриент (абитуриентлар) ҳам мос равишда қўшимча ўрин асосида талабаликка тавсия этилади.

13. Кўриш, эшитиш ва нутқида нуқсони бўйича I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни магистратурага қабул қилишда уларнинг хорижий тилни билиш тўғрисида миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлиши талаб этилмайди.

14. Магистратурага ўқишга қабул қилишда кўзи ожиз абитуриентлар тоифасига қуйидагилар кириди:

а) кўзи бўйича 1-гуруҳ ногиронлиги тўғрисида белгиланган шаклдаги маълумотномага эга бўлган шахслар;

б) кўзи бўйича 2-гуруҳ ногиронлиги тўғрисида белгиланган шаклдаги маълумотномага эга бўлган қуйидаги шахслар:

махсус мактаб-интернатлар томонидан кўзи ожизлар учун берилган ўрта таълим (11-синф негизида) етуқлик аттестатига эга бўлган;

имконияти чекланган шахслар учун ихтисослашган бошланғич касбий таълим ташкилотлари (касб-ҳунар коллежлари) томонидан кўзи ожизлар учун берилган дипломга эга бўлган;

9 йиллик кўзи ожизлар махсус мактаб-интернатида ўқиган ва ўрта мах-

сус ёки касб-хунар ёхуд бошланғич касбий таълим ташкилотлари дипломига эга бўлган.

15. Кўзи ожиз абитуриентларнинг бакалавриат дипломи бўйича тўплаган баллари ўртача кўрсаткичи 100 баллик рейтинг тизими бўйича 71 балл ва ундан юқори ёки «5» балли баҳолаш тизими бўйича «4» ва ундан юқори бўлганда, улар қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.

16. «College Board» ташкилоти томонидан ўтказиладиган «Scholastic Aptitude Test — SAT» халқаро имтиҳонида тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 75 фоизи — 1200 балл ва ундан юқори натижа бўйича сертификатга эга абитуриентлар сертификат берилган фанга мос ва тамомлаган бакалавриат таълим йўналишига мос ва турдош магистратура мутахассисликларига қўшимча давлат гранти асосида талабаликка қабул қилинади.

Бунда абитуриент томонидан «Scholastic Aptitude Test — SAT» сертификатлари Вазирликка электрон тарзда (DI код орқали) юборилиши лозим.

17. Имтиёзга эга бўлган абитуриентлар олий таълим ташкилотларига Давлат комиссияси томонидан ҳар йили 1 майга қадар тасдиқланадиган олий таълим ташкилотларининг магистратурасига ўқишга кириш учун бериладиган имтиёзларнинг ягона реестрига мувофиқ ўқишга қабул қилинади.

18. Вазирлик олий таълим ташкилотларининг магистратура мутахассисликларига қабул қилиш натижаларини ҳар йили 20 августга қадар Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритади.

19. Олий таълим ташкилотида абитуриентларнинг апелляция шикоятларини кўриб чиқиш бўйича қабул комиссияси аъзолари, факультетлар деканлари ва тажрибали профессор-ўқитувчилардан иборат таркибда апелляция комиссияси тузилади.

Абитуриент танлов натижасидан норози бўлган тақдирда, натижалар эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат давомида ариза билан апелляция комиссиясига мурожаат этиши мумкин. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш муддати икки кундан ошмаслиги лозим.

Абитуриент апелляция шикоятини кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Апелляция шикояти кўриб чиқиладиган кун ва жойи ҳақида қабул комиссияси томонидан абитуриентга камида бир кун олдин хабар берилади.

4-боб. Ўқишга қабул қилиш тартиби

20. Давлат комиссиясининг олий таълим ташкилотлари магистратурасига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги қарори ҳар йили 25 августгача қабул қилинади.

21. Талабаликка тавсия этилган абитуриентлар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (ёки дипломдан кўчирманинг асл нусхаси — олий таълим ташкилотларини давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар учун) ҳамда унга илова;

хорижий тилни билиш бўйича белгиланган даражадаги сертификат нусхаси;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзга эга бўлган абитуриентлар имтиёз ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли.

Абитуриент томонидан тақдим этилган (топширилган) ҳужжатларнинг қалбакилиги аниқланса, абитуриент талабаликка қабул қилинмайди (талабаликка қабул қилинган бўлса, олий таълим ташкилоти талабалари сафидан четлаштирилади) ҳамда бу ҳақда белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари хабардор қилинади.

22. Давлат комиссиясининг қарори асосида бир ҳафта муддатда абитуриентларни давлат грантлари бўйича талабалар сафига қабул қилиш ҳақидаги олий таълим ташкилотлари ректорлари (директорлари)нинг буйруқлари расмийлаштирилади.

23. Абитуриентларни тўлов-контракт асосида магистратура мутахассисликларига тавсия этиш тўғрисида Давлат комиссиясининг қарори қабул қилингандан сўнг олий таълим ташкилоти билан юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида белгиланган тартибда шартнома расмийлаштирилади.

Давлат комиссияси томонидан тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилган абитуриентлар учун тўлов ҳар йили шартномада кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

Шартнома шартлари ва томонларнинг мажбуриятлари, уларни амалга ошириш тартиби қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ўқиш учун белгиланган тўлов миқдори белгиланган тартибда тўлангандан сўнг, олий таълим ташкилоти ректори (директори)нинг буйруғи билан расмийлаштирилади.

24. Танлов натижаларига кўра, белгиланган қабул параметрлари доирасида магистратурага талабаликка тавсия этилмаган абитуриентлар аризаларига мувофиқ олий таълим ташкилотларининг мавжуд қувватлари, моддий-техник базаси ҳамда профессор-ўқитувчилари таркибини инобатга олиб, Вазирилик билан келишилган ҳолда, олий таълим ташкилотларининг қарорига асосан қўшимча қабул параметрлари асосида магистратурага ўқишга қабул қилиниши мумкин.

Магистратура мутахассисликларига қўшимча қабул параметрлари асосида ўқишга қабул қилинган абитуриентларнинг тўлов-контракт миқдори бир талабага тўғри келадиган реал харажатлардан келиб чиқиб, олий таълим ташкилоти томонидан мустақил белгиланади.

25. Абитуриент томонидан ушбу Низомнинг 21-бандида қайд этилган ҳужжатлар қабул комиссиясига тақдим этилмаслиги олий таълим ташкилотининг уни ўқишга қабул қилмаслигига асос бўлади.

5-боб. Хорижий фуқароларни ўқишга қабул қилиш

26. Хорижий фуқаролар олий таълим ташкилоти томонидан ўтказиладиган суҳбат натижасига кўра тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади.

Хорижий фуқаролар олий таълим ташкилотлари томонидан бир ўқув йилида, қоида тариқасида, икки маротаба ўқишга қабул қилиниши мумкин.

27. Олий таълим ташкилотларининг магистратура мутахассисликларига

бакалавриат таълим босқичи маълумотига ёки унга тенглаштирилган маълумотга эга хорижий фуқаролар қабул қилинади.

28. Хорижий фуқароларни тўлов-контракт асосида ўқитиш қиймати тегишли магистратура мутахассислиги учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан белгиланган базавий тўлов-контракт миқдоридан кам бўлмаган миқдорда, муайян олий таълим ташкилоти томонидан бўйсунуви бўйича вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда мустақил белгиланади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

29. Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилинган хорижий фуқароларни ўқитиш таълим дастурларида назарда тутилган тилларда олиб борилади.

30. Ўқишни муваффақиятли тугатган хорижий фуқароларга белгиланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги тегишли ҳужжат (диплом) берилади.

6-боб. Якунловчи қоида

31. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Олий таълим ташкилотлари талабалари ўқишини кўчириш,
қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва олий таълим соҳасига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги давлат олий таълим ташкилотларига (кейинги ўринларда — олий таълим ташкилотлари) бакалавриат ва магистратура босқичи талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва уларни ўқишдан четлаштириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва уларни ўқишдан четлаштириш алоҳида қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинган олий таълим ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва уларни ўқишдан четлаштириш билан боғлиқ жараёнларни (шу жумладан, тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиш) мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) томонидан амалга оширилади.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

мос таълим йўналишлари (мутахассисликлар) — олий таълим ташкилотлари талабалари ўқишини кўчириш ва қайта тиклашда номланиши бир хил бўлган бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари);

турдош таълим йўналишлари — кадрлар тайёрлаш йўналишлари, ўқув режалари ва дастурлари мазмунан яқин бўлган бакалавриат таълим йўналишлари. Бунда уларнинг рўйхати Вазирлик томонидан тасдиқланади;

ўқишни кўчириш — талабанинг аризасига мувофиқ унинг ўқишини бир олий таълим ташкилотидан бошқасига ёки бир олий таълим ташкилоти доирасида бир таълим йўналишидан бошқасига белгиланган тартибда Давлат комиссияси ёки Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (тегишли вазирлик (идора)) ёхуд олий таълим ташкилоти қарорига асосан кўчирилиши;

ўқишни кўчириб тиклаш — собиқ талабанинг аризасига мувофиқ унинг ўқишининг бошқа олий таълим ташкилотида ёки бир олий таълим ташкилоти доирасида бошқа бакалавриат таълим йўналишида давом эттириши учун белгиланган тартибда Давлат комиссияси ёки тегишли вазирлик (идора) ёхуд олий таълим ташкилоти қарорига асосан кўчириб тикланиши;

ўқишни қайта тиклаш — собиқ талабанинг аризасига мувофиқ унинг ўқишининг муайян бакалавриат таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислигида давом эттириши учун қайта тикланиши.

5. Олий таълим ташкилотларининг биридан бошқасига талабалар ўқи-

шини мос ва турдош таълим йўналишига (мос мутахассисликка), муайян ҳудуддаги олий таълим ташкилотларида мос ва турдош таълим йўналиши (мос мутахассислик) мавжуд бўлмаган тақдирда турдош бўлмаган таълим йўналишига (мос бўлмаган мутахассисликка) кўчиришга қуйидаги ҳолатларда рухсат берилади:

талаба турмуш қуриши муносабати билан турмуш ўртоғи доимий яшайдиган ҳудуддаги олий таълим ташкилотига ўқишни кўчириш учун мурожаат қилганда;

давлат органлари ходимларининг иш жойи тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ўзгартирилган тақдирда, унинг турмуш ўртоғи ёки вояга етмаган фарзанди муайян вазирлик ёки идора раҳбари тавсияси асосида ўқишини кўчириш учун мурожаат қилганда.

6. Олий таълим ташкилотлари, тизимида олий таълим ташкилотлари бўлган вазирлик ва идоралар ҳамда Давлат комиссияси қарорлари асосида талабаларнинг ўқиши кўчирилиши ёки қайта тикланиши мумкин.

7. Бир олий таълим ташкилоти доирасида олий таълимнинг мос ва турдош таълим йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлар бўйича талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш шу олий таълим ташкилоти ректори (директори)нинг буйруғи асосида амалга оширилади.

8. Мос ва турдош таълим йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлар бўйича бир олий таълим ташкилотидан бошқасига талабалар ўқишини кўчириш ва кўчириб тиклаш талабани қабул қилаётган олий таълим ташкилоти бўйсунадиган вазирлик, идора қарори асосида амалга оширилади.

9. Қуйидаги ҳолларда талабалар ўқишини кўчириш ва кўчириб тиклаш Давлат комиссияси қарори билан амалга оширилади:

бир вазирлик ёки идора ёхуд турли вазирлик ва идоралар тизимидаги олий таълим ташкилотларига олий таълимнинг турдош бўлмаган таълим йўналишларига, мос бўлмаган мутахассисликларга, бир таълим дастуридан бошқа таълим дастурига;

бир олий таълим ташкилоти доирасида мос ва турдош таълим йўналишлари мавжуд бўлмаган ҳолатларда турдош бўлмаган таълим йўналиши ва мос бўлмаган мутахассисликларга;

республиканинг олий ҳарбий ёки ҳарбийлаштирилган таълим ташкилотларидан саломатлиги туфайли ўқишдан четлаштирилган талабаларнинг ўқишини олий таълим ташкилотларига ўқиган таълим йўналишига мазмунан мос ва турдош (кадрлар тайёрлаш йўналишлари, ўқув режалари ва дастурлари мазмунан яқин бўлган) таълим йўналишларига тўлов-контракт асосида кўчириб тиклаш;

хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан давлат олий таълим ташкилотларига асосли сабаблар кўрсатилганда мос ва турдош таълим йўналишларига тўлов-контракт асосида, истисно тариқасида, ўқишни кўчириш.

10. Қуйидаги ҳолатлар фуқаронинг ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш ҳақидаги аризасига рад жавоби берилишига асос бўлади:

хорижий давлатларнинг аккредитацияга эга бўлмаган олий таълим ташкилотларида ёки уларнинг филиалларида ўқиганларга;

олий таълим ташкилотларининг марказлари, бўлимлари, ўқув-маслаҳат пунктлари ва бошқаларда ўқиганларга;

биринчи курснинг биринчи семестрига ўқишни кўчиришга (талабага касаллик туфайли академик таътил берилган ҳолатлар, ўқиган таълим йўналиши мавжуд бўлмаганда, кўчириб тиклаш ҳолатлари бундан мустасно);

олий таълим ташкилотида мос (турдош) таълим йўналиши (мос мутахассислик) ёки таълим шакли мавжуд бўлмаса;

тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилганлар тўловни белгиланган муддатда амалга оширмаганда;

талабанинг шахсий йиғмажилди (академик маълумотнома) белгиланган муддатларда тақдим этилмаганда;

олий таълим ташкилотига давлат гранти асосида кўчириш ва қайта тиклашда давлат гранти асосида таълим олувчилар сони (қабул параметрлари) доирасида бўш ўринлар мавжуд бўлмаса;

олий таълим ташкилоти моддий-техник базасининг имконияти чекланганда;

мақсадли қабул қилинганлар бошқа таълим йўналиши ёки таълим шаклига ёхуд бошқа олий таълим ташкилотига;

бир таълим шаклидан махсус сиртқи таълим шаклига ҳамда махсус сиртқи таълим шаклидан бошқа таълим шаклига;

талаба Ўзбекистон ва хорижий олий таълим ташкилотларининг ўзаро келишуви асосида қабул қилиниб, қўшма таълим дастурлари асосида таҳсил олган ёки таҳсил олаётган бўлса (мазкур қўшма дастурнинг ўзи бундан мустасно);

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолатларда.

Талабани ўқимаган семестрдан кейинги семестрга ўқишга тавсия этишга рухсат берилмайди.

11. Талабаларнинг ўқишини кўчириш (кўчириб тиклаш) ва қайта тиклашни расмийлаштиришда олий таълим ташкилоти ректори (директори) белгиланган тартибда ўқув режалари ва дастурлардаги мавжуд академик қарзларни ёки фарқларни топшириш тартиби ва муддатларини (жорий семестр давомида), ўқитиш курси (семестри) ҳамда ўқишга қабул қилишнинг қонунчиликда белгиланган бошқа шартларини белгилайди.

Бунда талабанинг ўқишни муайян курсдан (семестрдан) давом эттириши учун ундан қуйидагилар талаб этилади:

а) талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимида — ўқув режаларидаги умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича фарқлар 4 тадан ошмаслиги лозим;

б) талабалар ўқув юкларини ҳажмини аниқлашнинг шартли бирликлари (кредитлар)ни ўтказиш ва жамлаш тизимида — талаба ўқиши кўчирилаётган таълим йўналиши (мутахассислик)нинг намунавий ўқув режасидаги фанлар бўйича GPA кўрсаткичи 2,4 ва ундан юқори бўлиши лозим.

ушбу талаблар бажарилмаган ҳолатда талабага унинг аризасига мувофиқ намунавий ўқув режасидаги фанлар фарқини (GPA кўрсаткичини) инобатга олган ҳолда, ўқишини қуйи курсдан (семестрдан) давом эттиришга рухсат берилиши мумкин.

12. Тўлов-контракт асосида талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклашда тўлов-контрактни тузиш тартиби ва шартлари, жумладан, тўлов миқдорлари ва муддатлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

13. Талабалар ўқув юкламаси ҳажмини аниқлашнинг шартли бирликлари (кредитлар)ни ўтказиш ва жамлаш тизимида аниқланган фанлар фарқи (академик қарздорлик, ўзлаштирилмаган кредит) ушбу кредитлар миқдорига мос равишда базавий тўлов-контракт миқдоридан келиб чиққан ҳолда, тўлов амалга оширилгандан сўнг ўзлаштирилади (қайта ўзлаштирилади).

Академик таътилдан белгиланган муддатда қайтган талабага фанлар (кредитлар) фарқи аниқланган тақдирда, бепул бир марталик ўзлаштириш имконияти берилади.

2-боб. Олий таълим ташкилотлари талабалари ўқишини кўчириш

14. Олий таълим ташкилотларига талабалар ўқишини кўчириш (кўчириб тиклаш) бўйича аризаларни рўйхатдан ўтказиш Вазирликнинг расмий веб-сайти ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан бири (кейинги ўринларда — электрон платформа) орқали бир ўқув йилида икки марта:

кузги семестр ўқув машғулоти бошланишидан олдин — 15 июлдан 5 августгача (5 август куни ҳам);

баҳорги семестр ўқув машғулоти бошланишидан олдин — 10 январдан 20 январгача (20 январь куни ҳам) электрон платформа орқали амалга оширилади.

Баҳорги семестр ўқув машғулоти бошланишидан олдин талабалар ўқишини бир олий таълим ташкилотидан бошқасига кўчириб тиклаш тўғрисидаги аризалар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

15. Ўқишини кўчириш (кўчириб тиклаш) истагини билдирган фуқаролар электрон платформага ўзининг шахсий идентификация маълумотларини киритади ва ўзига тегишли қуйидаги ҳужжатларни юклайди:

ушбу Низомнинг 5-бандида назарда тутилган ҳолатларни (сабабларни) асословчи ҳужжатлар нусхаси;

рейтинг дафтарчаси ёки белгиланган шаклдаги академик маълумотнома ёхуд транскрипт нусхаси.

16. Баҳорги семестр ўқув машғулоти бошланишидан олдин — 10 январдан 20 январгача (20 январь куни ҳам) талабалар ўқишини кўчириш тўғрисидаги аризалар олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг буйруғи билан ташкил этиладиган ҳудудий ишчи гуруҳлари томонидан қабул қилиниши ҳам мумкин.

17. Олий таълим ташкилотларига талабалар ўқишини кўчириш (кўчириб тиклаш) бўйича рўйхатдан ўтказилган ариза тегишлилигига кўра электрон платформа орқали олий таълим ташкилотига ёки тизимида олий таълим ташкилотлари бўлган вазирлик ва идоралар ёхуд Давлат комиссиясига юборилади.

18. Олий таълим ташкилотлари талабалари ўқишини кўчириш (кўчириб тиклаш) тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш:

кузги семестр ўқув машғулотлари бошланишидан олдин — 6 августдан 30 августгача (30 август куни ҳам);

баҳорги семестр ўқув машғулотлари бошланишидан олдин — 21 январдан 10 февралгача (10 февраль куни ҳам) амалга оширилади.

Бунда:

а) бир олий таълим ташкилоти доирасида мос ва турдош таълим йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлар бўйича талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш тўғрисидаги аризалар олий таълим ташкилоти томонидан кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинади ва бу ҳақда талабгорга электрон платформа орқали маълум қилинади;

б) мос ва турдош таълим йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлар бўйича бир олий таълим ташкилотидан бошқасига талабалар ўқишини кўчириш ва кўчириб тиклаш тўғрисидаги аризалар:

тегишли вазирлик (идора) томонидан кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинади ва бу ҳақда талабгорга электрон платформа орқали маълум қилинади;

ижобий ҳал этилган тақдирда, тегишли вазирлик ва идоралар олий таълим ташкилотига ўқиши кўчирилиши (кўчириб тикланиши) рухсат этилган талабалар рўйхати илова қилинган хат йўллайди;

в) ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича аризалар Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинади.

Аризалар кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилган тақдирда, Давлат комиссияси томонидан олий таълим ташкилотига ўқиши кўчирилиши (кўчириб тикланиши) га рухсат этилган талабалар рўйхати илова қилинган хат юборилади.

19. Ўқишнинг барча шаклларида олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича давлат грантлари ўринларига кўчиришга давлат грантлари асосида таҳсил олган талабалар аризасига кўра олий таълим ташкилотларида тегишли ўқув йилидаги қабул параметрларида белгиланган давлат грантларининг сони доирасида рухсат этилади.

Кўзи ожизлар тоифасига кирувчи сифатида ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар, етим болаларга ажратилган қабул параметрлари доирасида давлат гранти асосида таҳсил олаётган талабалар ўқишини олий таълимнинг мос ва турдош таълим йўналишлари ҳамда мос мутахассисликларига ушбу Низомнинг 5-бандига мувофиқ давлат гранти асосида кўчиришга ёки олий таълим ташкилоти ва таълим йўналиши ўзгармаган ҳолда таълим шаклини ўзгартиришга рухсат этилади.

Спорт мусобақалари ғолиби сифатида имтиёз билан олий таълим ташкилотларига давлат гранти асосида кундузги таълим шаклига ўқишга қабул қилинган талабаларга:

ушбу Низомнинг 5-бандига мувофиқ ўқишини сиртқи таълим шаклидаги мос ва турдош таълим йўналишига (сиртқи таълим шакли мавжуд бўлган тақдирда) давлат гранти асосида кўчиришга;

олий таълим ташкилоти ва таълим йўналиши ўзгармаган ҳолда сиртқи таълим шаклида (сиртқи таълим шакли мавжуд бўлган тақдирда) давлат гранти асосида ўқишини давом эттиришга рухсат берилади.

Бошқа ҳолларда ўқишни кўчириш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

20. Ўзбекистон ва хорижий олий таълим ташкилотларининг ўзаро келишуви асосида ташкил этилган қўшма таълим дастурларида таҳсил олаётган талабалар ўқишини кўчириш Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2021 йил 6 июлдаги 421-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Бунда:

ўқишни кўчириш тўғрисидаги аризалар талаба ўқиши кўчирилиши сўралаётган олий таълим ташкилоти томонидан қабул қилиниб, кўриб чиқилади ва талаба таҳсил олган олий таълим ташкилоти билан келишилган ҳолда қарор қабул қилинади;

аризаларни қабул қилиш ҳамда кўриб чиқиб, қарор қабул қилиш 15 июлдан 30 августгача (30 август куни ҳам) бўлган муддатда амалга оширилади;

аризаларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан олий таълим ташкилоти томонидан ариза берувчига ёзма равишда жавоб берилади.

3-боб. Хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан талабалар ўқишини кўчириш

21. Хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан талабалар ўқишини кўчириш (кўчириб тиклаш) тўғрисидаги аризалар ҳар йили 15 июлдан 5 августгача (5 август куни ҳам) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) расмий веб-сайти орқали рўйхатдан ўтказилади.

22. Рўйхатдан ўтказилган аризалар Агентликнинг расмий веб-сайти орқали тегишлилиги бўйича олий таълим ташкилотларига юборилади.

Рўйхатдан ўтказилган аризаларнинг ушбу Низомга мувофиқлиги ҳамда кўчирилиши сўралаётган таълим йўналишининг талаба таҳсил олган таълим йўналишига мазмунан мос ёки турдош эканлиги олий таълим ташкилоти томонидан текширилади.

Текшириш натижасига кўра ариза қабул қилиниши тасдиқланади ёки рад этилади. Аризани қабул қилиш рад этилган тақдирда, олий таълим ташкилоти томонидан Агентликнинг расмий веб-сайтидаги талабанинг шахсий кабинети орқали рад этиш сабаби маълум қилинади.

23. Хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан давлат олий таълим ташкилотларининг мос ва турдош бакалавриат таълим йўналишларига ўқишини кўчириш (кўчириб тиклаш) истагини билдирган фуқаролар ўқиши кўчириладиётган олий таълим ташкилотларининг муайян таълим йўналишига ўқишга кириш фанлари бўйича, ўқийдиган тилида махсус синов (тест, касбий (ижодий) имтиҳон) (кейинги ўринларда — махсус синов) топширади.

Махсус синовлар давлат олий таълим ташкилотларининг бакалавриатига талабаларни ўқишга қабул қилишда белгиланган тартиб асосида ўтказилади.

Жумладан, касбий (иждий) имтиҳонлар муайян олий таълим ташкилотлари томонидан ўтказилади ва Агентликнинг махсус тизимида киритиб борилади.

Махсус синовлар бўйича ўтиш баллари тизимида олий таълим ташкилотлари бўлган вазирлик ва идораларнинг таклифларига асосан Вазирлик томонидан ҳар йили 15 июлга қадар тасдиқланади ва расмий веб-сайтида эълон қилинади.

24. Махсус синовлар ўтган ўқув йили учун (кўчирилаётган ўқув йилига нисбатан) белгиланган тартибда тасдиқланган республика олий таълим ташкилотларининг бакалавриат таълим йўналишига мос тест синовлари топшириладиган фанлар мажмуаси, тест топшириқлари сони ва баҳолаш мезонларига мувофиқ ўтказилади.

25. Махсус синовлар Вазирлик билан келишилган ҳолда Агентлик томонидан белгиланган муддатларда ўтказилади.

26. Тест синовлари Агентлик томонидан ўтказилиб, натижалар касбий (иждий) имтиҳонлар натижалари билан умумлаштирилган ҳолда бир ҳафта муддатда Агентликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади ва олий таълим ташкилотларига юборилади.

27. Ўтказилган махсус синовлар натижаларига кўра:

ўтиш балига тенг ва ундан юқори балл тўплаган талабаларнинг ўқиши муайян таълим йўналишига белгиланган базавий тўлов-контракт асосида кўчирилишига рухсат этилади;

ўтиш балидан паст балл тўплаган талабалар аризаларига кўра қўшимча ва табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиниши мумкин.

Тўплаган баллари Давлат комиссияси томонидан бакалавриат таълим йўналишларига киришда белгиланадиган минимал баллдан кам бўлмаган ва ўтиш балига 4 баллгача етмаган талабалар аризаларига кўра қўшимча тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиниши мумкин.

Бунда тўлов-контракт миқдори амалда ўрнатилган базавий тўлов-контракт миқдорига нисбатан қуйидаги миқдорларда белгиланади:

1,05 баллгача етмаган абитуриентлар учун — базавий тўлов-контракт миқдорининг 1,5 баробари;

1,05 баллдан 2,05 баллгача етмаган абитуриентлар учун — базавий тўлов-контракт миқдорининг 2,0 баробари;

2,05 баллдан 3,05 баллгача етмаган абитуриентлар учун — базавий тўлов-контракт миқдорининг 2,5 баробари;

3,05 баллдан 4,05 баллгача етмаган абитуриентлар учун — базавий тўлов-контракт миқдорининг 3,0 баробари.

Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатларда ушбу миқдорлар бўйича тўлов-контракт шартларининг биринчи ўқув йили учун камида 50 фоизи бажарилгандан сўнг талабгор олий таълим ташкилоти ректори (директори) нинг буйруғи билан ўқишга қабул қилинади.

28. Тўплаган баллари Давлат комиссияси томонидан бакалавриат таълим йўналишларига киришда белгиланадиган минимал баллдан кам бўлмаган, бироқ ўтиш балига 4 дан ортиқ балл етмаган ва ўқиш истагини билдирган тала-

баларга биринчи ўқув йилида амалда ўрнатилган тўлов-контракт миқдорига нисбатан Давлат комиссияси томонидан белгиланадиган табақалаштирилган тўлов-контракт миқдорига тўловни амалга ошириш шarti билан ўқишни кўчириш ҳукуки берилади.

Табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишни кўчириш истагини билдирган талаба Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатларда тўлов-контракт шартларининг биринчи ўқув йили учун камида 50 фоизини бажаргандан сўнг олий таълим ташкилоти ректори (директори)нинг буйруғи билан ўқишга қабул қилинади.

29. Талабалар ўқишни хорижий давлатлардаги олий таълим ташкилотларидан давлат олий таълим ташкилотларининг мос ва турдош бўлмаган бакалавриат таълим йўналишларига кўчиришга рухсат этилмайди.

Талабалар ўқишни Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан давлат олий таълим ташкилотларининг мос ва турдош бўлмаган таълим йўналишларига кўчириш ўрнатилган тартибда, тегишли бакалавриат таълим йўналиши учун белгиланган табақалаштирилган тўлов-контрактнинг минимал миқдорига тенг бўлган тўлов асосида амалга оширилади.

30. Агентликнинг ўқишни кўчириш бўйича ўтказилган тест синовлари натижалари бўйича қайдномаси олий таълим ташкилоти ректори (директори)нинг талабгорларни тест синовлари натижаларига кўра белгиланган тартибда талабаликка тавсия этиш бўйича буйруқни расмийлаштиришига асос бўлади.

31. Турмуш ўртоғи ёки ота-онаси хорижий давлатдаги давлат хизматини ўташ жойи Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасига ўтказилган, Ҳукумат қарорлари ва топшириқлари ҳамда тизимида олий таълим ташкилотлари бўлган вазирлик ва идоралар томонидан давлат буюртмаси билан хорижга ўқишга юборилганларнинг ўқиши олий таълим ташкилотларига имтиҳонларсиз Давлат комиссияси қарорига асосан кўчирилади.

32. Хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларининг магистратура босқичида таҳсил олаётган талабалар ўқишининг олий таълим ташкилотларига кўчирилишига рухсат этилмайди.

33. Хорижий фуқароларнинг ўқиши хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан давлат олий таълим ташкилотларига суҳбат асосида муайян олий таълим ташкилоти ректори (директори)нинг буйруғига асосан кўчирилади (кўчириб тикланади). Уларнинг тўлов-контракт миқдорлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

4-боб. Талабалар ўқишни кўчириш (кўчириб тиклаш) бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш

34. Вазирлик ва идора ёки Давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ юборилган кўрсатма хати асосида олий таълим ташкилоти ректори (директори)нинг талабанинг дарсларга қатнашишига рухсат этиш тўғрисидаги буйруғи расмийлаштирилади ҳамда ушбу олий таълим ташкилоти томонидан талаба илгари таълим олган олий таълим ташкилотига унинг шахсий йиғма-жилдини жўнатиш учун сўровнома юборилади.

Шахсий йиғмажилдни олий таълим ташкилотига тақдим этишнинг сўнгги муддати (20 иш кунидан кам бўлмаган муддатда) олий таълим ташкилоти ректори (директори) томонидан белгиланади.

35. Сўровнома олингандан сўнг талаба илгари таълим олган олий таълим ташкилоти ректори (директори)нинг талабалар сафидан четлаштириш ҳақидаги буйруғи асосида уч кун муддатда талабанинг шахсий йиғмажилди (рўйхати билан) уни ўқишга қабул қилган олий таълим ташкилотига юборилади ёки ариза асосида ўқиши кўчирилган талабага берилади.

Шахсий йиғмажилд жўнатилиши мумкин бўлмаган ҳолларда (ёпиқ йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш) олий таълим ташкилоти ректори (директори) томонидан имзоланган ва гербли муҳр билан тасдиқланган академик маълумотнома талабани ўқишга қабул қилган олий таълим ташкилотига юборилади.

Ўқиши кўчирилишига рухсат этилган талабанинг мақсадли қабул асосида ўқиётгани у ўқиб турган олий таълим ташкилоти томонидан текширилади ва ҳақиқатда мақсадли қабул асосида ўқиётгани аниқланган тақдирда, уч кун муддатда сўровнома юборган олий таълим ташкилотига ҳамда талабага мазкур талабанинг ўқиши кўчирилиши мумкин эмаслиги тўғрисида хат юборилади.

36. Талаба илгари таълим олган олий таълим ташкилотида унинг академик маълумотномаси, рейтинг дафтарчаси, ўқув карточкаси, шунингдек, юборилаётган ҳужжатлар рўйхатининг нусхаси қолдирилади.

37. Ўқиши кўчирилиши рухсат этилган талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилишда олий таълим ташкилотида ташкил этилган Талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш бўйича комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) томонидан талаба ўқиган ва ўқиши кўчирилиши сўралаётган таълим йўналишларининг мос ёки турдош эканлиги ҳамда кўчириш учун ушбу Низомнинг 5-бандида қайд этилган ҳолатларни асословчи ҳужжатлар синчиклаб текширилади.

Ушбу ҳолатларни асословчи ҳужжатлар талаб даражасида бўлмаган тақдирда, олий таълим ташкилоти ректори (директори)нинг талабаликка қабул қилиш тўғрисидаги буйруғи расмийлаштирилмайди.

38. Ўқиши кўчирилган фуқаронинг тақдим этган (топширган) ҳужжатларининг қалбакилиги ёки белгиланган талабларга жавоб бермаслиги аниқланган тақдирда, ушбу фуқаро талабаликка қабул қилинмайди (агар талабаликка қабул қилинган бўлса, талабалар сафидан четлаштирилади).

39. Комиссия:

а) ушбу Низомнинг 5-бандида қайд этилган ҳолатларни асословчи ҳужжатларнинг аслини текширади;

б) ўқишни кўчиришда ҳақиқатда қайд этилган ҳолат аниқланган, аммо муайян ҳудуддаги олий таълим ташкилотларида мос ва турдош таълим йўналиши мавжуд бўлмаган ҳолатда талаба рўйхатдан ўтишда танлаган таълим йўналиши у ўқиган таълим йўналишидан мазмунан кескин фарқ қилса, талабанинг ўқиган таълим йўналишига мазмунан яқин бўлган таълим йўналишига тавсия этиш бўйича;

қайд этилган ҳолат туфайли турдош бўлмаган таълим йўналишига ўқишни кўчириш бўйича рўйхатдан ўтган, аммо ушбу олий таълим ташкилоти жойлашган ҳудуддаги олий таълим ташкилотларида мос ва турдош таълим йўналишлари мавжуд бўлганда, ушбу мос ёки турдош таълим йўналишига тавсия этиш бўйича таклифларни, талабанинг бу борадаги аризасини илова қилган ҳолда бўйсунуви бўйича вазирлик ёки идорага (талаба ариза билан мурожаат қилган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда) тақдим этади.

Олий таълим ташкилотларининг ушбу банднинг «б» кичик бандида қайд этилган таклифлари тизимида олий таълим ташкилоти бўлган вазирлик ёки идора томонидан ўн кун муддатда кўриб чиқилади ва тизимидаги олий таълим ташкилотининг мос ёки турдош таълим йўналишига кўчиришга рухсат этилади. Бунда мос ва турдош таълим йўналиши бошқа вазирлик ёки идора тизимидаги олий таълим ташкилотида мавжуд бўлган тақдирда, ушбу вазирлик ёки идорага таклифлар юборилади.

40. Ўқиши кўчирилган фуқароларни талабалар сафига қабул қилиш тўғрисидаги олий таълим ташкилоти ректори (директори)нинг буйруғи улар томонидан белгиланган муддатда ва миқдорда шартнома тўловлари амалга оширилгандан сўнг 10 кун муддатда қабул қилинади.

41. Талабани бошқа олий таълим ташкилотига ўқишини кўчириб тиклашда унинг илгари таълим олган олий таълим ташкилоти розилиги талаб этилмайди.

5-боб. Олий таълим ташкилотлари талабалари ўқишини қайта тиклаш

42. Олий таълим ташкилотлари талабаларининг ўқишини қайта тиклаш бўйича аризаларни қабул қилиш бир ўқув йилида икки марта:

кузги семестр ўқув машғулотлари бошланишидан олдин — 15 июлдан 5 августгача (5 август куни ҳам);

баҳорги семестр ўқув машғулотлари бошланишидан олдин — 10 январдан 20 январгача (20 январь куни ҳам) муайян олий таълим ташкилоти томонидан амалга оширилади.

Аризалар олий таълим ташкилотлари томонидан электрон шаклда ҳам қабул қилиниши мумкин.

43. Ўқишини қайта тиклаш истагини билдирган талаба томонидан ариза-сига рейтинг дафтарчаси ёки белгиланган шаклдаги академик маълумотнома ёхуд транскрипт нусхаси илова қилинади.

44. Олий таълим ташкилотлари талабалари ўқишини қайта тиклаш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш:

кузги семестр учун — 6 августдан 31 августгача;

баҳорги семестр учун — 21 январдан 10 февралгача амалга оширилади.

45. Барча ўқув шакллари бўйича талабалар сафига қайта тиклаш тўлов-контракт асосида мазкур Низом талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Давлат грантлари бўйича таълим олган етимлар, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ногиронлиги бўлган болалар, шунингдек, худ-

датли ҳарбий хизматни ўтаган (захирага бўшаган кунларидан бошлаб бир йил мобайнида), академик таътилдан белгиланган муддатда қайтган шахслар, Ҳукумат қарорлари ва топшириқлари ҳамда тизимида олий таълим ташкилотлари бўлган вазирлик ва идоралар томонидан давлат буюртмаси билан хорижга ўқишга юборилган ва белгиланган муддатда қайтган талабалар, истисно тариқасида, ўқишга (муайян курсга) давлат грантлари ўринларига қайта тикланиши (давом эттириши) мумкин.

46. Ҳукуматлараро ёки идоралараро ёхуд олий таълим ташкилотлариаро келишув доирасида хорижий олий таълим ташкилотида Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотида таҳсил олган таълим йўналишига мос бўлган йўналиш бўйича, бир ёки бир неча семестр ўқиб, белгиланган муддатда қайтган талабаларнинг хорижий олий таълим ташкилотида таълим олган муддатларини (семестр) инобатга олган ҳолда (муайян таълим йўналиши ва таълим шаклида, жумладан, давлат гранти асосида таҳсил олган талабалар — давлат гранти асосида) ўқишини давом эттиришига рухсат этилади.

Бунда муайян таълим йўналишлари бўйича ўқув режаларидаги фанлар фарқини тегишли ўқув семестри давомида қайта ўзлаштиришга рухсат этилади.

Белгиланган муддатдан кеч қайтган талабалар ўқишининг тикланиши умумий тартибда кўриб чиқилади.

47. Олий таълим ташкилоти ректори (директори)нинг талабани талабалар сафига қайта тиклашга, белгиланган тартиб ва муддатларда дарсларга қатнашишига рухсат этиш тўғрисидаги буйруғи расмийлаштирилади.

Тўлов-контракт асосида ўқиши тикланганларни талабалар сафига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги олий таълим ташкилоти ректори (директори)нинг буйруғи улар томонидан белгиланган муддатда шартнома тўловлари бажарилгандан сўнг 10 кун муддатда қабул қилинади.

48. Талабани ўқишдан четлаштирилган ўқув йилида (таҳсил олган курсига, семестрига) ўқишга қайта тиклашга (кўчириб тиклашга) йўл қўйилмайди.

6-боб. Олий таълим ташкилотлари талабаларини ўқишдан четлаштириш

49. Талабани олий таълим ташкилотидан четлаштиришга қуйидагилар асос бўлади:

- а) ўз хоҳишига кўра;
- б) ўқишининг бошқа таълим ташкилотига кўчирилиши;
- в) олий таълим ташкилотининг ички тартиб-қоидалари ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларини бузгани;
- г) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдиргани (саломатлиги сабабли белгиланган шаклдаги тиббий маълумотнома тақдим этилган ҳолат бундан мустасно);
- д) ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмагани (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);
- е) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилгани;

ж) суд қарорига кўра кириш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузгани аниқланганда (ушбу ҳолатда талабалар сафидан четлаштирилганлар талабалар сафига қайта тикланмайди);

з) курсда қолдирилган талаба ўқишини давом эттириш бўйича белгиланган муддатларда мурожаат қилмаганда;

и) талаба абитуриент сифатида олий таълим ташкилоти қабул комиссиясига тақдим этган (топширган) ҳужжатларининг қалбакилиги ёки белгиланган талабларга жавоб бермаслиги аниқланса;

к) вафот этгани.

Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида ҳамда оиласининг бетоб аъзосини (отаси, онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, турмуш ўртоғи, фарзанди) парвариш қилиш учун талабага белгиланган тартибда академик таътил берилиши мумкин.

50. Талабалар олий таълим ташкилоти ректори (директори)нинг буйруғи билан қуйидаги ҳолларда курсдан курсга қолдирилади:

белгиланган муддатларда фанларни ўзлаштира олмаганда (академик қарздор бўлганда), ўқув жараёни кредит-модул тизими асосида ташкил этилган таълим йўналишлари бундан мустасно;

ўқув жараёни кредит-модул тизими асосида ташкил этилган таълим йўналишларида семестр ва ўқув йили якуни натижалари бўйича GPA ўтиш баллини тўплай олмаганда;

малакавий амалиётга қатнашмаган, шунингдек, малакавий амалиёт якунлари бўйича қоникарсиз баҳоланганда.

51. Курсда қолдирилган талаба тўлов-контракт асосида ўқишини ўзлаштирмаган тегишли ўқув семестри бошидан бошлайди.

Талабалар ўқув юкламаси ҳажмини аниқлашнинг шартли бирликлари (кредитлар)ни ўтказиш ва жамлаш тизими жорий этилган олий таълим ташкилотларида академик қарздорлиги туфайли курсда қолдирилган талабалар тегишли ўқув семестридан бошлаб фақат ўзлаштира олмаган фанларини (модуллари) такроран ўқийди.

Курсда қолдирилган талаба ўқишни давом эттириши учун талабалар ўқишини қайта тиклаш учун белгиланган муддатларда олий таълим ташкилотига ариза билан мурожаат қилади.

Курсда қолдирилган талаба ушбу Низомнинг 49-бандидаги ҳолатлар бўйича талабалар сафидан четлаштирилиши мумкин.

52. Талабалар ўқишини кўчириш (кўчириб тиклаш) ва қайта тиклаш жараёнида шахсий йиғмажилддаги ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ёки тақдим этилган ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилгани ёхуд ҳужжатлар ўрнатилган тартибда тасдиқланмагани аниқланган ҳолларда олий таълим ташкилоти ректори (директори) мазкур ҳужжатларни текшириш ва буйруқ чиқармаслик ҳуқуқига эга.

53. Талабанинг шахсий йиғмажилдида қуйидаги ҳужжатлар бўлиши талаб этилади:

умумий ўрта (ўн бир йиллик таълим), ўрта махсус (тўққиз йиллик та-

янч ўрта ва икки йиллик ўрта махсус таълим), бошланғич касбий таълим (тўққиз йиллик таянч ўрта ва икки йиллик бошланғич касбий таълим), шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни кучга киргунига (2020 йил 24 сентябрь) қадар ўрта махсус, касб-хунар таълими (тўққиз йиллик умумий ўрта ва уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълими) ташкилотини тугатганлиги ҳақидаги ҳужжат ва унинг иловасининг асли;

ўқиган олий таълим ташкилотига талабаликка қабул қилинганлик тўғрисидаги буйруқдан кўчирма;

охирги ўқиган курсига ўтганлик тўғрисидаги буйруқдан кўчирма;

белгиланган шаклдаги академик маълумотнома ёки транскриптнинг асли;

талабалар сафидан четлатилганлик тўғрисидаги буйруқдан кўчирма;

талабанинг таҳсил олган олий таълим ташкилотига юборилган сўровноманинг жавоб хати.

54. Олий таълим ташкилотига ўқишини кўчирган ёки қайта тиклаган талабаларнинг шахсий йиғмажилдига тегишли буйруқдан кўчирма, ариза ва академик маълумотнома ёки транскрипт тикиб қўйилади.

55. Ўқув режалардаги фанлари бўйича фарқлар аниқланганда, талаба академик қарздор сифатида ўқишга қабул қилинади.

Фанлардан академик қарздор талабалар муайян семестр давомида тегишли фанлардан ўзлаштирилмаган кредитлар миқдорига мос равишда базавий тўлов-контракт миқдоридан келиб чиққан ҳолда тўловни амалга оширгандан сўнг ўзлаштирилмаган фанларни ўз ҳисобидан қайта ўқийди.

56. Талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва уларни ўқишдан четлаштириш тўғрисидаги тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши ва уларнинг қонунийлиги учун жавобгарлик олий таълим ташкилотларига юкланади.

Зарурат бўлганда ректор ҳужжатларни юборган олий таълим ташкилотларидан расмий хат орқали маълумотлар тўғрилигини тасдиқлашни сўраши мумкин.

7-боб. Яқунловчи қоида

57. Ушбу Низом талабалари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Олий таълим ташкилотлари талабаларининг академик
мобиллигини ташкил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом олий таълим ташкилотлари бакалаврият ва магистратура босқичида таҳсил олаётган талабаларининг Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда — олий таълим ташкилотлари) ва хорижий олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган академик мобиллигини ташкил қилиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

Қонунчилик ҳужжатлари, жумладан, ушбу Низомда кўрсатилмаган ҳолатлар олий таълим ташкилотлари томонидан имзоланган ўзаро келишув шартномаларига мувофиқ тартибга солинади.

2. Академик мобиллик қуйидаги мақсадларда ташкил этилади:

талабаларга етакчи илмий мактаблар шаклланган олий таълим ташкилотларида ўқиш имкониятини яратиш;

талабаларнинг билим сифати ва ривожланиш даражасини ошириш;

талабаларнинг бошқа ҳудудда таҳсил олиш заруратини инobatга олган ҳолда, таълим олиш имкониятини яратиш;

хорижий ва маҳаллий таълим тизимлари ютуқ ҳамда тажрибалари билан танишиш;

мутахассислик бўйича амалий кўникма ва малакаларни эгаллаш;

олий таълим ташкилотининг ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;

таълимнинг интеграциялашуви учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

3. Таълим шакли, курси ва таълим йўналиши (мутахассислик)нинг мос бўлиши олий таълим ташкилотлари талабаларининг академик мобиллигини амалга оширишнинг асосий шarti ҳисобланади.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

академик мобиллик — олий таълим ташкилоти талабасининг маҳаллий (республика ҳудудидаги) ёки ташқи (халқаро, хорижий) бошқа олий таълим ташкилотига муайян вақт мобайнида ўқиш мақсадида бориши (юборилиши);

кредитларни тан олиш — талабанинг академик мобиллигини таъминлаш мақсадида бир олий таълим ташкилоти таълим дастури бўйича олинган кредитларни бошқа олий таълим ташкилотига кўчириш ва тан олиш;

мобиллик дастури — икки ёки ундан ортиқ олий таълим ташкилоти ўртасида ўзаро таълим келишуви асосида ташкил этилган академик мобиллик дастури;

таълим келишуви — икки ёки ундан ортиқ олий таълим ташкилоти ўртасида ўзаро таълим тўғрисидаги келишув асосида ташкил этилган академик

мобиллик дастури асосида талабанинг муайян вақт мобайнида таҳсил олиб боришини таъминловчи ҳамкорликда имзоланган ҳужжат;

транскрипт — таълим олишнинг тегишли даврида ўзлаштирилган кредитлар ва баҳоларнинг ҳарф ва рақамлардаги ифодаси кўрсатиб ўтилган фанлар рўйхатини ўз ичига олган, белгиланган шаклдаги ҳужжат;

қабул қилувчи олий таълим ташкилоти — ўзаро таълим келишувига мувофиқ ташкил этилган академик мобиллик дастури асосида талабани ўқишга қабул қилувчи олий таълим ташкилоти;

юбуровчи олий таълим ташкилоти — ўзаро таълим келишувига мувофиқ ташкил этилган академик мобиллик дастури асосида талабани ўқишга юбуровчи олий таълим ташкилоти.

2-боб. Академик мобилликни ташкил қилиш

5. Академик мобилликни амалга ошириш муддати олий таълим ташкилотларининг ўзаро келишув шартномасига асосан камида бир семестр ёки кўпи билан икки семестр бўлиши лозим (хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти билан тузилган шартномага мувофиқ, истисно тариқасида, муддатга ўзгартириш киритилиши мумкин).

Талаба академик мобилликда олий таълим ташкилотларининг қўшимча шартномаларига мувофиқ иккинчи марта иштирок этиши мумкин.

6. Академик мобиллик олий таълим ташкилотлари ўртасида имзоланган ўзаро таълим тўғрисидаги келишувга мувофиқ олий таълим ташкилоти ректори (директори)нинг буйруғига асосан амалга оширилади.

7. Академик мобилликни амалга оширишнинг умумий жараёни олий таълим ташкилотининг ўқув-услубий бўлими (бошқармаси) томонидан мувофиқлаштирилади. Бунда хорижий олий таълим ташкилоти билан ҳамкорликда академик мобилликни ташкил этиш олий таълим ташкилотининг халқаро алоқалар бўлими (бошқармаси) билан биргаликда амалга оширилади.

Академик мобилликни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича олий таълим ташкилоти бўлимлари (бошқармалари)нинг вазифалари олий таълим ташкилоти ректори (директори) томонидан белгиланади.

Академик мобилликни ташкил этишга умумий раҳбарлик ўқув ишлари бўйича проректор (директор ўринбосари), бошқа ташкилий ишлар тегишли бўлим бошлиғи ва факультет деканлари зиммасига юклатилади.

8. Академик мобиллик бўйича талабалар ҳар бир олий таълим ташкилотининг мавжуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади ёки юборилади.

9. Олий таълим ташкилотининг расмий веб-сайтида академик мобиллик бўйича алоҳида бўлим яратилади. Ушбу бўлимда ҳамкор олий таълим ташкилотлари, академик мобиллик дастурлари (таълим йўналишлари ва мутахассисликлар кесимида), академик мобиллик доирасида ўқиш истагини билдирганлар учун ариза топшириш тартиби, муддатлари, тақдим этилаётган (электрон шаклда юкланадиган) ҳужжатлар, аризаларни кўриб чиқиш босқичлари ва бошқа маълумотлар жойлаштирилади.

Шу билан бирга, мазкур маълумотлар масъул ва тегишли бўлимлар томонидан доимий мониторинг қилиниб, янгиликлар билан тўлдириб борилади.

10. Профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимларнинг академик мобиллигини ташкил этиш олий таълим ташкилотларининг ўзаро келишув шартномаси асосида амалга оширилади.

11. Талабалар академик мобиллик учун юбуровчи ва қабул қилувчи олий таълим ташкилоти ректорлари (директорлари) томонидан алоҳида белгиланган шартлар асосида сараланади.

Бунда олий таълим ташкилоти ректори (директори) томонидан талабаларнинг қобилиятлари, ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳамда олий таълим ташкилотининг мавжуд имкониятлари (моддий-техник базаси, профессор-ўқитувчилар билан таъминланганлик даражаси ҳамда академик мобилликнинг профессор-ўқитувчилар ўқув юкласига таъсири) инобатга олинади.

Талабгорларни саралашнинг адолатли, шаффоф, манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармаган ҳолда ўтказилиши олий таълим ташкилотлари ректорлари (директорлари) зиммасига юклатилади.

12. Таълим сифати ҳамкор олий таълим ташкилотларининг вакиллари томонидан назорат қилиниши мумкин.

13. Талаба ҳамкор олий таълим ташкилотида ўқиш даври якунлангандан сўнг ўзлаштирган фанлари, баҳо (балл) ёки кредитларни тасдиқловчи транскрипти асосий таълим олаётган олий таълим ташкилоти ўқув-услубий бўлими (бошқармаси)га тақдим этади.

14. Юбуровчи олий таълим ташкилотининг ўқув режасидаги муайян семестр фанлари бўйича талабалар томонидан академик мобиллик даврида тўпланган кредитлар мос равишда тан олинади.

Талаба академик мобиллик даврида белгиланган кредитларни тўплай олмаган ёки фанлар фарқи аниқланган тақдирда, юбуровчи олий таълим ташкилоти ректори (директори) ёзма рухсати билан ушбу фанлардан кредитларни ўзи таҳсил оладиган олий таълим ташкилотида пулли асосда ўзлаштириши мумкин.

Юбуровчи олий таълим ташкилоти ректори (директори) академик мобилликда иштирок этган талабанинг тўплаган кредитлари ва уларни тан олиш, ўзлаштирмаган фанларга кўра академик қарздор деб ҳисоблаш, уларни ўзлаштириш шартларини белгилайди.

15. Талабалар биринчи курснинг биринчи семестрида, битирувчи курснинг сўнгги семестрида, шунингдек, курсдан-курсга қолган талаба сўнгги ўқиган семестридан кейинги семестрда таҳсил олиш бўйича академик мобиллик дастурида иштирок этиши мумкин эмас.

16. Молиявий масалалар, жумладан, академик мобилликда иштирок этаётган талабаларнинг контракт, стипендия тўловлари ва бошқа харажатларни молиялаштириш олий таълим ташкилотлари томонидан имзоланган ўзаро келишув шартномасида белгиланган шартларга мувофиқ амалга оширилади.

**3-боб. Ҳамкор олий таълим ташкилотларида академик
мобилликни ташкил этиш тартиби**

17. Мос ёки турдош соҳа бўйича академик мобилликни амалга оширмоқчи бўлган талаба ҳамкор олий таълим ташкилоти билан ўзаро келишув шартномаси бўлган тақдирда, қуйидаги маълумотлар тўпламини илова қилган ҳолда ректор номига ариза билан мурожаат қилади (кузги ва баҳорги семестр охирида электрон тарзда):

талабанинг Ф.И.О., факультети ва гуруҳи;

сафардан мақсад;

бориши мўлжалланган жой;

сафарга бориш муддати (академик мобиллик давомийлиги камида бир семестр ёки кўпи билан икки семестр бўлиши лозим);

сафар билан боғлиқ харажатларнинг молиялаштириш манбалари.

18. Мобиллик мақсадида сафарга юбориш бўйича ижобий қарор қилинган тақдирда, белгиланган тартибда сафарга юбориш ҳақидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади.

19. Академик мобиллик дастурини яқунлаш шартлари ҳамкор олий таълим ташкилотининг академик тақвимига мувофиқ индивидуал равишда белгиланади.

4-боб. Яқунловчи қоида

20. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасасида сиртқи (махсус сиртқи) ва кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 21 ноябрдаги 930-сон қарорида:

а) 1-иловада:

1-банддаги «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимга талабаларни қабул қилиш Олий таълим ташкилотларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади»;

11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Сиртқи (махсус сиртқи) таълим талабаларини талабалар сафидан четлаштириш ва ўқишини қайта тиклаш Олий таълим ташкилотлари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга асосан амалга оширилади»;

13-банддаги, 31-банднинг биринчи хатбошисидаги ҳамда 32-банддаги «Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги» сўзлари «Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

1-банддаги «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Кечки (сменали) таълимга талабаларни қабул қилиш Олий таълим ташкилотларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади»;

10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Кечки (сменали) таълим талабаларини талабалар сафидан четлаштириш ва ўқишини қайта тиклаш Олий таълим ташкилотлари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга асосан амалга оширилади»;

12-банддаги, 30-банднинг биринчи хатбошисидаги ҳамда 31-банддаги «Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги» сўзлари «Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2018 йил 3 апрелдаги 261-сон қарорида:

а) 2-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 1-иловада:

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ушбу Низом ўқишга қабул қилиш жараёнлари алоҳида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинадиган олий таълим ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди»;

3-бандда:

иккинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошиларидаги «Давлат тест маркази» сўзлари тегишли келишиқда «Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги вакили (кейинги ўринларда Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги вакили деб аталади) — Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги (кейинги ўринларда Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги деб аталади) директорининг буйруғи билан тайинладиган, тест синовлари ўтказиладиган тегишли ҳудуд ва бинода белгиланган вазифа ва мажбуриятлар бўйича амалга ошириладиган тадбирларга умумий раҳбарлик қилувчи ҳамда тест синови иштирокчиларининг вазифаларига мувофиқ ҳаракатини назорат қилувчи ва амалий ёрдам кўрсатувчи ходим»;

4-банднинг биринчи хатбошиси, 5-банд, 7-банднинг биринчи хатбошиси, 17-банд, 3-параграф номи, 28-банд, 5-параграф номи, 32 — 36-бандлар, 38, 39, 54 ва 58-бандлардаги «Давлат тест маркази» сўзлари тегишли келишиқда «Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг биринчи хатбошисидаги «кундузги ва кечки (сменали) таълим шакли учун» сўзлари чиқариб ташлансин;

9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Бакалавриат таълим йўналишларига мос тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси, баҳолаш мезонлари, тест топшириқлари сони ва жавоблар варақаси намунаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланади ҳамда тест синовлари бошланишидан камида 6 ой олдин эълон қилинади»;

12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Абитуриентнинг тест синовида тўплаган баллари ҳақидаги маълумот тест синови ўтказилган куннинг эртасига, унинг талабалikka тавсия этилганлиги ёки этилмаганлиги бўйича белгиланган тартибда тасдиқланган танлов натижаси рўйхатдан ўтишнинг иккинчи босқичи (абитуриентлар томонидан олий таълим муассасаси, таълим йўналиши ва таълим шаклини танлаш жараёни) тўлиқ яқунлангандан кейин бир ҳафта муддат ичида Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади»;

15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Биноларни тайёрлаш, видеокузатувлар орқали жамоатчилик, шу жумладан, абитуриентлар ота-оналарининг кириш тест синовлари жараёнини

онлайн тарзда кузатиб боришлари, абитуриентларни шахсни идентификациялаш воситалари ҳамда видеофиксация курилмалари орқали бинога тегишли ҳудудга киритиш, бинолардаги ва хизмат постларидаги видео ёзувларнинг сақланиши учун шароитлар яратиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг «Хавфсиз шаҳар» тизимларини ривожлантириш маркази томонидан таъминланади.

Ички ишлар вазирлигининг «Хавфсиз шаҳар» тизимларини ривожлантириш маркази томонидан тегишли жойлар шахсни идентификациялаш воситалари (видеофиксация ва бармоқ изларини текширувчи воситалар), видеокузатув, мобил алоқа тўлқинини тўсувчи курилмалар билан таъминланади ҳамда Ички ишлар вазирлиги ўтказилган тест синовлари жараёни бўйича видеоёзувларни сақлайди ва уларни тест синовлари ўтказилган куннинг эртасига Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигига топширади»;

2-параграф ҳамда 24 — 27-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин; 29-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҳар йили 30 июнга қадар тест синовлари ўтказиладиган биноларни мазкур бобнинг 1-параграфида белгиланган талаблар бўйича тест синовларига тайёр ҳолатга келтириш ҳамда бу ҳақда Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигига маълумот бериш»;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тест синовлари ўтказиладиган биноларни санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига тўлиқ жавоб беришини таъминлаш»;

31-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31. Тест синовлари ўтказиладиган ҳудудга ёки бинога кириш жойларида ташкил этилган назорат хизмати постларида хизмат олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Рақамли технологиялар вазирлиги ходимлари томонидан текширув вақтида абитуриент ва гуруҳ назоратчиларида микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари, шпаргалкалар мавжудлиги, шунингдек, бармоқ излари ва фотосурати текширилган вақтда шахси тасдиқланмаганлиги аниқланган тақдирда, бу ҳақида Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг вакили хабардор қилиниб, уларни тест синовларига киритмаслик тўғрисида далолатнома расмийлаштиради»;

48-банд қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тест синовлари давомида абитуриент соғлиги ёмонлашиши сабабли тез тиббий ёрдам ходимлари томонидан олиб кетилса ёки ўз ихтиёри билан тест ўтказиლაётган ҳудуддан чиқиб кетса, унинг тест синови натижаси соғлиги ёмонлашишига қадар жавоблар варақасига белгилаган жавоблари асосида ҳисобланади. Унга бошқа вақтда тест синовини қайта топширишга рухсат берилмайди»;

52-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тест материалларини бинодан ташқарига олиб чиқса ёки олиб чиқишга уринса, тест материалларини тарқатса, тест топшириқлари китоби варағини йиртса»;

53-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«53. Тест синовлари натижасидан норози бўлган абитуриентлар якуний танлов натижалари эълон қилинган куннинг эртасидан бошлаб ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланган апелляция комиссиясига Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда апелляция шикоятини бериш ҳуқуқига эга»;

57-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«57. Апелляция шикояти апелляция комиссияси томонидан фақат абитуриент иштирокида, унинг тест синови жараёнида жавоблар варақасига белгиланган жавоблари тўғрилигини асословчи ёзма равишдаги баёни асосида кўриб чиқилади. Абитуриентнинг ёзма равишдаги баёни ўз тасдиғини топмаган бўлса, апелляция комиссияси тест синовлари натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади»;

12 ва 13-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда миллий ҳамда халқаро баҳолаш тизимлари сертификатларини татбиқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 13 майдаги 395-сон қарорида:

а) 1-банднинг «г» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб тест синовлари (касбий (ижодий) имтиҳон) мажмуасига чет тили фани киритилган барча бакалавриат таълим йўналишларига ҳужжат топширган ва миллий ёки халқаро сертификатнинг қуйидаги даражаларига эга бўлган абитуриентларга ушбу фандан имтиҳонларсиз белгиланган максимал балл берилиши назарда тутилсин:

инглиз тили учун — миллий сертификат ёки International English Language Testing System (academic IELTS 5,5), Test of English as a Foreign Language (TOEFL IBT 72), Cambridge English Qualifications (B2 First, C1 Advanced, C2 Proficiency) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

япон тили учун — миллий сертификат бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

немис тили учун — миллий сертификат ёки Goethe-Zertifikat, Deutsches Sprachdiplom (DSD), Test Deutsch als Fremdsprache (Test DAF) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

француз тили учун — миллий сертификат бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

бошқа тиллар учун — миллий сертификат ёки халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг профессионал таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 11 ноябрдаги 715-сон қарорининг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Белгилаб қўйилсинки:

профессионал таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ўқувчилар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларининг ўқитиш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади;

ўқишга киришда давлат гранти учун ўтиш балининг 80 фоизини тўплаган «Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилалар фарзандлари қабул параметрларидан ташқари қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади;

давлат гранти асосида профессионал таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган шахсларни ўқитиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 августдаги 527-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси ҳисобидан тижорат банклари орқали олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 2⁴-банд билан тўлдирилсин:

«2⁴. «Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилаларнинг талаба фарзандлари учун 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб олий таълим ташкилотларида фанларни ўзлаштиришнинг ўртача кўрсаткичи (GPA (grade point average) кўрсаткичи) «3,5» ва ундан юқори бўлганда, кейинги ўқув йили учун фойсиз таълим кредити ажратилади.

Бунда олий таълим ташкилотларида таълим олаётган камбағал оилаларнинг талаба фарзандлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг «Камбағал оилалар реестри» ахборот тизими орқали аниқланади ҳамда мазкур ахборот тизими Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг «Олий таълим жараёнларини бошқариш» (HEMIS) ахборот тизимига ўзаро интеграция қилинади».

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтидорли ўқувчилар ўртасида фан олимпиадаларини ўтказиш тизимини такомиллаштириш ҳамда хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактабни аниқлаш тизимини жорий этиш тўғрисида» 2021 йил 9 сентябрдаги 562-сон қарорида:

а) 1-банднинг «а» кичик банди иккинчи хатбошисидаги «асосий олимпиадалар, қўшимча республика олимпиадалари, онлайн олимпиадалар» сўзлари «асосий олимпиадалар, муҳандислик-ихтирочилик олимпиадалари, қўшимча республика олимпиадалари, онлайн олимпиадалар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

2-бандда:

куйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«муҳандислик-ихтирочилик олимпиадаси — ўқувчиларнинг назарий билимларини амалиётда қўллай олишини синовдан ўтказиш, ўқувчиларда муҳандислик, ихтирочилик ва конструкторлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган олимпиада»;

учинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

куйидаги мазмундаги 3¹-боб билан тўлдирилсин:

«3¹-боб. Муҳандислик-ихтирочилик олимпиадалари

46¹. Мактаб ўқувчилари ўртасида ижодкорлик, ихтирочилик ҳамда конструкторлик кўникмаларини ривожлантириш мақсадида муҳандислик-ихтирочилик олимпиадалари ташкил қилинади.

Муҳандислик-ихтирочилик олимпиадалари ўғил ва қиз бола ўқувчилар учун алоҳида-алоҳида ўтказилади ҳамда ғолиблар алоҳида-алоҳида аниқланади.

Ҳар йили август ойида Вазирлик томонидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келишилган ҳолда замонавий муҳандислик соҳаларидан келиб чиқиб, жорий ўқув йилида бўлиб ўтадиган муҳандислик-ихтирочилик олимпиадасининг йўналишлари, танлов босқичлари, турлари, шартлари, баҳолаш мезонлари ҳамда ғолиблари қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинадиган олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишлари рўйхати эълон қилинади.

Муҳандислик-ихтирочилик йўналишидаги олимпиада ғолиблари қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинадиган олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишлари рўйхати Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

46². Муҳандислик-ихтирочилик олимпиадаларининг ташкилий жараёнлари асосий олимпиада шартлари каби молиялаштирилади ва ғолиблари рағбатлантирилади.

Муҳандислик-ихтирочилик олимпиадаси ғолиблари ва бир нафар жамоа раҳбари (ўқитувчи) белгиланган мукофот пуллари билан, куйи синф ўқувчилари эса ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланади.

46³. Муҳандислик-ихтирочилик олимпиадаларининг мактаб ўқувчилари ўртасида республика босқичида ғолибликни қўлга киритган битирувчи синф ўқувчиларига давлат олий таълим муассасаларининг олимпиада йўналишига мос ва турдош бакалаврият таълим йўналишларига имтиҳонсиз қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш ҳуқуқини берувчи ҳамда уч йил муддат давомида амал қилувчи сертификат тақдим қилинади».

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 августдаги 457-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси ҳисобидан олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг

тўлов-контракт асосида ўқиши учун таълим кредитларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 2⁴-банд билан тўлдирилсин:

«2⁴. «Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилаларнинг талаба фарзандлари учун 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб олий таълим ташкилотларида фанларни ўзлаштиришнинг ўртача кўрсаткичи (GPA (grade point average) кўрсаткичи) «3,5» ва ундан юқори бўлганда, кейинги ўқув йили учун фоизсиз таълим кредити ажратилади.

Бунда олий таълим ташкилотларида таълим олаётган камбағал оилаларнинг талаба фарзандлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг «Камбағал оилалар реестри» ахборот тизими орқали аниқланади ҳамда мазкур ахборот тизими Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг «Олий таълим жараёнларини бошқариш» (HEMIS) ахборот тизимига ўзаро интеграция қилинади».

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисобланаётган баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2012 йил 1 июндаги 160-сон қарорига илованинг 2-банди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 2013 йил 16 сентябрдаги 255-сон қарорининг 3-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига кириш тест синовларига тайёргарлик жараёни оптималлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2016 йил 16 июндаги 209-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2017 йил 11 майдаги 270-сон қарорига 1-илованинг 39-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 2 июндаги 347-сон қарорига 2-илованинг 5-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг

айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2017 йил 12 сентябрдаги 712-сон қарорига илованинг 38-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларига олий таълим муассасаларига киришда имтиёзлар бериш тўғрисида» 2017 йил 14 ноябрдаги 914-сон қарорининг 5-банди ва унга 3-илова.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2018 йил 9 январдаги 18-сон қарори.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2018 йил 5 июлдаги 508-сон қарорига 1-илованинг 39-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалавриат таълим йўналишларига кириш тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтиҳонлар орқали қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2018 йил 27 июлдаги 588-сон қарори.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида» 2018 йил 9 августдаги 638-сон қарорига илованинг 15-банди.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2019 йил 27 апрелдаги 360-сон қарори.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг фаолиятини кучайтириш тўғрисида» 2019 йил 9 июлдаги 572-сон қарорига 2-илованинг 1-банди.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 15 мартдаги ПФ–5690-сон Фармони)» 2019 йил 21 октябрдаги 886-сон қарорига илованинг 15-банди.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 28 июндаги ПК–4375-сон қарори)» 2019 йил 6 декабрдаги 973-сон қарорига 1-илованинг 6-банди.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 22 апрелдаги ПҚ–4296-сон қарори)» 2019 йил 20 декабрдаги 1022-сон қарорига илованинг 2-банди.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон Фармони)» 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 166-банди.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон халқаро ислом академиясига ўқишга қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 5 июндаги 358-сон қарори.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 23 июндаги 402-сон қарорининг 2-банди.

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3726-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2020 йил 16 июндаги ПҚ–4753-сон қарори)» 2020 йил 10 августдаги 470-сон қарорига илованинг 2-банди.

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ–4688-сон қарори)» 2020 йил 21 августдаги 499-сон қарорига илованинг 2-банди.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Тест тизимини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 17 сентябрдаги 562-сон қарорига илованинг 1-банди.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарорига 4-илованинг 39-банди.

25. Вазирлар Маҳкамасининг «Умумтаълим фанларини билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизимини жорий этиш тўғрисида» 2020 йил 12 октябрдаги 646-сон қарорига 3-илованинг 1-банди.

26. Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсати тубдан такомиллаштирилиши

муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2020 йил 14 декабрдаги 777-сон қарорига 1-илованинг 19-банди.

27. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2021 йил 3 июндаги 344-сон қарорининг 4-банди ва унга 2-илова.

28. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2021 йил 22 октябрдаги 655-сон қарорининг 4-банди ва унга 3-илова.

29. Вазирлар Маҳкамасининг «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 25 октябрдаги 656-сон қарорига 2-илованинг 6-банди.

30. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқишга номзодларни саралаб олиш ва қабул қилиш, курсантларни ўқишдан четлаштириш ва қайта тиклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2021 йил 27 декабрдаги 775-сон қарорига 3-илованинг 1-банди.

31. Вазирлар Маҳкамасининг «Маданият, санъат ва спорт йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига кириш учун белгиланган имтиёзлар оптималлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2022 йил 12 январдаги 20-сон қарорига илованинг 2-банди.

32. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни)» 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 417 ва 512-бандлари.

33. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш жараёнини янада соддалаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2022 йил 14 июлдаги 386-сон қарори.

34. Вазирлар Маҳкамасининг «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2022 йил 9 августдаги 438-сон қарорига 1-илованинг 9-банди.

35. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2022 йил 28 сентябрдаги 541-сон қарорига илованинг 5-банди.

36. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълимга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 6 апрелдаги 143-сон қарорига 4-иловининг 4-банди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI
О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI SOLIQ QO‘MITASINING
QARORI****543 Elektr energiyasini sotishni buxgalteriya hisobida aks
ettirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va
qo‘shimchalar kiritish haqida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
9-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2127-5*

O‘zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 18-iyundagi PF–6010-son “Tabiiy gaz va elektr energiyasini sotish mexanizmini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoni hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 31-maydagi 319-son “Elektr energiyasi va tabiiy gazdan foydalanish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Soliq qo‘mitasi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi va Davlat soliq qo‘mitasining 2010-yil 7-iyuldagi 53, 2010-32-son qarori (ro‘yxat raqami 2127, 2010-yil 31-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 31-son, 263-modda) bilan tasdiqlangan Elektr energiyasini sotishni buxgalteriya hisobida aks ettirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Energetika vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Iqtisodiyot va moliya vaziri**D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,
2025-yil 7-avgust,
276-son

Soliq qo‘mitasi raisi**Sh. KUDBIYEV**

Toshkent sh.,
2025-yil 6-avgust,
2025-15-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 10-sentabrda e‘lon qilingan.

Kelishildi:

*Energetika vazirining
birinchi o‘rinbosari*
2025-yil 15-iyul

B. MAMATKARIMOV

O‘zbekiston Respublikasi
Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil
7-avgustdagi 276-son va Soliq qo‘mitasining
2025-yil 6-avgustdagi 2025-15-son qaroriga
ILOVA

**Elektr energiyasini sotishni buxgalteriya hisobida aks ettirish
tartibi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirish va
qo‘shimchalar**

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom hududiy elektr tarmoqlari korxonalari (keyingi o‘rinlarda — HETK) tomonidan elektr energiyasini sotishning buxgalteriya hisobi masalalarini tartibga soladi.”.

2. 1-bandning ikkinchi xatboshisi chiqarib tashlansin.

3. 2-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“2. HETK elektr energiyasini “O‘zenergosotish” AJdan elektr energiyasini sotib olish shartnomasiga asosan oladi. HETK har oyda “Hududiy elektr tarmoqlari” AJning tegishli vakillari bilan birgalikda elektr tarmog‘ining balans bo‘yicha mansublilik chegarasida hisob-kitob davri uchun elektr energiyasini hisobga olish asboblari ko‘rsatkichlarini yozib oladi.

“O‘zenergosotish” AJdan elektr energiyasini sotib olish bo‘yicha operatsiyalar HETKning buxgalteriya hisobida quyidagicha aks ettiriladi:

a) elektr energiyasini yetkazib berish to‘g‘risidagi dalolatnomaga asosan tuzilgan va HETK uchun rasmiylashtirilgan hisobvara-q-fakturaga muvofiq:

debet 2990 “Boshqa tovarlar” hisobvarag‘ida “Elektr energiyasi” hisobvarag‘ini alohida ajratgan holda;

kredit 6010 “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to‘lovlar” hisobvarag‘i — har oylik elektr energiyasini yetkazib berish to‘g‘risidagi dalolatnoma va hisobvara-q-fakturaga asosan xarid qilingan elektr energiyasining summasiga;

b) olingan hisobvara-q-fakturaga muvofiq sotib olingan elektr energiyasi bo‘yicha QQS summasiga:

debet 4410 “Budjetga soliqlar va yig‘imlar bo‘yicha bo‘nak to‘lovlari (turlari bo‘yicha)” hisobvarag‘i;

kredit 6010 “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to‘lovlar” hisobvarag‘i;

v) HETK tomonidan xarid qilinayotgan elektr energiyasi bo‘yicha bo‘nak to‘lovlari amalga oshirilganda:

debit 4310 “Tovar-moddiy zaxiralar uchun mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga berilgan bo‘naklar” hisobvarag‘i;

kredit pul mablag‘larini hisobga oluvchi hisobvaraqlar (5100, 5500 va h.k.) — hisobot davrida xarid qilinayotgan elektr energiyasi uchun berilgan bo‘nak summasiga;

g) xarid qilingan elektr energiyasi uchun yakuniy hisob-kitoblar amalga oshirilayotganda ilgari berilgan bo‘nak to‘lovlari summasi hisobga olinganda:

debit 6010 “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to‘lovlar” hisobvarag‘i;

kredit 4310 “Tovar-moddiy zaxiralar uchun mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga berilgan bo‘naklar” hisobvarag‘i;

d) hisobot davri mobaynida xarid qilingan elektr energiyasi uchun yakuniy hisob-kitoblar har oylik elektr energiyasini yetkazib berish to‘g‘risidagi dalolatnoma va hisobvaraq-fakturaga muvofiq amalga oshirilganda:

debit 6010 “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to‘lovlar” hisobvarag‘i;

kredit pul mablag‘larini hisobga oluvchi hisobvaraqlar (5100, 5500 va h.k.) — ilgari berilgan bo‘naklar hisobga olingandan keyin to‘langan pul mablag‘lari summasiga.”.

4. 3-paragrafning nomidagi “iste‘molchi — yuridik shaxslarga” degan so‘zlar “iste‘molchilarga (maishiy iste‘molchilardan tashqari)” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

5. 3 va 4-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Bevosita HETKlarning elektr tarmoqlaridan hamda iste‘molchilar (maishiy iste‘molchilardan tashqari) yoki subiste‘molchilarning elektr tarmoqlari orqali uzatilayotgan (yetkazib berilayotgan) elektr energiyasi uchun iste‘molchilar (maishiy iste‘molchilardan tashqari) bilan hisob-kitoblar qonunchilikda belgilangan tartibda tasdiqlangan elektr energiyasining tegishli tariflari bo‘yicha elektr ta‘minoti shartnomasiga asosan amalga oshiriladi.

Barcha elektr energiyasi iste‘molchilari (maishiy iste‘molchilardan tashqari) HETK bilan birgalikda hisob-kitob davri tamom bo‘lgandan keyin har oyning 5-sanasiga qadar foydalanilgan elektr energiyasi uchun o‘zaro hisob-kitoblarning taqqoslash dalolatnomasini tuzadi.

4. Barcha toifadagi iste‘molchilarga (maishiy iste‘molchilardan tashqari) elektr energiyasini har oyda yetkazib berish shartnomaga muvofiq tegishli oy uchun yetkazib berilishi nazarda tutilgan elektr energiyasi hajmining qiymatidan qonunchilikda belgilangan miqdorda bo‘nak to‘lovi iste‘molchi (maishiy iste‘molchilardan tashqari) tomonidan to‘langandan keyin amalga oshiriladi.”.

6. 5-bandda:

ikkinchi xatboshidagi “schyotlar” degan so‘z “hisobvaraqlar” degan so‘z bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit 6310 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olingan bo‘naklar — joriy qismi” hisobvarag‘i.”.

7. 6-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“6. Iste‘molchining (maishiy iste‘molchilardan tashqari) elektr energiyasi haqini to‘lash, reaktiv energiya kompensatsiyasi uchun tarifga ustamalar,

shuningdek, noqonuniy foydalanilgan elektr energiyasi qayta hisob-kitobi hamda quvvat koeffitsiyenti qiymatining iste'molchilar tomonidan elektr ta'minoti shartnomasida ko'rsatilganiga nisbatan pasaytirilgani uchun hisoblangan mablag' va penya bo'yicha qarzi bo'lgan taqdirda, uning avans to'lovi hisobiga o'tkazilgan mablag'lari qarzni qoplashga yo'naltiriladi va avans to'lovi (oldindan haq to'lash) sifatida hisobga olinmaydi. Qarzni qoplashga yo'naltirilgan mablag'lar buxgalteriya hisobida quyidagicha aks ettiriladi:

debit pul mablag'larini hisobga oluvchi hisobvaraqlar (5100, 5200, 5500 va h. k.);

kredit 4010 "Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to'lovlar" hisobvarag'i;

kredit 4860 "Da'volar bo'yicha olinadigan to'lovlar" hisobvarag'i — penya bo'yicha summaga."

8. 7-banddagi "Iste'molchi — yuridik shaxsning" degan so'zlar "Iste'molchining (maishiy iste'molchilardan tashqari)" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

9. 8-bandda:

birinchi va ikkinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"8. Iste'molchilarga (maishiy iste'molchilardan tashqari) hisobot davrida yetkazib berilgan (sotilgan) elektr energiyasi hajmi elektr energiyasini hisobga olish va nazorat qilishning avtomatlashtirilgan tizimi (EHNAT) orqali yozib olingan yoki iste'molchi tomonidan taqdim etilgan elektr energiyasi sarfi to'g'risidagi hisobotlardagi hisobga olish asboblari ko'rsatkichlaridan kelib chiqib elektr energiyasi iste'molining amalga oshirilgan hisoblanishi asosida aniqlanadi.

Iste'molchi tomonidan elektr energiyasi sarfi to'g'risida HETKga belgilangan shakl bo'yicha bevosita o'zi, faks, elektron yoki pochta aloqasi orqali taqdim etilgan hisobot yuridik shaxslar hamda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshiruvchi jismoniy shaxslar uchun iste'mol qilingan elektr energiyasining amaldagi hajmini aniqlash uchun asos bo'lib xizmat qiladi."

uchinchi xatboshidagi "iste'molining shartnomaviy miqdori" degan so'zlar "iste'molchining shartnomaviy miqdori" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

to'rtinchi xatboshidagi "Byuro" degan so'z "HETK" degan so'z bilan almashtirilsin.

10. 9-bandda:

birinchi xatboshidagi "iste'molchi — yuridik shaxsga O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksining 222-moddasining talablariga muvofiq schyot-faktura yozib beradi" degan so'zlar "iste'molchiga (maishiy iste'molchilardan tashqari) O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksining 47-moddasining talablariga muvofiq hisobvara-faktura taqdim etadi" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi "Iste'molchi — yuridik shaxsda" va "schyot-faktura yoziladi" degan so'zlar tegishli ravishda "Iste'molchida (maishiy iste'molchilardan tashqari)" va "hisobvara-faktura taqdim etiladi" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

11. 10-bandda:

birinchi xatboshidagi "Iste'molchi — yuridik shaxslarga" degan so'zlar "Iste'molchilarga (maishiy iste'molchilardan tashqari)" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“debet 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to‘lovlar” hisobvarag‘i;”;

uchinchi xatboshidagi “schyoti” va “schyot-faktura” degan so‘zlar tegishli ravishda “hisobvarag‘i” va “hisobvara-q-faktura” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

to‘rtinchi xatboshidagi “qarz” va “schyoti” degan so‘zlar tegishli ravishda “qarzlilar” va “hisobvarag‘i” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

12. 11-bandning ikkinchi va uchinchi xatboshilari quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“debet 6310 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olingan bo‘naklar — joriy qismi” hisobvarag‘i;

kredit 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to‘lovlar” hisobvarag‘i.”.

13. 12-bandda:

1) birinchi xatboshidagi “iste‘molchi — yuridik shaxslarga” va “iste‘molchi — yuridik shaxslar” degan so‘zlar tegishli ravishda “iste‘molchilarga (maishiy iste‘molchilardan tashqari)” va “iste‘molchilar (maishiy iste‘molchilardan tashqari)” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) “a” kichik bandda:

birinchi xatboshidagi “iste‘molchi — yuridik shaxslarga” degan so‘zlar “iste‘molchilarga (maishiy iste‘molchilardan tashqari)” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi, uchinchi va to‘rtinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“debet 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to‘lovlar” hisobvarag‘i;

kredit 9020 “Tovarlarni sotishdan daromadlar” hisobvarag‘i — elektr energiyasini iste‘molchilarga (maishiy iste‘molchilardan tashqari) elektr ta‘minotining namunaviy shartnomasiga muvofiq tayyorlangan HETK va iste‘molchi (maishiy iste‘molchilardan tashqari) o‘rtasidagi elektr ta‘minoti shartnomasiga asosan hisoblangan shartnomadagi miqdor bo‘yicha sotishdan olingan tushum summasiga;

kredit 6410 “Budjetga to‘lovlar bo‘yicha qarzlilar (turlari bo‘yicha)” hisobvarag‘i — iste‘molchilarga (maishiy iste‘molchilardan tashqari) sotilgan elektr energiyasining shartnomadagi miqdori bo‘yicha hisoblangan hajmdan hisoblangan QQS summasiga;”;

3) “b” kichik bandda:

birinchi xatboshidagi “iste‘molchi — yuridik shaxslarga” degan so‘zlar “iste‘molchilarga (maishiy iste‘molchilardan tashqari)” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “schyoti” degan so‘z “hisobvarag‘i” degan so‘z bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit 2990 “Boshqa tovarlar” hisobvarag‘ida “Elektr energiyasi” hisobvarag‘ini alohida ajratgan holda — qonunchilikda belgilangan tartibda elektr energiyasi iste‘molining shartnomadagi hisoblangan miqdori bo‘yicha sotish

hajmi (miqdori) va elektr energiyasini sotib olish qiymatidan kelib chiqqan holda hisoblangan iste'molchilarga (maishiy iste'molchilardan tashqari) sotilgan elektr energiyasining tannarxi (sotib olish qiymati) summasiga;"

4) "v" kichik bandda:

birinchi xatboshidagi "iste'molchi — yuridik shaxs" degan so'zlar "iste'molchi (maishiy iste'molchilardan tashqari)" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi va uchinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"debet 6310 "Xaridorlar va buyurtmachilardan olingan bo'naklar — joriy qismi" hisobvarag'i;

kredit 4010 "Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to'lovlar" hisobvarag'i;"

5) "g" kichik bandda:

birinchi va ikkinchi xatboshilardagi "iste'molchi — yuridik shaxslar" degan so'zlar "iste'molchilar (maishiy iste'molchilardan tashqari)" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"debet 4010 "Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to'lovlar" hisobvarag'i;"

to'rtinchi xatboshidagi "schyoti" degan so'z "hisobvarag'i" degan so'z bilan almashtirilsin;

beshinchi xatboshidagi "qarz" va "schyoti" degan so'zlar tegishli ravishda "qarzarlar" va "hisobvarag'i" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

yettinchi xatboshidagi "schyoti" degan so'z "hisobvarag'i" degan so'z bilan almashtirilsin;

sakkizinchi xatboshidagi "schyotida" va "schyotini" degan so'zlar tegishli ravishda "hisobvarag'ida" va "hisobvarag'ini" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

o'ninchi va o'n birinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"debet 6310 "Xaridorlar va buyurtmachilardan olingan bo'naklar — joriy qismi" hisobvarag'i;

kredit 4010 "Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to'lovlar" hisobvarag'i;"

o'n ikkinchi xatboshidagi "iste'molchi — yuridik shaxslar" degan so'zlar "iste'molchilar (maishiy iste'molchilardan tashqari)" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

o'n uchinchi xatboshidagi "schyoti" degan so'z "hisobvarag'i" degan so'z bilan almashtirilsin;

o'n to'rtinchi xatboshidagi "qarz" va "schyoti" degan so'zlar tegishli ravishda "qarzarlar" va "hisobvarag'i" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

o'n beshinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"kredit 4010 "Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to'lovlar" hisobvarag'i;"

o'n yettinchi xatboshidagi "schyotida" va "schyotini" degan so'zlar tegishli ravishda "hisobvarag'ida" va "hisobvarag'ini" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

o'n sakkizinchi xatboshidagi "schyoti" degan so'z "hisobvarag'i" degan so'z bilan almashtirilsin;

o'n to'qqizinchi xatboshidagi "iste'molchi — yuridik shaxsning" degan so'zlar "iste'molchining (maishiy iste'molchilardan tashqari)" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

yigirmanchi va yigirma birinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“debet 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to'lovlar” hisobvarag'i;

kredit 6310 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olingan bo'naklar — joriy qismi” hisobvarag'i.”.

14. 13-bandda:

birinchi va ikkinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 31-maydagi 319-son qarori bilan tasdiqlangan Elektr energiyasidan foydalanish qoidalarining 133-bandida belgilangan elektr energiyasidan foydalanish qoidalarini buzish (noqonuniy foydalanish) holatlari bo'yicha amalga oshiriladigan qayta hisob-kitoblar buxgalteriya hisobida quyidagicha aks ettiriladi:

debet 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to'lovlar” hisobvarag'i;”;

uchinchi xatboshidagi “schyoti” degan so'z “hisobvarag'i” degan so'z bilan almashtirilsin;

to'rtinchi xatboshidagi “qarz” va “schyoti” degan so'zlar tegishli ravishda “qarzlar” va “hisobvarag'i” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

beshinchi xatboshidagi “iste'molchi — yuridik shaxsning” degan so'zlar “iste'molchining (maishiy iste'molchilardan tashqari)” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

oltinchi xatboshidagi “schyoti” degan so'z “hisobvarag'i” degan so'z bilan almashtirilsin;

yettinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit 2990 “Boshqa tovarlar” hisobvarag'ida “Elektr energiyasi” hisobvarag'ini alohida ajratgan holda — qo'shimcha ravishda qayta hisoblangan davr mobaynida qonunchilikda belgilangan tartibda elektr energiyasi iste'molining shartnomadagi hisoblangan miqdori bo'yicha sotish hajmi (miqdori)dan va elektr energiyasini sotib olish qiymatidan kelib chiqqan holda qo'shimcha ravishda qayta hisoblangan elektr energiyasi sarfining tannarxi summasiga;”;

quyidagi mazmundagi sakkizinchi, to'qqizinchi va o'ninchi xatboshilar bilan to'ldirilsin:

“o'zlarining elektr qurilmalarini HETKning elektr tarmoqlariga o'zboshimchalik bilan ulagan taqdirda, iste'molchilar (maishiy iste'molchilardan tashqari) tomonidan foydalanilgan elektr energiyasi tannarxini hisobdan chiqarish:

debet 9120 “Sotilgan tovarlarning tannarxi” hisobvarag'i;

kredit 2990 “Boshqa tovarlar” hisobvarag'ida “Elektr energiyasi” hisobvarag'ini alohida ajratgan holda — o'zlarining elektr qurilmalarini HETKning elektr tarmoqlariga o'zboshimchalik bilan ulagan hollarda, undirish hisoblanilgan davr mobaynida elektr energiyasining foydalanilgan hajmi (miqdori) va sotib olish qiymatidan kelib chiqib hisoblangan iste'molchi (maishiy iste'molchilardan tashqari) tomonidan foydalanilgan elektr energiyasining tannarxi summasiga.”.

15. 14, 27-bandlar va 7¹-paragraf o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

16. 15-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“15. Iste'molchilar (maishiy iste'molchilardan tashqari) oy mobaynida yetkazib berilgan elektr energiyasi uchun yakuniy hisob-kitoblarni qonunchilikka muvofiq tuzilgan elektr ta'minoti shartnomasida ko'rsatilgan muddatlarda amalga oshiradi. Iste'mol qilingan elektr energiyasi uchun elektr ta'minoti shartnomasida belgilangan muddatlarda to'lanmagan qarzi bo'lgan yuridik shaxslarga elektr energiyasi yetkazib berish to'xtatib qo'yiladi (maxsus tartibga ko'ra elektr energiyasi yetkazib beriladigan iste'molchilar bundan mustasno). Ayni bir vaqtda, HETK iste'molchining (maishiy iste'molchilardan tashqari) shaxsiy varaqasidagi ma'lumotlarga asosan hisob davrida yetkazib berilgan elektr energiya miqdorini so'm qiymatida xizmat ko'rsatuvchi bank orqali to'lov talabnomasini elektron shaklda iste'molchining xizmat ko'rsatuvchi bankiga taqdim etadi.”.

17. 16-bandda:

birinchi xatboshidagi “schyot-fakturaga” degan so'z “hisobvaraqa-fakturaga” degan so'z bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “schyotlar” degan so'z “hisobvaraqlar” degan so'z bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan schyotlar” schyoti” degan so'zlar “4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to'lovlar” hisobvarag'i” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

18. 17-bandda:

birinchi xatboshidagi “Iste'molchi — yuridik shaxs” degan so'zlar “Iste'molchi (maishiy iste'molchilardan tashqari)” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “4860 “Da'volar bo'yicha olinadigan schyotlar” schyoti” degan so'zlar “4860 “Da'volar bo'yicha olinadigan to'lovlar” hisobvarag'i” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “schyoti” degan so'z “hisobvarag'i” degan so'z bilan almashtirilsin.

19. 18-bandda:

1) birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“18. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 31-maydagi 319-son qarori bilan tasdiqlangan Elektr energiyasidan foydalanish qoidalarining 135-bandida belgilangan texnik xato va kamchiliklar yoki elektr energiyasidan foydalanish qoidalarining iste'molchining aybisiz buzilish holatlari bo'yicha iste'molchiga yetkazib berilgan elektr energiyasi uchun amalga oshiriladigan qayta hisob-kitoblar buxgalteriya hisobida quyidagicha aks ettiriladi:”;

2) “a” kichik bandda:

birinchi va ikkinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“a) texnik xato va kamchiliklar yoki elektr energiyasidan foydalanish qoidalarining iste'molchining aybisiz buzilishi holatlari bo'yicha rasmiylashtirilgan dalolatnoma va to'lov uchun qo'shimcha yozib berilgan to'lov hujjati asosida iste'molchiga (maishiy iste'molchilardan tashqari) sotilgan elektr energiyasi hajmi bo'yicha qayta hisob-kitoblarni amalga oshirish:

debet 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to‘lovlar” hisobvarag‘i;”;

uchinchi xatboshidagi “schyoti” degan so‘z “hisobvarag‘i” degan so‘z bilan almashtirilsin;

to‘rtinchi xatboshidagi “qarz” va “schyoti” degan so‘zlar tegishli ravishda “qarzlar” va “hisobvarag‘i” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

3) “b” kichik bandda:

ikkinchi xatboshidagi “schyoti” degan so‘z “hisobvarag‘i” degan so‘z bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “schyotida” va “schyotini” degan so‘zlar tegishli ravishda “hisobvarag‘ida” va “hisobvarag‘ini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

20. 19-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“19. Hisob-kitob davrida iste‘molchilar tomonidan (maishiy iste‘molchilardan tashqari) elektr energiyasi iste‘moli shartnomaviy miqdordan 20 foiz va undan ortishiga yo‘l qo‘yilgan taqdirda, mazkur miqdordan ortiq iste‘mol qilingan elektr energiyasi uchun belgilangan tarifning 1,2 baravari miqdorida to‘lov undiriladi.”;

ikkinchi xatboshidagi “iste‘molchi — yuridik shaxsning” degan so‘zlar “iste‘molchining (maishiy iste‘molchilardan tashqari)” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

21. 21-band quyidagi mazmundagi ikkinchi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“EHNATga ulangan hisoblagichga ega bo‘lgan iste‘molchilarga elektr energiyasi oldindan to‘langan to‘lov doirasida yetkazib beriladi.”.

22. 23-bandda:

ikkinchi xatboshidagi “schyotlar” degan so‘z “hisobvaraqlar” degan so‘z bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit 6310 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olingan bo‘naklar — joriy qismi” hisobvarag‘i.”.

23. 24-bandda:

1) “a” kichik bandda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“debet 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to‘lovlar” hisobvarag‘i;”;

uchinchi xatboshidagi “schyoti” degan so‘z “hisobvarag‘i” degan so‘z bilan almashtirilsin;

to‘rtinchi xatboshidagi “qarz” va “schyoti” degan so‘zlar tegishli ravishda “qarzlar” va “hisobvarag‘i” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) “b” kichik bandda:

ikkinchi xatboshidagi “schyoti” degan so‘z “hisobvarag‘i” degan so‘z bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “schyotida” va “schyotini” degan so‘zlar tegishli ravishda “hisobvarag‘ida” va “hisobvarag‘ini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

3) “v” kichik bandning ikkinchi va uchinchi xatboshilari quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“debet 6310 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olingan bo‘naklar — joriy qismi” hisobvarag‘i;

kredit 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to‘lovlar” hisobvarag‘i;”;

4) “g” kichik bandda:

uchinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“debet 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to‘lovlar” hisobvarag‘i;”;

to‘rtinchi xatboshidagi “schyoti” degan so‘z “hisobvarag‘i” degan so‘z bilan almashtirilsin;

beshinchi xatboshidagi “qarz” va “schyoti” degan so‘zlar tegishli ravishda “qarzarlar” va “hisobvarag‘i” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

yettinchi xatboshidagi “schyoti” degan so‘z “hisobvarag‘i” degan so‘z bilan almashtirilsin;

sakkizinchi xatboshidagi “schyotida” va “schyotini” degan so‘zlar tegishli ravishda “hisobvarag‘ida” va “hisobvarag‘ini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

o‘ninchi va o‘n birinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“debet 6310 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olingan bo‘naklar — joriy qismi” hisobvarag‘i;

kredit 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to‘lovlar” hisobvarag‘i;”;

o‘n uchinchi xatboshidagi “schyoti” degan so‘z “hisobvarag‘i” degan so‘z bilan almashtirilsin;

o‘n to‘rtinchi xatboshidagi “qarz” va “schyoti” degan so‘zlar tegishli ravishda “qarzarlar” va “hisobvarag‘i” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

o‘n beshinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to‘lovlar” hisobvarag‘i;”;

o‘n yettinchi xatboshidagi “schyotida” va “schyotini” degan so‘zlar tegishli ravishda “hisobvarag‘ida” va “hisobvarag‘ini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

o‘n sakkizinchi xatboshidagi “schyoti” degan so‘z “hisobvarag‘i” degan so‘z bilan almashtirilsin;

yigirmanchi va yigirma birinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“debet 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to‘lovlar” hisobvarag‘i;

kredit 6310 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olingan bo‘naklar — joriy qismi” hisobvarag‘i.”.

24. 25-bandda:

birinchi va ikkinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“25. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 31-maydagi 319-son qarori bilan tasdiqlangan Elektr energiyasidan foydalanish qoidalarining 133-bandida belgilangan elektr energiyasidan foydalanish qoidalarini buzish (noqonuniy foydalanish) holatlari bo‘yicha amalga oshiriladigan qayta hisob-kitoblar buxgalteriya hisobida quyidagicha aks ettiriladi:

debet 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to‘lovlar” hisobvarag‘i;”;

uchinchi xatboshidagi “schyoti” degan so‘z “hisobvarag‘i” degan so‘z bilan almashtirilsin;

to‘rtinchi xatboshidagi “qarz” va “schyoti” degan so‘zlar tegishli ravishda “qarzlار” va “hisobvarag‘i” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

oltinchi xatboshidagi “schyoti” degan so‘z “hisobvarag‘i” degan so‘z bilan almashtirilsin;

yettinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit 2990 “Boshqa tovarlar” hisobvarag‘ida “Elektr energiyasi” hisobvarag‘ini alohida ajratgan holda — qo‘shimcha ravishda qayta hisoblangan davr mobaynida qonunchilikda belgilangan tartibda elektr energiyasi iste‘molining shartnomada hisoblangan miqdori bo‘yicha yoki o‘tgan davrlar uchun elektr energiyasining haqiqiy sarfi to‘g‘risidagi ma‘lumotlar asosida hisoblangan sotish hajmi (miqdori)dan va elektr energiyasini sotib olish qiymatidan kelib chiqqan holda qo‘shimcha ravishda qayta hisoblangan elektr energiyasi sarfining tannarxi (sotib olish qiymati) summasiga;”;

quyidagi mazmundagi sakkizinchi, to‘qqizinchi va o‘ninchi xatboshilar bilan to‘ldirilsin:

“o‘zlarining elektr qurilmalarini HETKning elektr tarmoqlariga o‘zboshimchalik bilan ulagan hollarda, maishiy iste‘molchi tomonidan foydalanilgan elektr energiyasi tannarxini hisobdan chiqarish:

debet 9120 “Sotilgan tovarlarning tannarxi” hisobvarag‘i;

kredit 2990 “Boshqa tovarlar” hisobvarag‘ida “Elektr energiyasi” hisobvarag‘ini alohida ajratgan holda — undirish hisoblanilgan davrda o‘zlarining elektr qurilmalarini HETKning elektr tarmoqlariga o‘zboshimchalik bilan ulagan hollarda, maishiy iste‘molchilar tomonidan elektr energiyasining foydalanilgan hajmi (miqdori) va sotib olish qiymatidan kelib chiqib hisoblangan foydalanilgan elektr energiyasining tannarxi (sotib olish qiymati) summasiga.”.

25. 26-bandda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“debet 4860 “Da‘volar bo‘yicha olinadigan to‘lovlar” hisobvarag‘i;”;

uchinchi xatboshidagi “schyoti” degan so‘z “hisobvarag‘i” degan so‘z bilan almashtirilsin.

26. 29-bandda:

1) birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“29. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 31-maydagi 319-son qarori bilan tasdiqlangan Elektr energiyasidan foydalanish qoidalarining 135-bandida belgilangan texnik xato va kamchiliklar yoki elektr energiyasidan foydalanish qoidalarining iste‘molchining aybisiz buzilish holatlari bo‘yicha iste‘molchiga yetkazib berilgan elektr energiyasi uchun amalga oshiriladigan qayta hisob-kitoblar buxgalteriya hisobida quyidagicha aks ettiriladi:”;

2) “a” kichik bandda:

birinchi va ikkinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“a) texnik xato va kamchiliklar yoki elektr energiyasidan foydalanish

qoidalarining iste'molchining aybisiz buzilishi holatlari bo'yicha HETK tomonidan rasmiylashtirilgan dalolatnoma va to'lov uchun qo'shimcha yozib berilgan to'lov hujjati asosida maishiy iste'molchiga sotilgan elektr energiyasi hajmi bo'yicha qayta hisob-kitoblarni amalga oshirish:

debet 4010 "Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to'lovlar" hisobvarag'i";

uchinchi xatboshidagi "schyoti" degan so'z "hisobvarag'i" degan so'z bilan almashtirilsin;

to'rtinchi xatboshidagi "qarz" va "schyoti" degan so'zlar tegishli ravishda "qarzar" va "hisobvarag'i" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

3) "b" kichik bandda:

ikkinchi xatboshidagi "schyoti" degan so'z "hisobvarag'i" degan so'z bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi "schyotida" va "schyotini" degan so'zlar tegishli ravishda "hisobvarag'ida" va "hisobvarag'ini" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

27. 30-bandda:

ikkinchi xatboshidagi "schyoti" degan so'z "hisobvarag'i" degan so'z bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi "schyotida" va "schyotini" degan so'zlar tegishli ravishda "hisobvarag'ida" va "hisobvarag'ini" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

28. 33-bandda:

1) "a" kichik bandda:

to'rtinchi xatboshidagi "schyotlar" va "Yetkazib berilgan elektr energiyasi qiymatidagi tafovut" schyotini" degan so'zlar tegishli ravishda "hisobvaraqlar" va "Yetkazib berilgan elektr energiyasi qiymatidagi tafovut" hisobvarag'ini" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

beshinchi xatboshidagi "schyotida" va "schyotini" degan so'zlar tegishli ravishda "hisobvarag'ida" va "hisobvarag'ini" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2) "b" kichik bandda:

birinchi xatboshidagi "schyotlar" va "Yekazib berilgan elektr energiyasi qiymatidagi tafovut" schyotining" degan so'zlar tegishli ravishda "hisobvaraqlar" va "Yetkazib berilgan elektr energiyasi qiymatidagi tafovut" hisobvarag'ining" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi "schyoti" degan so'z "hisobvarag'i" degan so'z bilan almashtirilsin;

to'rtinchi xatboshidagi "schyotlar" va "Yetkazib berilgan elektr energiyasi qiymatidagi tafovut" schyotini" degan so'zlar tegishli ravishda "hisobvaraqlar" va "Yetkazib berilgan elektr energiyasi qiymatidagi tafovut" hisobvarag'ini" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

oltinchi xatboshidagi "schyoti" degan so'z "hisobvarag'i" degan so'z bilan almashtirilsin;

yettinchi xatboshidagi "schyotlar" va "schyotlarning" degan so'zlar tegishli ravishda "hisobvaraqlar" va "hisobvaraqlarning" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

sakkizinchi xatboshidagi "schyotlar" va "Yetkazib berilgan elektr energiyasi qiymatidagi tafovut" schyotining" degan so'zlar tegishli ravishda "hisobvaraqlar"

va “Yetkazib berilgan elektr energiyasi qiymatidagi tafovut” hisobvarag‘ining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

to‘qqizinchi xatboshidagi “schyotlar” va “Yetkazib berilgan elektr energiyasi qiymatidagi tafovut” schyotini” degan so‘zlar tegishli ravishda “hisobvaraqlar” va “Yetkazib berilgan elektr energiyasi qiymatidagi tafovut” hisobvarag‘ini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

o‘ninchi xatboshidagi “schyoti” degan so‘z “hisobvarag‘i” degan so‘z bilan almashtirilsin.

29. 34 va 35-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“34. Elektr energiyasi uchun amaldagi tariflar o‘zgargan taqdirda, HETK ularning kuchga kirishidan kamida o‘n besh kun oldin qarorni ommaviy axborot vositalarida e‘lon qiladi.

Bunda elektr energiyasi uchun tariflar o‘zgargan sanadan qat’i nazar, elektr ta‘minoti shartnomasi o‘z kuchida qoladi va maishiy iste‘molchi foydalanilgan elektr energiyasi uchun yangi tarif kuchga kirgan kundan boshlab amalga kiritilgan tarif bo‘yicha haq to‘lashga majburdir.

Tarif o‘zgargan taqdirda, maishiy iste‘molchilar elektr energiyasining tarifi o‘zgargan kundan boshlab ikki oydan ortiq bo‘lmagan muddatga avans tariqasida to‘langan hajm uchun qo‘shimcha to‘lov to‘lashdan ozod etiladilar.

35. Tarif o‘zgarganda, tarif o‘zgargan sanagacha iste‘mol qilingan elektr energiyasi hajmi oldingi to‘lov vaqtidan boshlab o‘rtacha sutkalik iste‘mol bo‘yicha aniqlanadi va unga eski tarif bo‘yicha haq to‘lanadi. Hisoblagichlarning ko‘rsatkichlari to‘lov kunida yozib olingan deb hisoblanadi.

Tariflar o‘zgargandan keyin iste‘mol qilingan elektr energiyasi miqdori uchun yangi tarif bo‘yicha haq to‘lanadi.”.

30. 36-bandda:

1) “a” kichik bandda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“debet 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to‘lovlar” hisobvarag‘i;”;

uchinchi xatboshidagi “schyoti” degan so‘z “hisobvarag‘i” degan so‘z bilan almashtirilsin;

to‘rtinchi xatboshidagi “qarz” va “schyoti” degan so‘zlar tegishli ravishda “qarzlar” va “hisobvarag‘i” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) “b” kichik bandda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“debet 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to‘lovlar” hisobvarag‘i;”;

uchinchi xatboshidagi “schyoti” degan so‘z “hisobvarag‘i” degan so‘z bilan almashtirilsin;

to‘rtinchi xatboshidagi “qarz” va “schyoti” degan so‘zlar tegishli ravishda “qarzlar” va “hisobvarag‘i” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

3) “v” kichik bandda:

ikkinchi xatboshidagi “schyoti” degan so‘z “hisobvarag‘i” degan so‘z bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “schyotida” va “schyotini” degan soʻzlar tegishli ravishda “hisobvaragʻida” va “hisobvaragʻini” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

4) “g” kichik bandning ikkinchi va uchinchi xatboshilari quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“debet 6310 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olingan boʻnaklar — joriy qismi” hisobvaragʻi;

kredit 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan toʻlovlar” hisobvaragʻi — ilgari olingan va eski tarif boʻyicha hisoblangan boʻnak toʻlovlarini hisobga olish summasiga;”;

5) “d” kichik bandning ikkinchi va uchinchi xatboshilari quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“debet 6310 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olingan boʻnak toʻlovlari — joriy qismi” hisobvaragʻi;

kredit 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan toʻlovlar” hisobvaragʻi — yangi tarif boʻyicha hisoblangan ilgari olingan boʻnak toʻlovlarini hisobga olish summasiga.”.

31. 38-bandda:

1) “a” kichik bandda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“debet 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan toʻlovlar” hisobvaragʻi;”;

uchinchi xatboshidagi “schyoti” degan soʻz “hisobvaragʻi” degan soʻz bilan almashtirilsin;

toʻrtinchi xatboshidagi “qarz” va “schyoti” degan soʻzlar tegishli ravishda “qarzarlar” va “hisobvaragʻi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) “b” kichik bandda:

ikkinchi xatboshidagi “schyoti” degan soʻz “hisobvaragʻi” degan soʻz bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “schyotida” va “schyotini” degan soʻzlar tegishli ravishda “hisobvaragʻida” va “hisobvaragʻini” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

3) “v” kichik bandda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“debet 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan toʻlovlar” hisobvaragʻi;”;

uchinchi xatboshidagi “schyoti” degan soʻz “hisobvaragʻi” degan soʻz bilan almashtirilsin;

toʻrtinchi xatboshidagi “qarz” va “schyoti” degan soʻzlar tegishli ravishda “qarzarlar” va “hisobvaragʻi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

4) “g” kichik bandda:

ikkinchi xatboshidagi “schyoti” degan soʻz “hisobvaragʻi” degan soʻz bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “schyotida” va “schyotini” degan soʻzlar tegishli ravishda “hisobvaragʻida” va “hisobvaragʻini” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

32. 39-bandda:

1) “a” kichik bandda:

ikkinchi xatboshidagi “schyoti” degan soʻz “hisobvaragʻi” degan soʻz bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “qarz” va “schyoti” degan soʻzlar tegishli ravishda “qarzlar” va “hisobvaragʻi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

toʻrtinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan toʻlovlar” hisobvaragʻi;”;

2) “b” kichik bandda:

ikkinchi xatboshidagi “schyotida” va “schyotini” degan soʻzlar tegishli ravishda “hisobvaragʻida” va “hisobvaragʻini” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “schyoti” degan soʻz “hisobvaragʻi” degan soʻz bilan almashtirilsin;

3) “v” kichik bandda:

ikkinchi xatboshidagi “schyoti” degan soʻz “hisobvaragʻi” degan soʻz bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “qarz” va “schyoti” degan soʻzlar tegishli ravishda “qarzlar” va “hisobvaragʻi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

toʻrtinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan toʻlovlar” hisobvaragʻi;”;

4) “g” kichik bandda:

ikkinchi xatboshidagi “schyotida” va “schyotini” degan soʻzlar tegishli ravishda “hisobvaragʻida” va “hisobvaragʻini” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “schyoti” degan soʻz “hisobvaragʻi” degan soʻz bilan almashtirilsin.

33. 40-bandda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“debet 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan toʻlovlar” hisobvaragʻi;”;

uchinchi xatboshidagi “schyoti” degan soʻz “hisobvaragʻi” degan soʻz bilan almashtirilsin.

34. 41-bandda:

ikkinchi xatboshidagi “schyoti” degan soʻz “hisobvaragʻi” degan soʻz bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan toʻlovlar” hisobvaragʻi;”.

35. 43-bandning ikkinchi va uchinchi xatboshilari quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“debet 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan toʻlovlar” hisobvaragʻi;

kredit 9390 “Boshqa operatsion daromadlar” hisobvaragʻi — hisoblangan ustama summasiga.”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY STATISTIKA QO'MITASI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRLIGINING
QARORI

544 Tadbirkorlik subyektlari xodimlarining o'rtacha yillik sonini aniqlash tartibi to'g'risidagi nizomning 3-bandiga o'zgartirish kiritish to'g'risida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
9-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2858-2*

O'zbekiston Respublikasining 2025-yil 7-fevraldagi O'RQ-1025-son "Korporativ munosabatlarning huquqiy asoslari yanada takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 21-apreldagi PQ-147-son "Davlat organlari va tashkilotlarining korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo'linmalari mustaqilligini ta'minlash hamda faoliyati samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo'mitasi va Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi va Mehnat vazirligining 2017-yil 17-yanvardagi 1-mb, 3-q/q-son qarori (ro'yxat raqami 2858, 2017-yil 17-fevral) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017-y., 7-son, 104-modda) bilan tasdiqlangan Tadbirkorlik subyektlari xodimlarining o'rtacha yillik sonini aniqlash tartibi to'g'risidagi nizomning 3-bandidan "unitar korxonalar," degan so'zlar chiqarib tashlansin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Milliy statistika qo'mitasi raisi

B. HAMRAYEV

Toshkent sh.,
2025-yil 27-avgust,
3-mb-son

**Kambag'allikni qisqartirish
va bandlik vaziri**

B. ZAXIDOV

Toshkent sh.,
2025-yil 25-avgust,
6497-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 10-sentabrda e'lon qilingan.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VAZIRINING
BUYRUG'I

545 Tayyorlangan urug'lik donni sovitkichli omborxonalarga
qabul qilish va ularda saqlash tartibi to'g'risidagi nizomni
tasdiqlash haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
9-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3675*

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 31-maydagi 345-son "2025-yil hosilidan bug'doy xarid qilish va ichki bozorni don bilan barqaror ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Tayyorlangan urug'lik donni sovitkichli omborxonalarga qabul qilish va ularda saqlash tartibi to'g'risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakil, O'zbekiston Savdo-sanoat palatasi hamda O'zbekiston fermerlari kengashi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Vazir

I. ABDURAXMONOV

Toshkent sh.,
2025-yil 7-avgust,
35-son

Kelishildi:

*Tadbirkorlik subyektlarining
huquqlari va qonuniy manfaatlarini
himoya qilish bo'yicha vakil o'rinbosari*

J. URUNOV

2025-yil 16-iyul

Savdo-sanoat palatasi raisi

D. VAXABOV

2025-yil 6-avgust

Fermerlari kengashi raisi

A. XAITOV

2025-yil 6-avgust

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 10-sentabrda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
qishloq xo'jaligi vazirining 2025-yil 7-avgustdagi
35-son buyrug'iga
ILOVA

**Tayyorlangan urug'lik donni sovitkichli omborxonalarga
qabul qilish va ularda saqlash tartibi to'g'risidagi
NIZOM**

Mazkur Nizom tayyorlangan urug'lik donni sovitkichli omborxonalarga qabul qilish va ularda saqlash tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalar qo'llaniladi:
- sovitkichli omborxona** — havoni sun'iy sovitish uchun sovitish tizimlari bilan jihozlangan, namlikni bir normada saqlash uchun mo'ljallangan omborxona;
- urug'lik don to'dasi** — kelib chiqishi va sifati bo'yicha bir xil bo'lgan urug'liklarning muayyan miqdori;
- urug'lik tayyorlovchi tashkilot** — qishloq xo'jaligi ekinlari urug'liklarini qabul qilish, qayta ishlash, saralash, dorilash bilan shug'ullanadigan tashkilot;
- yarovizatsiya (vernalizatsiya)** — urug'lik donni ekishdan oldin past haroratda saqlash orqali fiziologik (epigenetik) reaksiya natijasida uning faol o'sishi va rivojlanishiga qaratilgan tadbir.

**2-bob. Urug'lik donni yarovizatsiya (vernalizatsiya) qilish va
sovitkichli omborxonaga qo'yishga tayyorgarlik ko'rish**

2. Urug'lik donni ekishdan oldin intensiv agrotexnologiyalar asosida yarovizatsiya (vernalizatsiya) qilish urug'lik donning tinim davrini nazorat ostida sovitkichli omborxonalarda saqlash, urug'liklarning fenologik (unib chiqish, tuplash, naychalash, boshqoqlash va gullash) ko'rsatkichlarini oshirish orqali vegetatsiya davrini qisqartirish maqsadida amalga oshiriladi.
3. Ekish uchun tayyorlangan urug'lik don to'dalari konditsiyaga (tozalash, saralash, dorilash, qadoqlash) yetkaziladi va ushbu urug'lik donda keyinchalik yarovizatsiya (vernalizatsiya) jarayonini o'tash maqsadida 45 kundan 60 kungacha bo'lgan muddatlarda sovitkichli omborxonalarda saqlashga yo'l qo'yiladi.
4. Agar urug'lik tayyorlovchi tashkilotda sovitkichli omborxona mavjud bo'lmasa, unga tegishli bo'lgan urug'lik don to'dalari sovitkichli omborxonasi bo'lgan boshqa yuridik shaxsning sovitkichli omborxonasida saqlanishi mumkin.
- Bunda, urug'lik don to'dasining sifati, miqdori va ularga doir tegishli hujjatlar har ikki tomon vakillari ishtirokida dalolatnoma orqali rasmiylashtiriladi va qabul qilish hamda topshirish ishlari ushbu dalolatnoma asosida amalga oshiriladi.

3-bob. Urug'lik donni sovitkichli omborxonalarga qabul qilish

5. Urug'lik tayyorlovchi tashkilot tomonidan urug'lik donni tozalash, saralash,

dorilash va qadoqlash ishlari amalga oshirilgandan keyin 7 — 10 kun muddatda omborlarda saqlanishi shart.

6. Urug'lik tayyorlovchi tashkilot tomonidan avtotransport bilan yuborilayotgan har bir urug'lik don to' dasiga tovar-transport yuk xati, shuningdek urug'lik don sifatini tasdiqlovchi hujjat (muvofiglik sertifikat yoki urug'lik tayyorlovchi tashkilotning laboratoriya tahlil natijalari) ilova qilinadi.

7. Ekish uchun mo'ljallangan urug'lik donni sovitkichli omborxonalarga faqat dorilangan va qadoqlangan holda saqlashga yo'l qo'yiladi.

8. Urug'lik tayyorlovchi tashkilot sovitkichli omborxonada urug'liklarni nav va avlodlarini joylashtirish bo'yicha dislokatsiyasini ishlab chiqadi.

9. Sovitkichli omborxonaga urug'lik donni qabul qilishdan oldin urug'lik don to' dalariga tegishli bo'lgan hujjatlar tekshiriladi va belgilangan miqdorda urug'liklarni sanoqdan o'tkazib qabul qilib olinadi.

10. Urug'lik don to' dalarini sovitkichli omborxonaga ishlab chiqilgan dislokatsiyaga muvofiq urug'lik donning nav (duragay) nomi, avlodiga asosan joylashtiradi.

11. Urug'lik don to' dalarini sovitkichli omborxona mas'ul xodimi omborga dislokatsiyaga muvofiq urug'lik donning nav (duragay) nomi, avlodiga asosan qabul qilib joylashtiradi.

Bunda, urug'lik tayyorlovchi tashkilot tomonidan urug'lik donni sovitkichli omborxonaga kunning yorug' vaqtlarida topshirishi talab etiladi.

12. Sovitkichli omborxona urug'lik donni qabul qilishda ekinboplik sifat ko'rsatkichlari bo'yicha tahlil natijalariga e'tirozi bo'lgan taqdirda, urug'lik tayyorlovchi tashkilot laboratoriyasi tomonidan qayta tahlil qilinadi.

4-bob. Urug'lik donni sovitkichli omborxonalarda saqlash

13. Urug'lik donni saqlashga qo'yilayotgan sovitkichli omborxona tozalangan, zararkunanda hasharotlarga qarshi dezinfeksiya qilingan, uning harorat va namligini nazorat qilish asboblari o'rnatilgan, ventilyatsiya tizimi ishchi holatda bo'lishi hamda havo aylanishini to'g'ri ta'minlanishi talab etiladi.

14. Sovitkichli omborlarda saqlashga qo'yilayotgan dorilanib qadoqlangan urug'lik donning namligi 14 foizdan oshmasligi talab etiladi.

15. Urug'lik don saqlanayotgan sovitkichli omborxonalarda asosiy harorat rejimi $+1^{\circ}\text{C}$ dan $+5^{\circ}\text{C}$ gacha bo'lishi va ruxsat etilgan harorat chetlanish $\pm 0.5^{\circ}\text{C}$ ta'minlanishi shart.

16. Sovitkichli omborlarda urug'lik donni saqlashda quyidagilarga amal qilinishi talab etiladi:

a) sovitkichli omborlarda urug'larning shtabel balandligi qoplarining qator soni eng ko'pi bilan 15 qatordan oshmagan holda va qoplarni poldan kamida 15 santimetr baland bo'lgan tagliklarning ustida, sovitkichli ombor shiftidan 50 santimetr oralig'ida joylashtirish;

b) taxlangan shtabellar o'rtasidagi yo'laklar, shuningdek, shtabellar va devorlar o'rtasidagi yo'laklar kamida 0,7 metr, shtabellar oralig'i 1 metr, yuklagichlar o'tishi uchun shtabellar o'rtasidagi oraliq 2,5 metr bo'lishi;

v) urug'lik don to'dalariga urug'likning navi nomi, avlodi, toifasi, nav tozaligi foizi, sinfi va boshqa ko'rsatkichlar qayd etilgan yorliq o'rnatilishi.

17. Sovitkichli omborlar elektr tarmoqlaridan uzilganda elektr energiyasi o'chish sababini (texnik nosozlik yoki tarmoq muammosi) aniqlash hamda rezerv elektr manbalarining ulash, agar rezerv manba bo'lmaganda urug'lik don to'dalarini sovitkichli omborxonalarda sifat ko'rsatkichlari buzilmaslik bo'yicha tegishli choralarni ko'rishi talab etiladi.

18. Urug'lik donni sovitkichli omborlarda saqlash davomida urug'lik tayyorlovchi tashkilotning urug'lik sifatiga mas'ullari va laboratoriya xodimlari tomonidan besh kunda bir marta quyidagi tahlil hamda nazorat ishlari olib boriladi:

urug'lik don haroratini termometr va gigrometrdagi nisbiy namlik ko'rsatkichlari tekshiriladi;

sovitkichli omborlarda elektr manbai ishlab turgani va indikator chiroqlari yonib turganligi ko'zdan kechiriladi;

sovitkichli omborlardagi urug'lik don qoplari zararkunandalar bilan zararlanmaganligi, hidi va rang o'zgarishi, mog'or belgilari yo'qligi seksiyalar bo'yicha xronologik tartibda qatlamlar bo'yicha kuzatuvlar jurnaliga kiritiladi;

urug'lik don harorati ko'rsatkichlari shtabel yorliqlarini har bir tekshiruvdan keyin jurnalda qayd etiladi va mazkur ko'rsatkichlar shtabel yorliqlariga umumiylicha alohida qatlamlarning past va yuqori haroratini ko'rsatgan holda alohida urug'lik don to'dalar bo'yicha yoziladi;

urug'lik don sifat ko'rsatkichlari (namligi, zararlanganligi, rangi, hidi) ustidan nazorati shtabellar bo'yicha olib borilib, tegishli jurnallarga qayd etiladi.

19. Urug'lik tayyorlovchi tashkilotning laboratoriya xodimlari sovitkichli omborlardagi urug'lik don to'dalaridan har o'n kunda bir marta don namunalarini olib, ekinboplik sifat ko'rsatkichlarini tahlil qilib boradi.

20. Sovitkichli omborxonada saqlanayotgan urug'liklarda mog'orlash yoki ekinboplik sifat ko'rsatkichlariga salbiy o'zgarishlar aniqlanganda sovitkichli omborxona mas'ullari shu kunning o'zida urug'lik tayyorlovchi tashkilotga xabar berishi hamda urug'lik donni sovitkichli omborxonadan olib chiqish chorasini ko'rishi talab etiladi.

21. Urug'lik tayyorlovchi tashkilot sovitkichli omborlarda saqlangan va yarovizatsiya (vernalizatsiya) jarayonidan o'tkazilgan urug'lik donlarni realizatsiya qiladigan har bir fermer xo'jaligi bo'yicha alohida reyestr yuritadi.

5-bob. Yakunlovchi qoida

22. Ushbu Nizom talablari buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javob beradi.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 7-avgustdagi 276-son va Soliq qo'mitasining 2025-yil 6-avgustdagi 2025-15-son "Elektr energiyasini sotishni buxgalteriya hisobida aks ettirish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi qarori.

2025-yil 9-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2127-5.

2. O'zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo'mitasining 2025-yil 27-avgustdagi 3-mb-son hamda Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2025-yil 25-avgustdagi 6497-son "Tadbirkorlik subyektlari xodimlarining o'rtacha yillik sonini aniqlash tartibi to'g'risidagi nizomning 3-bandiga o'zgartirish kiritish to'g'risida"gi qarori.

2025-yil 9-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2858-2.

3. O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligi vazirining 2025-yil 7-avgustdagi 35-son "Tayyorlangan urug'lik donni sovitkichli omborxonalarga qabul qilish va ularda saqlash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 9 sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3675.

